<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2011.

<sup>2</sup> Қаранг: Оқюлов О. Инновациянинг моҳияти ва ҳуқуқий тартибга солишининг умумий тавсифи // Интеллектуал мулк ҳуқуқи: ривожлантириш истиқболлари. –Т.: Адолат, 2012. – 106-б.

<sup>3</sup> Қаранг: Гулямов С.С. Вопросы гражданско-правового регулирования инновационной деятельности // Обзор законодательства Узбекистана. –Т., 2011. – №1-2. –С. 5.

<sup>4</sup> Қаранг: Предпринимательское (хозяйственное) право: Учебник / Под ред. Академика РАН Лаптева В.В. и доктора юр. наук Занковского С.С. – М., 2006.

<sup>5</sup> Қаранг: Волынкина М.В. Правовое регулирование инновационной деятельности. – М.: Аспект Пресс, 2007. – 88–89-б.; Волынкина М.В. Гражданско-правовая форма инновационной деятельности: Дис. ... докт. юрид. наук. – М., 2007.

<sup>6</sup> Қаранг: Имомов Н.Ф. Интеллектуал мулкнинг янги объектлари. – Т., 2011. –152-б.

<sup>7</sup> Қаранг: Оқюлов О. Инновациянинг моҳияти ва ҳуқуқий тартибга солишининг умумий тавсифи // Интеллектуал мулк ҳуқуқи: ривожлантириш истиқболлари. –Т.: Адолат, 2012. – 111–119-б.

«Тадқиқот асоси жамоатчилик сектори ва компаниялар ўртасида ҳамкорлик» деб номланган алоҳида бўлим бор.

Кўрсатиб ўтишимиз мумкинки, ҳуқуқий жиҳатдан инновацион фаолият – бу янги билимни яратиш ва уни бозорнинг бошқа иштирокчиларига реализация қилиш билан боғлиқ тижорат фаолиятidir<sup>1</sup>. Инновацион фаолиятни бундай тушуниш чет эллик тадбиркорларга хос бўлган бизнес ҳақидаги одатдаги тасаввурлар билан мос келади. Чунончи, АҚШнинг бизнес амалиётида инновация янги маҳсулот (хизмат, метод) яратилганидан сўнг ундан бизнес амалиётида бевосита фойдаланиш сифатида тавсифланади. Бошқача қилиб айтганда, инновация – бу маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш ва сотишга нисбатан рақиблардан ўзиб кетиш имконини берувчи янгича ёндашувдир. Айна шу сабабли инновацион фаолиятнинг мақсади интеллектуал имкониятлардан фойдаланишдан ижтимоий-иқтисодий самарага эришишдангина эмас, балки даромад олишдан ҳам иборат.

Инновацион фаолият тушунчасига берилган ҳар қандай таърифдан қуйидагилар унинг зарурий таркибий элементлари ҳисобланиши англашилади:

- а) янги билимлар олиш;
- б) уларни ишлаб чиқариш (таълим, маданият, санъат) соҳасига топшириш;
- в) билимлардан янги технологияларни яратиш мақсадида фойдаланиш;
- г) технологияларни тижорат муомаласига киритиш.

Кўрсатиб ўтилган таркибий элементларнинг ҳар бири иқтисодий, молиявий, техник ва ижтимоий омиллар билан бир қаторда, ҳуқуқий омилларнинг ҳам мураккаб мажмуини ўзида ифодалайди. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, Европа Иттифоқи мамлакатларига татбиқан инновацион фаолиятнинг у ёки бу жиҳатларига алоҳида ёндашиш ҳар доим анча шартли хусусият касб этади. Чет элда инновацион жараёни давлатнинг илмий-техника соҳасидаги инновацион йўналтирилган сиёсати сифатида тушуниш одат тусини олган. Бунда мазкур сиёсат илмий тадқиқотларни ва амалий хусусиятга эга бўлган ишланмаларни бажаришни ташкил этишнинг барча ҳуқуқий масалаларини, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун инфратузилмани норматив тартибга солишни, олий касб-хунар таълими ва кадрларни махсус тайёрлаш тизими ривожланишини таъминлашни, аниқ лойиҳаларни молиялаштириш тизимларини яратишни ва ҳоказоларни қамраб олади<sup>2</sup>.

Инновацион фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуи кенг қўламли тармоқлараро ҳуқуқий институт бўлиб, унинг тартибга солиш предметига ижтимоий муносабатларнинг қуйидаги икки гуруҳини киритиш мумкин:

– инновацион муносабатлар, яъни хўжалик юритувчи субъектлар (инновацияларнинг буюртмачилари, яратувчилари ва истеъмолчилари) инновацион фаолиятни амалга оширишлари жараёнида юзага келувчи муносабатлар;

– инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва ташкил этиш жараёнида юзага келувчи муносабатлар.

Биринчи гуруҳ инновацион фаолиятни амалга ошираётган тенг ҳуқуқли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги даромад олишга қаратилган тижорат муносабатларини ўзида ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, булар хусусий ҳуқуқий муносабатлардир. Иккинчи гуруҳга иштирокчилар ҳуқуқий мақомининг тенг эмаслиги билан тавсифланадиган оммавий-ҳуқуқий муносабатлар кириди. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш жараёнида юзага келувчи муносабатларнинг субъектлари тобелик ҳолатида бўладилар, муносабатларнинг ўзи эса тижорат фаолиятига қараб мўлжал олмайди<sup>3</sup>.

Инновацион фаолиятни тартибга солувчи нормалар турли тармоқлар мансуб бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатларда жамланган бўлиб, айна ҳол кўриб чиқилаётган институт кенг қўламли ва тармоқлараро хусусиятга эга эканлигини тасдиқлайди. Юридик кучига қараб норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қонунлар ва қонун ости ҳужжатларига бўлинади.

Умуман олганда инновациялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг алоҳида базаси ҳужжатларнинг қуйидаги турларини ўз ичига олади:

а) декларатив хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар (фармонлар, концепциялар, қонунлар, қарорлар, битимлар ва бошқ.). Улар келишувга асосланган қарорлар маҳсули ҳисобланади, бундан ташқари, давлат сиёсатининг мақсад ва мўлжалларини белгилайди;

б) ижро этувчи ҳокимият органлари ва девонининг инновацион фаолиятга доир функцияларини белгиловчи қарорлар ва фармойишлар. Ҳужжатларнинг мазкур гуруҳи унча катта эмас, у давлат идораларининг инновацион муносабатларни тартибга солишда иштирок этиш чоғидаги умумий функцияларини белгилайди;

в) дастурлар, шунингдек инновацияларни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини яратиш тартиби ҳамда унинг шакл-шамойилини, инновацияларни тўғридан-тўғри молиялаштириш турлари, имтиёзлар ва рағбатлантиришнинг бошқа механизмларини белгиловчи ҳужжатлар. Ушбу гуруҳ ҳужжатлари ўз мазмунига кўра инновацияларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш дастурларини, инновацион фаолиятни рағбатлантириш инфратузилмасини яратишни тартибга солиш масалаларини қамраб олади;

г) статистик ҳисобот тақдим этиш тўғрисидаги йўриқномалар ва хусусий ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган бошқа ҳужжатлар.

О.Оқолов инновация иқтисодий ва ижтимоий турмушда тараққиёт манбаи, давлат бошқаруви ва мақсадли таъсир кўрсатиш объекти, инвестиция шакли, тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида йўналиши сифатидаги кўринишларда намоён бўлишини таъкидлаб, бунда кўрсатилган ҳолатларнинг ҳар бири тури ҳуқуқий тартибга солиш объекти ҳисобланишини кўрсатиб ўтади. Бунда муаллиф инновацияга ҳуқуқий категория сифатида қаралганда, ҳуқуқий майдонга

<sup>1</sup> Қаранг: Имомов Н.Ф. Интеллектуал мулкнинг янги объектлари. – Т., 2011.

<sup>2</sup> Қаранг: Мартынюк Е.В. Финансирование инновационной деятельности в России // Предпринимательские и социально-экономические проблемы реформирования России / Под общ. ред. А.Н. Раппопорта. – М., 2000.

<sup>3</sup> Инновацион фаолият доирасида хусусий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлар В.Ф.Попондопуло томонидан ҳам фарқланган. Қаранг: Коммерческое (предпринимательское) право: Учебник / Попондопуло В.Ф. – М.: Юристъ, 2006. –С. 561.

киритилгандагина фуқаролик муомаласининг тўлақонли предмети бўла олиши ва муайян ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида намоён бўлишини белгилайди<sup>1</sup>.

Юридик фанининг мавжуд ютуқларига таянган ҳолда, инновация тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қонунчиликнинг комплекс тармоғи сифатида тавсифлаш, бизнингча, ўринли бўлади, зеро у турли тармоқларнинг элементлари мажмуи ҳисобланади, инновациялар тўғрисидаги ҳуқуқий нормаларнинг аксарияти ҳуқуқ соҳасининг базавий, фундаментал тармоқлари, асосан фуқаролик ҳуқуқига хос бўлган принципларини ўзида тўғридан-тўғри акс эттиради.

Инновация фаолиятини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бутун дунёда амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг инновация фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича тажрибаси шаклланиш босқичида. Бугунги кунда инновациялар билан боғлиқ муносабатларни бевосита тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жумласига, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги ва 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тadbир этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”ги қарорларини ҳамда “Инновация илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тadbир этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”ги Қарорида илмий-амалий тadbиротлар ва инновацион ишланмалар ривожлантирилиши ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларига тadbир этишни рағбатлантириш бўйича амалий механизмлар яратиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг янада мустаҳкам алоқасини таъминлаш мақсадида, шунингдек, илмий-тadbирот ташкилотлари ҳамда реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ўртасида узвий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда инновацион гоёлар ва лойиҳалар Республика ярмаркасини ташкил этишнинг аҳамиятига алоҳида урғу берилди. Шу билан бирга, Қарорда хўжалик юритувчи субъектларда инновация бўлимларини ташкил этиш ва уларнинг вазифаларини белгилашга алоҳида эътибор қаратилади. Унга кўра, амалий илмий ишланмалар ва инновацион технологиялар ишлаб чиқаришга кенг тadbир этилишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар, уюшмалар, компаниялар ва бошқа хўжалик бирлашмалари:

– хўжалик юритувчи субъектларнинг амортизацион ажратмалари ва соф фойдаси, шунингдек буюртмачиларнинг мақсадли тушумлари

<sup>1</sup> Қаранг: Оқюлов О. Инновациянинг моҳияти ва ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тавсифи // Интеллектуал мулк ҳуқуқи: ривожлантириш истиқболлари. –Т.: Адолат, 2012. – 110-б.

шакллантириш манбаларидан иборат бўлган модернизация ва янги технологиялар жамғармаларини;

– тармоқ ва корхонани инновацион ривожлантиришга жавобгар бўлган таркибий бўлинмалар, зарур ҳолларда эса – лойиҳа-конструкторлик бюрларини ташкил этишда хўжалик бошқаруви органлари ҳамда корхоналарга кўмаклашсин.

Қуйидагилар ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектларни инновацион ривожлантириш таркибий бўлинмаларининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

– замонавий ускуналар ва технологияларнинг халқаро ва маҳаллий ишланмаларини ўрганиш, шу асосда замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга тadbир этишнинг ҳар йилги ва ўрта муддатли дастурларини шакллантириш;

– маҳаллий амалий илмий тadbиротлар ва ишланмаларга буюртмалар жамламасини шакллантириш, шунингдек уларни жойлаштириш;

– амалий илмий тadbиротлар ва ишланмалар натижаларини корхона фаолияти амалиётига тadbир этиш.

“Инновация илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом<sup>2</sup>га кўра, инновация илмий-техник фаолият объектлари қуйидагилардир:

а) ихтиролар, ноу-хау, илмий-техник ишланмалар асосида янги, илмий ҳажмдор маҳсулотларнинг тажриба-саноат намуналарини яратиш, саноат синовларидан ўтказиш, янги технологияларни жорий этиш, уларни ишлаб чиқариш жараёнига тайёрлаш;

в) инсон ва ҳайвонлар касалликларини даволашнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, янги турдаги дори-дармонлар, уларнинг субстанциялари ва тиббий-техника маҳсулотларини ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни ўзлаштириш;

д) саноат чиқиндилари ҳамда иккиламчи ресурсларни қайта ишлаш технологияларини ўзлаштириш;

ж) ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва экологик хавфсизлик билан боғлиқ ҳуқуқий-ташқилий, иқтисодий ва бошқарув масалаларини ҳал қилиш;

и) инновация фаолиятини кенгайтириш, интеллектуал фаолият объектларини амалиётда қўллашга йўналтирилган республика ва халқаро миқёсдаги семинар, конференция ва кўргазмалар ташкил этиш.

Албатта, мазкур норматив ҳужжатларда инновацияларни ҳуқуқий тартибга солиш ва мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини яратишга оид дастлабки қадамлар қўйилди. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик

<sup>2</sup> Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 28 августда 1706-сон билан рўйхатга олинган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Фанлар академиясининг 2007 йил 25 апрелдаги 3, 43, 80, 5-3-6/3, 2/3-сон қарори билан тасдиқланган.

жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида ҳам таъкидлаб ўтилди ва бу борада “Инновациялар ва иқтисодийни модернизация қилиш тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлиги эътироф этилди<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, мазкур қонуннинг зарурияти интеллектуал фаолият натижаларини ишлаб чиқаришга киритиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашнинг ҳуқуқий усуллари ва воситаларини белгилайди. Шу билан бирга, мазкур соҳадаги давлат органларининг вазифалари ва функцияларини белгилаш орқали, давлат маблағлари ҳисобидан яратилган интеллектуал мулк объектларини амалиётга жорий этиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, ушбу қонунда «инновация», «инновацион фаолият» тушунчаларига таъриф берилиши, инновацион фаолият субъектлари доираси белгиланиши, шунингдек уларни мазкур субъектлар инновацион жараёнда амалга оширувчи фаолият турига қараб таснифлаш амалга оширилиши, инновация ишлаб чиқарувчилар ва уларни тадбиқ қилувчиларга аниқ имтиёзлар белагилаб қўйилиши ва инновациянинг иқтисодий ва амалий фойда келтириши асосланган тақдирда уни амалга киритишнинг мажбурий механизмини белгилаб олиш лозим.

Умуман олганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши миллий иқтисодий тизимни модернизация қилишга, sanoatнинг юқори технологияли тармоқларини қўллаб-қувватлашга, кичик тадбиркорлик субъектларига инновацион фаолиятда кенг қатнашиш учун замин яратилишига, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, лойиҳалаштириш билан шуғулланувчи субъектларнинг янада фаоллашишига олиб келади.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, инновацион жараёни ривожлантиришнинг биринчи босқичида бўлган мамлакат мазкур фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш идеал тизимини дарҳол яратишга қодир эмас. Шу муносабат билан чет эл мамлакатларининг мазкур соҳани ривожлантириш ва тартибга солиш борасидаги ижобий тажрибасини ўрганиш ва ўзлаштириш муҳим аҳамиятлидир.

Хулоса сифатида кўрсатишимиз мумкинки, миллий ҳуқуқ тизимимизда дастлабки қонунни қабул қилиб, унинг асосида мазкур соҳага тааллуқли қонун-ҳужжатларни такомиллаштириб бориш зарур. Бу ўз навбатида, Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солувчи мукамал тизим яратиш имконини беради.

**Аннотация:** мақолада инновацион фаолият, унинг моҳияти ва ҳуқуқий тартибга солиниши таҳлили амалга оширишга ҳаракат қилинган. Муаллиф инновацион фаолият тушунчаси ёритади ва мазкур фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш асосларини изоҳлайди. Муаллиф инновацион фаолият комплекс тушунча эканлиги ва тегишли ҳуқуқий базага эга бўлиши ҳамда ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқ механизми ва тизими яратилиши кераклиги тўғрисида хулосага келади.

**Калит сўзлар:** инновация, инновацион фаолият, инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш, ихтиро, фан, ишлаб-чиқариш.

**Аннотация:** в статье осуществлена попытка анализа инновационной деятельности, ее сущности и правового регулирования. Автор раскрывает понятие инновационной деятельности и характеризует правовые основы регулирования данной деятельности. Автор приходит к выводу, что инновационная деятельность является комплексным понятием и требует создания соответствующей правовой базы, а также четкого механизма и системы ее регулирования.

**Ключевые слова:** инновация, инновационная деятельность, регулирование инновационной деятельности, изобретение, наука, производство.

**Annotation:** In the article the author attempted to analyse of innovative activity, its essence and legal regulation. The author reveals the concept of innovative activity and characterizes legal bases of regulation of this activity. The author comes to a conclusion that innovative activity is a complex concept and it demands creation of the corresponding legal base and also the needs accurate mechanism and system of its regulation.

**Key words:** innovation, innovative activity, regulation of innovative activity, invention, science, production.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. – Т., 2011.
2. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: ривожлантириш истиқболлари. –Т.: Адолат, 2012.
3. Гулямов С.С. Вопросы гражданско-правового регулирования инновационной деятельности // Обзор законодательства Узбекистана. –Т., 2011. – №1–2.
4. Предпринимательское (хозяйственное) право: Учебник / Под ред. Академика РАН Лаптева В.В. и доктора юр. наук Занковского С.С. – М., 2006.
5. Волынкина М.В. Правовое регулирование инновационной деятельности. – М.: Аспект Пресс, 2007.
6. Волынкина М.В. Гражданско-правовая форма инновационной длительности: Дис. ... докт. юрид. наук. – М., 2007.
7. Имомов Н.Ф. Интеллектуал мулкнинг янги объектилари. – Т., 2011.
8. Коммерческое (предпринимательское) право: Учебник / Попондопуло В.Ф. – М.: Юристъ, 2006.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. – Т., 2011. –53-б.

**Д. Хабибуллаев**  
ТДЮУ “Фуқаролик процессуал ва ҳужалик  
процессуал ҳуқуқи” кафедраси доценти,  
юридик фанлар номзоди

### ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА МУДДАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ ФИКРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 4-моддасига кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликларини ва манфаатларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборатдир. Демак, фуқаролик ишларини ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал этишда процессуал муддатлар муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида”ги қарорида ҳам фуқаролик ишларини кўриш муддатларига оғишмай риоя этишлик одил судловни амалга оширишда қонунчиликни мустаҳкамлашга, суд иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим омилардан бири бўлиб ҳисобланишига Ўзбекистон Республикаси судларининг эътибори қаратилиши ҳақида тушунтириш берилди<sup>1</sup>.

Бироқ, статистик маълумотларга кўра, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2013 йилда жами 11.891 та иш кўриб тугатилган, 1.145.601 та суд буйруғи чиқарилган. 2014 йилнинг ўтган олти ойида бу кўрсаткич 7.151 та фуқаролик иши ва 477.125 та суд буйруғини ташкил этган. Статистик таҳлиллардан кўринишича, 2013 йилда биринчи инстанцияда иш кўришда 390 та иш бўйича Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддасида кўрсатилган бир ойлик муддат бузилган бўлса, 2014 йилнинг 6 ойида бу кўрсаткич 398 та ишни ташкил этган<sup>2</sup>.

Юқоридаги статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, процессуал муддатларнинг бузилишини йилдан йилга ортиб бориши ҳам фуқаролик суд ишларини юритишда процессуал муддатларни илмий-назарий ўрганишни, бу борадаги фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Юридик адабиётларда процессуал муддатлар тушунчаси ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилган. Масалан, ҳуқуқшунос олим Ш.Ш.Шорахметов таъкидлашча, процессуал

муддатлар деб, фуқаролик ишлари судда кўриш ва ҳал қилиш учун қонун билан белгиланган ёки суд томонидан тайинланган муддатларга айтилади<sup>3</sup>.

Э.Эгамбердиев фикрича, процессуал муддатлар - бу бажариладиган ёки бажарилиши керак бўлган процессуал ҳаракатлар ижроси учун қонун билан белгиланган ёки суд идораси томонидан белгиланган вақтга айтилади<sup>4</sup>.

М.Мамасиддиқов фикрича, процессуал муддатлар деганда фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал қилиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун лозим бўлган вақт тушунилади. Мазкур муддатлар суд, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек айрим ҳолларда ишда иштирок этмайдиган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади<sup>5</sup>.

М.А.Викут процессуал муддатлар фуқаролик суд ишларини юритишда бирон-бир муддат давомида процессуал ҳаракатни амалга ошириш ёки тугатиш учун суд (судья) ёки қонун томонидан белгиланган муддат тушунилади<sup>6</sup>.

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда процессуал муддатлар тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: процессуал муддатлар – бу фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш учун суд ва процессда иштирок этувчи ҳамда ишда иштирок этишга жалб қилинмаган аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар томонидан процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун қонун ёки суд томонидан тайинланган муддатга айтилади.

Юридик адабиётларда процессуал муддатларнинг турлари ҳақида ҳам ҳуқуқшунос олимлар ўз фикрларини билдирган. Масалан, айрим ҳуқуқшунос олимлар процессуал муддатларни умумий ёки махсус нормада белгиланишига қараб уларни умумий ва махсус процессуал муддатлар турига ажратиш мумкинлиги ҳақида фикр билдиришган.<sup>7</sup>

М.А.Викут процессуал муддатларни кимга қаратилганига қараб, қуйидаги турларга ажратади:

- 1) суд (судья) томонидан амалга ошириладиган ҳаракат учун белгиланган муддатлар;
- 2) ишда иштирок этувчи шахслар учун белгиланган муддатлар;
- 3) ишда иштирок этмаган шахслар ва ташкилотлар учун белгиланган муддатлар<sup>8</sup>.

Ҳуқуқшунос олимлар Ш.Ш.Шорахметов, Э.Эгамбердиев, М.М.Мамасиддиқовлар процессуал муддатларни қонун билан белгилаб қўйилган ҳамда суд томонидан тайинланадиган процессуал муддатларга ажратадилар<sup>9</sup>.

<sup>3</sup> Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. – Тошкент.: ТДЮИ. 2010. – Б.306.

<sup>4</sup> Эгамбердиев Э. Фуқаролик ишини юритишда процессуал муддатлар // Ж. Ҳаёт ва қонун, 1999. 3-сон, –Б.32.

<sup>5</sup> Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процесси. Ҳуқуқ қўлланма. – Тошкент: Baktria press. 2014. –Б.194.

<sup>6</sup> Викут М.А. Гражданский процесс России. Учебник 2005 Москва. Юристъ. 2005. –С.87-88.

<sup>7</sup> Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. – М.: Волтерс Клувер, 2004. –С. 590.

<sup>8</sup> Викут М.А. Гражданский процесс России. Учебник 2005 Москва. Юристъ. 2005. –С.87-88.

<sup>9</sup> Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент.: Адолат. 2001; Эгамбердиев Э. Фуқаролик ишини юритишда процессуал муддатлар. // Ж. Ҳаёт ва қонун, 1999. 3-сон, –Б.32; Мамасиддиқов М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида”ги 1999 йил 24 сентябрдаги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, 1999, 3-4 сонлар.

<sup>2</sup> Ёдгоров Х.Б. Фуқаролик процессида муддатлар ва унга риоя этишнинг аҳамияти: амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга доир баъзи таклифлар // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Куч адолатда” газетаси. 2014 йил 9-15 август сонлари.

Бизнинг фикримизча, процессуал муддатларни тўлиқ мазмун-моҳиятини қамраб олиниши нуқтаи назаридан келиб чиқиб, **ким томонидан белгиланишига** ҳамда **процессуал ҳаракатларни амалга оширувчи субъектларига қараб турларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади.**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига асосан процессуал муддатларни ким томонидан белгиланишига қараб қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

қонун билан белгиланган процессуал муддатлар;

суд томонидан тайинланадиган процессуал муддатлар.

Юридик адабиётларда ҳам қонун билан белгиланган процессуал муддатлар биринчидан, суд амалга ошириши мумкин бўлган процессуал муддатлар фақат қонун билан белгиланиши, иккинчидан, мазкур муддат хизмат тусига эгаллиги, бошқача қилиб айтганда мазкур муддатнинг ўтказиб юборилиши фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларга нисбатан ҳуқуқий таъсир кўрсатмаслиги, суд қонунда белгилаб қўйилган процессуал ҳаракатларни амалга оширишга мажбур ҳисобланиши, учинчидан, мазкур муддатларни кечиктиришга истисно ҳолатларда, қонунда бевосита назарда тутилган ҳолларда (ФПКнинг 131-моддаси) йўл қўйилиши таъкидлаб ўтилади<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, қонун билан белгиланган процессуал муддатлар суднинг ҳамда процессда иштирок этувчи ҳамда иштирок этмаган шахсларнинг ҳаммаси учун умуммажбурий характерга эгаллиги, узайтириш, кечиктиришга йўл қўйилмаслиги, узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилганда тикланишига йўл қўйилиши каби хусусиятларига эга. Қонунда белгиланган процессуал муддатларга мисол қилиб, апелляция шикоят бериш муддати – йигирма кун, кассация шикояти бериш муддати бир йил ва бошқа белгиланган муддатларни келтиришимиз мумкин.

Процессуал муддатлар қонунда белгиланмаган ҳолларда суд томонидан тайинланади. Суд томонидан тайинланадиган процессуал муддатлар ўзининг хусусиятлари билан қонунда белгиланган процессуал муддатлардан фарқ қилади. Масалан, суд томонидан тайинланган процессуал муддатларни узайтиришга, кечиктиришга йўл қўйилади. Қонунда белгиланган процессуал муддатни узайтиришга йўл қўйилмайди, фақат узрли сабаб билан ўтказиб юборилган бўлса, суд томонидан тиклаб берилиши мумкин. Суд томонидан тайинланадиган процессуал муддатларга иш кўришни кейинга қолдириш, ариза, даъво ариза, шикоят, апелляция, кассация шикоятларидаги камчиликларни тузатиш, давлат божини тўлаш мақсадида белгиланган муддатларни келтиришимиз мумкин. Шунингдек, суд томонидан тайинланадиган процессуал муддатларга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларида ҳам белгиланган процессуал муддатларни киритишимиз мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 19 майдаги “Фуқароларнинг

ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида”ги Қарориди кўрсатилишича, шикоят Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг умумий қоидаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонунида ва ФПКнинг 27-бобида белгиланган истисно ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда, суд томонидан у берилган пайдан бошлаб **ўн кунлик муддат** ичида кўриб чиқилиши лозим.

Процессуал муддатларни процессуал ҳаракатларни амалга оширувчи субъектларига қараб, қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

суд (судья) томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар учун белгиланган муддатлар;

фуқаролик суд ишларини юритишда иштирок этувчи шахслар томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар учун белгиланган процессуал муддатлар;

ишда иштирок этмаган шахслар томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар учун белгиланган процессуал муддатлар.

*Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига суд (судья) томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар учун белгиланган муддатларнинг қуйидаги турлари белгиланган:*

1) баённома юзасидан билдирилган ёзма фикрларни кўриб чиқиш муддати – улар топширилган кундан эътиборан **етти кун** (ФПКнинг 23-моддаси);

2) суд топшириғини бажариш муддати – **ўн беш кун** (ФПКнинг 65-моддаси);

3) ишни судда кўришга тайёрлаш муддати – ариза қабул қилинган кундан бошлаб **ўн кун**, алоҳида ҳолларда **йигирма кун** (ФПКнинг 131-моддаси);

4) ишни судда кўришнинг қисқартирилган муддати – биринчи инстанция суди томонидан судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан **ўн кун**, бошқа ҳолларда эса **йигирма кун** (ФПКнинг 131-моддаси);

5) ишни судда кўришнинг умумий муддати – фуқаролик ишлари судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан **бир ой** (ФПКнинг 131-моддаси);

6) аризани қабул қилишни рад этиш муддати – ариза тушган кундан эътиборан **ўн кун** ичида (ФПКнинг 153-моддаси);

7) алоҳида ҳолларда жуда мураккаб ишлар юзасидан асосланган ҳал қилув қарорини тайёрлаш муддати – кўпи билан **уч кун** (ФПКнинг 203-моддаси);

8) қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш муддати – ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан **ўн кун** (ФПКнинг 214-моддаси);

9) суд ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати – тушган кундан эътиборан **ўн кун** (ФПКнинг 215-моддаси);

10) ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати – у берилган кундан эътиборан **ўн кун** (ФПКнинг 216-моддаси);

11) ҳал қилув қарори ёки иш юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш ёки аризани кўрмай қолдириш тўғрисидаги ажримнинг нусхасини юбориш муддати –

Умумий қисм. –Тошкент:ТДҲЮИ. 2010. –Б.218; Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процесси.Ўқув қўлланма. –Тошкент: Baktria press, 2014. –Б.195.

<sup>1</sup> Мамасиддиқов М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Умумий қисм. –Тошкент:ТДҲЮИ. 2010. –Б.218; Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процесси.Ўқув қўлланма. –Тошкент: Baktria press, 2014. –Б.195.

ҳал қилув қарори ёхуд ажрим чиқарилган кундан эътиборан **беш кун** (ФПКнинг 223-моддаси);

12) сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриш муддати – ариза тушган пайтдан эътиборан **ўн кун** (ФПКнинг 232-моддаси);

13) суд буйруғи чиқариш муддати – ариза судга келиб тушган кундан эътиборан **уч кун** (ФПКнинг 238<sup>7</sup>-моддаси);

14) суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг нусхаларини тарафларга юбориш муддати – ажрим чиқарилганидан кейин **уч кун** (ФПКнинг 238<sup>10</sup>-моддаси).

15) шикоят бўйича суднинг ҳал қилув қарорини тегишли орган ёки мансабдор шахсга, шунингдек, фуқарога юбориш муддати – ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин **ўн кун** (ФПКнинг 271-моддаси);

16) шикоят бўйича суднинг ҳал қилув қарори тегишли орган ёки мансабдор шахсга юборилганда, суд ҳал қилув қарорининг ижроси ҳақида суд ва фуқарога маълум қилиш муддати – ҳал қилув қарори олинган кундан эътиборан **бир ой** (ФПКнинг 271-моддаси);

17) сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан – **уч** кундан кечиктирмай кўриб чиқиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқиши лозим (ФПКнинг 272-моддаси);

18) прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризасини судда кўриб чиқиш муддати – **йигирма кун** (ФПКнинг 277-моддаси);

19) шахсни психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани судда кўриб чиқиш муддати – **ўн кун** (ФПКнинг 297<sup>2</sup>-моддаси);

20) апелляция, кассация инстанциясининг суд мажлисига келмаган ва ишни назорат инстанциясида кўришда қатнашмаган тарафлар ва бошқа шахсларга ажрим ва қарорларнинг нусхасини юбориш муддати – улар чиқарилган кундан эътиборан **ўн кун** (ФПКнинг 319-моддаси);

21) биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ёки протест келтириш учун белгиланган муддат ўтган вақтдан эътиборан, ишни тушган шикоят ёки протест билан бирга апелляция инстанцияси судга юбориш муддати – **ўн кун** (ФПКнинг 325-моддаси);

22) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди апелляция шикояти ёки протести бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан – **йигирма кундан** кечиктирмай кўриши лозим. Иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда тегишли суднинг раиси бу муддатни кўпи билан яна **ўн кунга** узайтириши мумкин (ФПКнинг 331-моддаси);

23) Ўзбекистон Республикаси Олий суди апелляция шикояти ёки протести бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан **бир ойдан** кечиктирмай кўриб чиқиши лозим. Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси ёки унинг ўринбосари бу муддатни кўпи билан яна **бир ойга** кечиктириши мумкин (ФПКнинг 331-моддаси);

24) апелляция инстанцияси судининг ажрими иш кўрилганидан кейин дарҳол чиқарилади. Алоҳида ҳолларда асосланган ажрим тайёрлаш кўпи

билан **уч кунга** кечиктирилиши мумкин (ФПКнинг 342-моддаси);

25) биринчи инстанция судининг кассация шикояти ёки протестини кассация инстанциясига юбориш муддати – тушган кундан эътиборан **йигирма кун** (ФПКнинг 348<sup>6</sup>-моддаси);

26) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди кассация шикояти ёки протести бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан **бир ойдан** кечиктирмай кўриб чиқиши лозим. Иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда тегишли суднинг раиси бу муддатни кўпи билан яна **йигирма кунга** узайтириши мумкин (ФПКнинг 348<sup>12</sup>-моддаси);

27) Ўзбекистон Республикаси Олий суди кассация шикояти ёки протести бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан **бир ойдан** кечиктирмай кўриб чиқиши лозим. Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ёки унинг ўринбосари бу муддатни кўпи билан яна **бир ойга** узайтириши мумкин (ФПКнинг 348<sup>12</sup>-моддаси);

28) протест келтириш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати – **бир ой**, иш талаб қилиб олинган ва текшириладиган ҳолларда **икки ой** (ФПКнинг 350-моддаси);

29) ижро варақасини ижрога топшириш муддати – суднинг ҳал қилув қарори, агар қонунда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб **уч йил** (ФПКнинг 377-моддаси);

30) фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб кўчирмани ФХДЁ органига юбориш муддати – **уч кун** (ФПКнинг 285<sup>6</sup>-моддаси);

31) сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайрихитийрий тартибда ётқизиш ҳақидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишни судда кўриш муддати – ариза берилган кундан эътиборан **уч кун** (ФПКнинг 297<sup>6</sup>-моддаси).

*Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ишда иштирок этувчи шахслар томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар учун белгиланган муддатларнинг қуйидаги турлари белгиланган:*

1) баённома юзасидан ёзма фикр билдириш муддати – у имзоланган кундан эътиборан **беш кун** (ФПКнинг 23-моддаси);

2) жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтириш тўғрисида илтимос қилиш муддати – суд ажримининг нусхасини олганидан кейин **беш кун ичида** (ФПКнинг 124-моддаси);

3) сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақида ариза бериш муддати – **ўн беш кун** (ФПКнинг 229-моддаси);

4) суд буйруғи устидан эътироз билдириш муддати – суд буйруғи кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан **ўн кун** (ФПКнинг 238<sup>9</sup>-моддаси);

5) фуқарога ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги маълум бўлган кундан эътиборан судга шикоят билан мурожаат қилиш муддати - **уч ой**; фуқаро юқори органдан, мансабдор шахсдан шикоятини қаноатлантириш рад этилганлиги тўғрисида ёзма маълумот олган кундан эътиборан – **бир ой** ёки фуқаро ўзининг шикоятига ёзма жавоб олмаган бўлса, шикоят берилган кундан эътиборан – **бир ой** ўтгандан кейин (ФПКнинг 270-моддаси);

6) нотариал ҳаракат нотўғри бажарилганлиги ёки уни бажариш рад этилганлиги ҳақида шикоят бериш муддати – нотариал ҳаракат нотўғри бажарилганлиги ёки бундай ҳаракатни бажариш рад этилганлиги аризага маълум бўлган кундан эътиборан **йигирма кун** (ФПКнинг 273-моддаси);

7) ҳужжатни сақловчи ўзининг ҳужжатга бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ариза бериш муддати – эълон чиққан кундан эътиборан **уч ой** (ФПКнинг 304-моддаси);

8) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза бериш муддати – ушбу қарорни олган кундан эътиборан **ўттиз кун** (ФПКнинг 309<sup>4</sup>-моддаси);

9) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза бериш муддати – ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан **олти ой** (ФПКнинг 309<sup>10</sup>-моддаси);

10) суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибда шикоят (протест) бериш муддати – суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан **йигирма кун** (ФПКнинг 320-моддаси);

11) биринчи инстанция судининг ажрими устидан апелляция тартибда шикоят (протест) бериш муддати – суд томонидан ажрим топширилган кундан эътиборан **ўн кун** (ФПКнинг 346-моддаси);

12) кассация шикояти (протести) бериш муддати – суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан **бир йил** (ФПКнинг 348<sup>1</sup>-моддаси);

13) биринчи инстанция судининг ажримлари устидан кассация тартибда шикоят бериш ва протест келтириш муддати – ажрим чиқарилган кундан эътиборан **бир йил** (ФПКнинг 348<sup>16</sup>-моддаси);

14) назорат протести келтириш тўғрисида ариза бериш муддати – суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан **уч йил** (ФПКнинг 350-моддаси);

15) янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш учун ариза бериш муддати – қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар маълум бўлган кундан эътиборан **уч ой** (ФПКнинг 364-моддаси);

16) сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисида ариза бериш муддати – ушбу муассаса тиббий комиссиясининг тиббий текширувдан ва (ёки) даволанишдан бўйин товлаётган мазкур шахсни ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш зарурлиги ҳақидаги ҳулосаси қабул қилинган кундан эътиборан **бир сутка** (ФПКнинг 297<sup>5</sup>-моддаси);

17) жавобгар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқиши учун даъвогарга нисбатан қарши даъво тақдим этиш муддати – суд иш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилганга қадар (ФПКнинг 246-моддаси);

18) учинчи шахсларни процесга кириб келиш муддати – суднинг ҳал қилув қарори чиққунга қадар (ФПКнинг 44-моддаси);

19) апелляция, кассация, назорат протестларини тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олиш муддати – суд мажлиси бошлангунга қадар (ФПКнинг 329, 348<sup>10</sup>, 356-моддалари).

*Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ишда иштирок этмаган шахслар томонидан амалга ошириладиган*

*процессуал ҳаракатлар учун белгиланган процессуал муддатларнинг куйидаги турлари белгиланган:*

1) тегишли органлар ва мансабдор шахслар хусусий ажрим (қарор) юзасидан ўзлари кўрган чоралар тўғрисида судга хабар бериш муддати – хусусий ажримнинг (қарорнинг) нухсаси олинган кундан эътиборан **бир ой** (ФПКнинг 19-моддаси);

2) ишда иштирок этишга жалб қилинмаган аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахсларнинг апелляция шикояти бериш муддати – суднинг ҳал қилув қарор чиқарилган кундан эътиборан **йигирма кун** (ФПКнинг 320-моддаси);

3) ишда иштирок этишга жалб қилинмаган аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахсларнинг биринчи инстанция судининг ажрими устидан апелляция тартибда шикоят (протест) бериш муддати – суд томонидан ажрим топширилган кундан эътиборан **ўн кун** (ФПКнинг 346-моддаси);

4) ишда иштирок этишга жалб қилинмаган аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахсларнинг кассация шикояти бериш муддати – **бир йил** (ФПКнинг 348<sup>1</sup>-моддаси).

Ҳулоса қилиб айтганда, процессуал муддатларнинг қонунда белгиланиши ёки суд томонидан тайинланиши фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқларини ўз вақтида судлар томонидан самарали ҳимоя қилинишини амалда кафолатлайди.

**Аннотация:** мазкур мақолада процессуал муддатлар тушунчаси, турлари, қонун билан белгиланган ҳамда суд томонидан тайинланадиган процессуал муддатлар, суд (судья) томонидан, фуқаролик суд ишларини юритишда иштирок этувчи шахслар ҳамда ишда иштирок этмаган шахслар томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар учун белгиланган процессуал муддатлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

**Калит сўзлар:** процессуал муддат, қонун томонидан белгиланган процессуал муддат, суд томонидан тайинланадиган процессуал муддат.

**Аннотация:** в данной статье автором рассуждается понятия процессуальных сроков, их виды, процессуальные сроки, установленные законом и судом; процессуальные сроки для судов и для лиц привлеченных к участию в деле, а также лиц, не привлеченных к участию в деле, осуществляющих процессуальные действия.

**Ключевые слова:** процессуальные сроки; процессуальные сроки, установленные законом; процессуальные сроки, установленные судом.

**Annotation:** In this article the author considers the concepts of procedural terms, their types, procedural terms established by law and court; procedural terms for courts and the persons who involved and not involved in the case who accomplished procedural activities.

**Key words:** procedural terms, procedural terms established by law, procedural terms established by the court.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Викут М.А. Гражданский процесс России. Учебник. 2005. –Москва. Юристь. 2005.
2. Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. –М.: Волтерс Клувер, 2004.
3. Ёдгоров Х.Б. Фуқаролик процессида муддатлар ва унгра этишнинг аҳамияти: амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга доир баъзи таклифлар // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Куч адолатда” газетаси. 2014 йил 9-15 август сонлари.
4. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процесси. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Vaktoria press. 2014.
5. Мамасиддиқов М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Умумий қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2010.
6. Эгамбердиев Э. Фуқаролик ишлари юретишда процессуал муддатлар // Ж. Ҳаёт ва қонун, 1999. 3-сон. –Б.32.
7. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент.: Адолат, 2001
8. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Тошкент.: ТДЮИ, 2010.

**А.Д. Ахмедов**  
ТДЮУ мустақил изланувчиси,  
юридик фанлар номзоди

### ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Бугунги кунда инновацион фаолият миллий иқтисодий ва модернизация қилиш, ижтимоий тараққиётнинг янги босқичига ўтиш шартларидан бири сифатида қаралиб, бозор иқтисодий муносабатларининг зарурий омили сифатида эътироф этилиши ҳеч кимга сир эмас.

Хусусан, Ўзбекистонда ҳам инновациялар иқтисодий ва илмий тараққиётнинг муҳим гаровларидан бири бўлиб, бу соҳага ёшларни кенг жалб қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг таъбирича, “Ҳозирги кескин рақобат шароитида инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга”<sup>1</sup>.

Айтиш жоизки, инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишда, энг аввало, инновациялар ўзи нима эканлигини яхшилаб англаб олишимиз зарур. Фикримизча, инновация ўз табиатига кўра кўп жиҳатдан иқтисодий категория характерида эгаллиги сабабли, у асосан иқтисодий фан доирасида ўрганилган. Иқтисодий ва ҳуқуқий фанларнинг, айниқса фуқаролик ҳуқуқи, ўзаро боғлиқлигини инобатга оладиган бўлсак, инновациянинг мазкур фанлар кесимида ўрганишнинг долзарблигини кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда иқтисодий фанларда инновациялар мустақил назарияси вужудга келган бўлиб, у мамлакатлар иқтисодиёти, минтақалар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг илмий ва технологик ривожланиш жараёнлари ва ҳодисаларини ўрганади, инновацион ўзгаришларни амалга ошириш методологиясини ўз ичига қамраб олади.

Шунингдек, инновациялар назарияси доирасида қуйидаги мустақил йўналишларни алоҳида кўрсатиш мумкин: инновацияларни шакллантириш; инновацияларга қаршилик кўрсатиш; инновациялар диффузияси (уларни тарқатиш); инсоннинг уларга мослашиши ва уларни инсон эҳтиёжларига мослаштириш; инновацион ташкилотлар; инновацион қарорларни ишлаб чиқиш ва ҳ.к. Инновациялар назариясининг ғносеологик асосини кишилик жамиятини илмий ва технологик ривожлантириш қонунлари ва қонуниятларини шакллантирувчи назариялар ва концепциялар ташкил этади.

Инновациялар ва инновацион фаолиятнинг турли хил кўринишларини тавсифловчи тушунчалар илмий муҳитдан кейин кундалик амалий муомалага ҳам кириб келди. Кундалик ҳаётда улар турли ва анча мавҳум маъноларда қўлланилади, бу ерда ҳатто инновация ҳодисаси ҳамма учун тушунарли, деган фикр ҳам пайдо бўлган.

<sup>1</sup>Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш –тараққиётимизнинг муҳим омилидир // <http://press-service.uz/uz/news/archive/main/>

Айтиш керакки, рус тилидаги адабиётларда “инновация” ҳодисанинг муҳим жиҳати – янгиликка асосланиб, унга турлича таъриф берилган<sup>1</sup>, шу сабабли илмий давраларда инновациялар, инновация феномени ва инновацион фаолиятнинг мазмун ва моҳияти хусусида қизғин баҳс-мунозаралар давом этмоқда<sup>2</sup>.

Жамиятдаги кенг инновацион ўзгаришлар мазмуни ва хусусиятини ифодаловчи тушунчалар XIX асрдаёқ муомалага кириб кела бошлаган. Ушбу соҳадаги илк тушунчалардан бири “янгилик” атамаси бўлиб, унинг мазмуни даставвал турли маданиятларнинг тартибсиз ўзаро алоқаси натижасида вужудга келган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган. XX аср бошларида иқтисодий фанда “инновация” тушунчаси иқтисодий ўсиш ва ривожланиш фақат ишчи кучи ва капитал активларга инвестицияларга эмас, балки ишлаб чиқаришнинг янги технологияларига қилинган инвестицияларга ҳам боғлиқ, деган мулоҳазага татбиқан қўлланила бошлади.

XX аср давомида ижтимоий ривожланишда фан-техника тараққиётининг ўрни ва аҳамияти ошиши билан узлуксиз инновацион жараёнининг турли кўринишлари ва томонларини тавсифловчи тушунчалар оммавий ахборот воситалари, кундалик, амалий ва илмий муомалага тобора фаол кириб кела бошлади<sup>3</sup>.

“Инновация” ва “инновацион фаолият” атамаларини инновацияларда иқтисодий тараққиётнинг бош омилини кўрган ва XX асрнинг 30-йилларида “инновация” атамасини илмий муомалага киритган австриялик (кейинчалик эса – америкалик) олим Й.Шумпетерга<sup>4</sup>, шунингдек “билимлар иқтисодиёти” тушунчасини биринчи бўлиб ишлатган олим Ф.Махлупга<sup>5</sup> ҳавола қилиш орқали таснифлаш борасидаги кўп сонли назарий қарашлар инновацияларнинг моҳиятини бир хилда тушунишга олиб келмади.

Таъкидлаш керакки, инновациялар таснифи уларнинг қўлланиш доирасини ҳисобга олганда анча кенгдир. Инновация сифатида маданият, таълим ва кадрлар тайёрлаш, бўш вақтни ташкил этиш

соҳасидаги янги технологиялар, илмий билишнинг янги методлари ва ҳоказолар амал қилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, инновация тушунчасига россиялик тадқиқотчи П.Н.Завлин берган таъриф диққатга сазовор. Муаллифнинг қайд этишича, “инновация” тушунчаси янги маҳсулот, хизмат, уларни ишлаб чиқариш усулига, ташкилий, молиявий, илмий-тадқиқот ва бошқа соҳалардаги янгиликларга татбиқ этилади<sup>6</sup>.

Адабиётларда “инновация” атамасининг кўп сонли таърифлари таклиф қилинган. Бу борадаги барча ёндашувлар шартли равишда моддий-технологик ва фаол-функционал мезонларга кўра гуруҳлаш мумкин<sup>7</sup>. Биринчи ҳолда гап асосан охирига етказилган ва ўзининг моддий ифодасини топган натижа сифатидаги инновациялар ҳақида боради. Иккинчи ҳолда инновацияни бир неча босқичдан иборат янги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни сифатида тушуниш одат тусини олган. Масалан, И.И.Лапин, А.И.Пригожин ва бошқалар инновацияни янгилик билан айнанлаштирар экан, янгилик янги нарсани яратиш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш жараёни ҳисобланади, деб таъкидлайди<sup>8</sup>.

Распространение личной конфиденциальной информации в некоторых случаях возможно и при купле-продаже: человек купил интимные принадлежности (в наше время очень много магазинов, в которых продаются разные интимные принадлежности); лекарства от болезней (туберкулёз, сифилис и т.д.). Например, парень купил в аптеке «Виагру», а аптекарь, сделав вывод, основываясь на этой покупке, распространил слух, что он болен, то есть импотент. В данной ситуации также нарушается право на конфиденциальность врачебной тайны.

Мы считаем, что в договоре должны быть оговорены условия обязательного раскрытия информации о субъекте информации. На первый взгляд, в договорах, связанных с использованием личной конфиденциальной информации, кажется, что в них нет договорных отношений. Но как видно проявляется очень широкий спектр договорных отношений: оказание юридических, медицинских услуг; нотариальных действий; договор

страхования; договор купли-продажи и др., Нет гарантий, где и как может распространиться информация о личности. В связи с этим предлагаем дополнить Гражданский Кодекс Республики Узбекистан статьей, следующего содержания: «Конфиденциальная информация, полученная в связи с заключением исполнения гражданско-правового договора не должна использоваться стороной во вред стороны, предоставляющей данную информацию».

**Аннотация:** В данной статье проанализирована разновидность ответственности за правонарушения в области охраны личной конфиденциальной информации, а именно, особенности и пробелы законодательства при договорной ответственности за правонарушения в области охраны некоторых видов личной конфиденциальной информации.

**Ключевые слова:** информационное сообщество, конфиденциальная информация, договорная ответственность, гражданско-правовая ответственность, личная конфиденциальная информация

**Аннотация:** шахсий конфиденциал ахборотни ҳимоя қилиш соҳасидаги келиб чиқадиган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг турлари, яъни айрим шахсий конфиденциал ахборотни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг шартномавий жавобгарлигининг қонунчиликдаги хусусияти ва бўшлиқлари.

**Калит сўзлар:** ахборот ҳамжамияти, конфиденциал маълумот, шартномавий жавобгарлик, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, шахсий конфиденциал маълумот

**Annotation:** In this article it is analysed the variety of responsibility for offense in the field of confidential information protection, features and gaps of legislation on contractual responsibility for offense in the field of protection of some types of confidential information of personal character.

**Key words:** Information community, confidential information, contractual responsibility, civil responsibility, personal confidential information

#### Список использованной литературы

1. Закон Республики Узбекистан от 11.12.2003 №560-И «Об информатизации» // Собрание законодательства Республики Узбекистан. –Ташкент, 2004. –№6. –Ст. 67.
2. Караходжаева Д.М. Проблемы развития и совершенствования законодательства о праве собственности юридических лиц в Республике Узбекистан. –С. 23.
3. Раҳмонкулов Ҳ.. Мажбурият ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ, 2005. – 123 б.

**Б.Т. Мусаев**  
ТДЮУ “Халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи”  
кафедраси ўқитувчиси

### ЧЕТ ЭЛ ЭЛЕМЕНТИ БИЛАН МУРАККАБЛАШГАН МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИГА ЭРК МУХТОРИЯТИ ТАМОЙИЛИНИ ТАТБИҚ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида халқаро доирада ўз ўрнига эга бўлиб, кўплаб хорижий давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиб келмоқда. Бугунги кунга келиб Ўзбекистон билан 80 дан ортиқ давлатлар дипломатик муносабатларни ўрнатганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳозирги кунга қадар БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинаётган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилиниб, ҳаётимизга жорий қилинмоқда.

Натижада мамлакатимиз бугунги кунда халқаро майдонда спорт, маърифат, маданият, ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик соҳасида кўпгина чет эл мамлакатларининг эътибори ва қизиқишини уйғотди. Ушбу омиллар туфайли ҳозирда Ўзбекистонга келиб меҳнат фаолиятини олиб бораётган, шунингдек хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқароларимизнинг сони ортиб бораётганлигини ҳам қайд этиш лозим. Бу ўз навбатида, маълум бир давлатга тегишли бўлган фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни хорижий мамлакатларда меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини олиб боришига олиб келмоқда.

Шундай экан, хорижий мамлакатларда фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларига нисбатан қайси давлат ҳуқуқини қўллаш ёки коллизия нормалар ёрдамида мазкур масалага ойдинлик киритиш масалаларини назарий ва ҳуқуқий асосларини таҳлил этиш долзарб аҳамиятга эга.

Илмий адабиётларда меҳнат муносабатлари бугунги кунда қоида тариқасида халқаро хусусий ҳуқуқнинг умумий масалаларидан алоҳида ҳолда кўриб чиқиляётганлиги қайд этилади<sup>1</sup>. Ушбу фикрни миллий меҳнат қонунчилиги нормаларида оммавий ҳуқуқий нормаларни акс эттирилганлиги билан, ушбу ҳолат қонунчиликда чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган коллизия нормалар назарда тутилмаганлигида намоён бўлади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, уларда халқаро меҳнат муносабатлари доирасини тартибга солувчи нормаларда умумий асосларда халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий тамойиллари, институтлари ва умумий категориялари кўрсатиб ўтилади.

Бугунги кундаги меҳнат қонунчилигида ва бошқа қонун ҳужжатларида чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган комплекс коллизия нормаларни ўрнатиш масалалари билан боғлиқ қонунчиликдаги бўшлиқларни таҳлил қилишдан олдин, бир қатор назарий масалаларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

<sup>1</sup> Толстых В.Л. Коллизиянное регулирование трудовых отношений // Трудовое право. – № 4. 2003. – С.11.

Гап шундаки, халқаро хусусий ҳуқуқ бошқа оммавий ҳуқуқий соҳалардан ўзининг ўзига хос объекти билан бир қаторда, коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш методининг мавжудлиги билан ҳам ажралиб туради. Коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш халқаро хусусий ҳуқуқни ўзига хослигининг белгиси сифатида қаралади.

Агар чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатлари халқаро хусусий ҳуқуқнинг объектлари доирасига кирар экан, бундай меҳнат муносабатларини тартибга солишга нисбатан коллизия тартибга солиш методини қўллаш масаласини ҳам тан олмасдан иложи йўқ.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг назарий қарашларида чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи бир қатор коллизия тамойиллар қайд этилади. Жумладан, ҳуқуқни эркин танлаш (*lex volutatis*); меҳнат жойи мамлакатни ҳуқуқини қўллаш (*lex loci laboris*); байроқ қонуни (*lex flagi*); иш берувчининг фуқаролик қонунчилиги (*lex patriae, lex nationalis*); меҳнатга ёллаш шартномаси тузилган давлат қонунчилиги (*lex loci contractus*) ва бошқалар<sup>2</sup>.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири сифатида тарафларга чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларда ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишга нисбатан қўлланиладиган ҳар қандай ҳуқуқни танлаш тамойили, яъни эрк мухторияти тамойилини кўрсатиб ўтиш мумкин.

“Ҳар қандай ҳуқуқ” деганда тўғри маънони тушунмаслик лозим, бу ўринда аниқ бир коллизия нормада қўлланилиши мумкин бўлган икки ёки ундан ортиқ давлатнинг ҳуқуқини назарда тутилишини ва тарафлар томонидан ушбу норма доирасидаги давлатлар ҳуқуқини танлаш имконини беради.

Шу сабабли, эрк мухторияти тамойили миллий ва хорижий мамлакатлар ҳуқуқий таълимотларида шартнома ҳуқуқи соҳасида амал қилувчи асосий принциплардан бири сифатида намоён бўлади. Эрк мухторияти тамойили бир қатор давлатларнинг, хусусан Австрия, Венгрия, Германия, Польша, Туркия, Швейцария давлатларининг “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонунларида мустаҳкамланган<sup>3</sup>. Ушбу тамойилни амалдаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамламаган давлатларда ушбу тамойил халқаро-ҳуқуқий одат сифатида фойдаланилади. Эрк мухторияти тамойили бир қатор шартномавий мажбуриятларни тартибга солувчи халқаро конвенцияларда ҳам мустаҳкамланган.

Улар орасида 1955 йилги “Товарларнинг халқаро олди-сотдисида нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида”ги Гаага конвенцияси, 1978 йилги “Агентлик

<sup>2</sup> Халқаро хусусий ҳуқуқ // Ҳ.Р. Раҳмонқулов ва бошқ. –Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 2002. – 448 б.; Проблемы международного частного права. // Под ред. Н.И.Марышевой. – М.: 2000. – 218 с.; Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник. 6-е изд., перераб. и доп. –М.: Норма: ИНФРА-М, 2012. – 704 с.; Скачкова Г.С. Труд иностранцев в России: правовое регулирование: Научно-практическое пособие. М., 2006. Киселев И.Я. Труд с иностранным участием (правовые аспекты). М., 2003.; Ерпылева Н.Ю., Гетьман-Павлова И.В. Проблемы кодификации российского законодательства по международному частному праву / Адвокат, 2008. –№1. – С.24.; Федосеева Г.Ю. Международное частное право. Учебник, Ескто Education, –М., 2005. –С.239; Луниц Л.А. Курс международного частного права: В 3-х т. –М.: Спарк, 2002. – 1007 с.

<sup>3</sup> Международное частное право. Иностранное законодательство. Сост. Жильцов А.Н., Муранов А.И. –М., 2000. –С.321-322.

келишувларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида”ги Гаага конвенцияси, 1980 йилги “Шартнома мажбуриятларига қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида”ги Рим конвенцияси, 1994 йилги “Халқаро шартномаларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида”ги Америка давлатлари ўртасидаги конвенция ва бошқаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқида эрк мухторияти тамойили умумий тан олинган коллизия принцип саналиб, у тарафларга халқаро шартномаларда қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида келишувни назарда тутишга қаратилган. Тарафлар томонидан қўлланиладиган ҳуқуқ тамойили хусусий-ҳуқуқий муносабатларини тавсифлашда фойдаланиладиган энг муҳим институтлардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ушбу тамойилни қўлланилиш доираси фақатгина халқаро характердаги фуқаролик-ҳуқуқий битимлар билан чекланиб қолмайди. Ушбу тамойил Оила кодексининг халқаро ҳуқуқий характердаги тегишли муносабатларини тартибга солишга қаратилган нормаларида ҳам белгилаб қўйилган.

Халқаро хусусий ҳуқуқда меҳнат муносабатларига нисбатан тарафларнинг эрк мухторияти тамойилини қўллаш масаласини кўриб чиқишда, қуйидаги икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1) умуман олганда халқаро характердаги меҳнат муносабатларига нисбатан ушбу тамойилни қўллаш имкониятини мавжудлиги;

2) ушбу тамойилни ҳаракатланиш доираси ва ҳажмини аниқлаш.

Ҳуқуқий докторида нафақат тарафларнинг эрк мухториятини чегаралаш масаласида, балки умуман меҳнат муносабатларини тартибга солишга нисбатан мазкур тамойилни қўллаш мақсадга мувофиқлиги ҳақида ягона ёндашув мавжуд эмас.

Меҳнат муносабатларига нисбатан эрк мухторияти тамойилини қўллашга қарши бўлганлардан бири сифатида И. Сасини кўрсатиш мумкин. Унинг фикрича, халқаро меҳнат муносабатларида хусусий-ҳуқуқий табиат мавжуд эмас, шу боис бир корхонада меҳнат қилаётган барча ходимларнинг меҳнат муносабатлари ягона давлат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солиниши зарур<sup>1</sup>.

Унинг фикрича, эрк мухториятини қўлланилиши натижасида миллий қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро шартномаларнинг нормаларига мувофиқ меҳнат фаолиятини амалга ошираётган барча ходимларнинг тенг ҳуқуқлилик тамойилини бузилишига олиб келади.

Унинг фикрича, меҳнат шартномаси қоида тарихида иш берувчи томонидан намунавий шаклда ишлаб чиқилади ва тақдим этилади. Бундай шартномаларнинг бирор-бир бандидаги шартларни алоҳида тарзда, танлов асосида ўзгартирилиши худди шундай намунавий шартномалар асосида меҳнат қилаётган ходимларга нисбатан нотенгликни вужудга келтиради. Буларнинг барчаси, охир оқибат, ходимларнинг иш берувчи олдида тенглиги тамойилига зиддир<sup>2</sup>.

Халқаро меҳнат муносабатларига нисбатан эрк мухторияти тамойилини қўллаш тарафдорлари ўз фикрларининг асоси сифатида иш берувчи манфаатдор бўлиб, унинг ташаббуси билан ишга тақлиф қилинган юқори малакали мутахассисларнинг меҳнат шартномаларини кўрсатиб ўтишади. Ушбу ҳолатда ходимнинг ўзи меҳнат шартномасига нисбатан

қўлланиладиган ҳуқуққа нисбатан манфаатдор сифатида намоён бўлади. Мазкур ҳолатда ходим томонидан ўз фуқароси саналган давлатнинг ҳуқуқини танлаш имконияти мавжуд бўлади.

Айрим хорижий давлатларда, хусусан Австралия, Буюк Британия, Канада, ГФР ва Чехия каби давлатларда меҳнат шартномасини фуқаролик ҳуқуқининг бир институти сифатида кўрилади. Шу сабабли, ушбу давлатларнинг қонун ҳужжатларида меҳнат шартномасини тузиш вақтида унга нисбатан эрк мухторияти тамойилини қўллаш мумкинлиги белгиланган<sup>3</sup>.

Бир қатор давлатларнинг ҳуқуқи нафақат халқаро характердаги меҳнат муносабатларига нисбатан эрк мухторияти тамойилини татбиқ қилишни чекламайди, шу билан бирга тарафларнинг қўлланиладиган ҳуқуқни танлаш имкониятини ҳам яратади. Бундай давлатлар доирасига Канада, ГФР ва Буюк Британияни келтириб ўтиш мумкин<sup>4</sup>.

АҚШда қўлланиладиган ҳуқуққа нисбатан эрк мухторияти тамойили фақатгина меҳнат шартномаси ва қўлланиладиган ҳуқуқ ўртасида ўзаро узвий боғлиқлик бўлгандагина амалга ошириш мумкинлиги белгиланган.

Швейцария қонуни тарафларга меҳнат шартномасини ходимнинг ишда бўлган жойи мамлакат қонуни ёки асосий меҳнат фаолияти амалга ошириладиган, яшаш жойи ёхуд ишга тақлиф қилган давлатнинг жойи қонуни ҳисобланган давлат қонунига бўйсундириш имкониятини беради.

Эрк мухторияти тамойилидан фойдаланишдаги ҳимоявий восита сифатида ходимнинг меҳнат фаолиятини амалга ошираётган давлатнинг ҳуқуқи билан унга берилган ҳуқуқлар ва эркинликлардан фойдаланишдан маҳрум қилмасликни белгилаб қўйилганлигидир.

1980 йилги “Шартнома мажбуриятларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида”ги Конвенцияда ҳам меҳнат муносабатларини коллизия нормалар билан тартибга солиш имкониятини беради. Қайд этиш лозимки, мазкур Конвенцияда фақатгина индивидуал меҳнат муносабатлари ҳақида сўз юритилади, лекин конвенцияда индивидуал меҳнат шартномаси деганда нимани тушунилиши ҳақида аниқ бир фикр юритилмаган. Мазкур Конвенцияда меҳнат муносабатларига нисбатан бошланғич асосий коллизия норма сифатида эрк мухторияти тамойилини мустаҳкамлаб қўйган.

Шу билан бирга, Конвенциянинг 6-моддаси, 2-бандига мувофиқ индивидуал меҳнат шартномаси тузилган ходимга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ мавжуд бўлмаган ҳолатларда, тарафлар томонидан қўлланилиши белгиланган ҳуқуқ амалда ходим меҳнат қилаётган давлатнинг императив нормалари билан ходимга тақдим этилган ҳимоядан маҳрум қилмаслиги лозим.

Ушбу Конвенция қоидаларига мувофиқ тарафлар ўртасида келишув мавжуд бўлмаса, индивидуал меҳнат шартномасига нисбатан ходим бошқа давлатда вақтинчалик меҳнат қилаётган бўлса-да, шартномага мувофиқ ходим одатда ўз ишини бажараётган давлатнинг ҳуқуқига ёки агар бундай давлат мавжуд бўлмаса ходимни ёллаган корхона жойлашган давлатнинг ҳуқуқига бўйсундирилади. Агар меҳнат шартномаси бошқа давлат билан энг кўп узвий боғланган бўлса, унга нисбатан ўша давлатнинг ҳуқуқини қўллаш талаб қилинади.

<sup>3</sup> Международное частное право. Иностранное законодательство. –М.: «Статут», 2000. –С. 322-323.

<sup>4</sup> Международное частное право. Иностранное законодательство. Сост. Жильцов А.Н., Муранов А.И. –М., 2000. –С.322-323.

<sup>1</sup> Szaszy. International Labor Law. Budapest, 1968. – P. 14.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

Ушбу ҳолатда энг кўп узвий боғланган бўлиш қоидаси мавжуд барча ҳолатларни инobatга олган ҳолда ҳар бир алоҳида ҳолатдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси нормаларига эътибор қаратадиган бўлсак, чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган нормалар алоҳида махсус модда тариқасида баён қилинмаган. Меҳнат кодексининг Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахсларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиши номли 11-моддасида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ этилади, деб белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

Ушбу нормадан келиб чиқадики, Ўзбекистон Республикасида меҳнат қилаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш ҳеч қандай истисноларсиз Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади, деган бир томонлама коллизия норма баён қилинган.

Шу билан бирга, ушбу кодекснинг 12-моддасида чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилади, деган қонундан ўрнатилганлиги Ўзбекистон ҳудудидаги барча меҳнат муносабатларини тартибга солиш Ўзбекистон ҳуқуқига бўйсундирилганлигини аниқлатади.

Мазкур норма Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан миллий тартиб қоидалари қўлланилишини назарда тутмоқда. Мазкур норма ўз вақтида тўғридан-тўғри чет эллик фуқаро ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат қилиш ҳуқуқларини тақдим этмайди.

Мазкур муносабатлар қонун ости ҳужжатларида батафсил белгилаб берилган бўлиб, ушбу ҳужжатлар сирасига Ўзбекистон Республикасида ушбу масалага Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сонли “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳамда хорижий фуқароларнинг республикадаги меҳнат фаолияти тўғрисида”ги ва 2003 йил 12 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларини кўрсатиб ўтиш лозим.

Юқоридаги ҳолатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига татбиқ қилиш нуқтаи назаридан кўриб чиқадиган бўлсак, сўнги қайд этилган ҳолат ходимларнинг ҳуқуқларини янада кенгроқ ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан тавсифланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг амалдаги қонун ҳужжатларига меҳнат муносабатларини тартибга солишда эрк мухторияти тамойилини мустақамловчи нормани киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу тамойилни ўрнатишда қуйидаги ҳолатларни инobatга олиш мақсадга мувофиқ:

**Биринчи**, тарафлар томонидан қўлланиладиган ҳуқуқни танлаш масалалари фақатгина ёзма шаклдаги шартномада белгилаб қўйилган бўлиши лозим;

**Иккинчи**, тарафлар томонидан қўлланиладиган ҳуқуқни белгиланиши ходим меҳнат қилаётган давлатнинг императив нормалари билан ўрнатилган ходимнинг меҳнат муҳофазаси ва ҳуқуқларини кафолатлашга оид имкониятлардан маҳрум қилмаслиги лозим;

**Учинчи**, агар меҳнат шартномасининг барча ҳолатлари меҳнат шартномасининг бир давлат ҳуқуқи билан энг кўп узвий боғлашга қаратилган бўлса, тарафлар томонидан бошқа давлат ҳуқуқини танланиши меҳнат шартномаси энг кўп узвий боғланган давлатнинг императив нормаларини ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

**Аннотация:** ушбу мақолада чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим жиҳатлари ёритилган. Муаллиф бунда асосий эътиборни, халқаро меҳнат муносабатларини тартибга солувчи коллизия нормаларнинг аҳамияти, уларнинг турлари, коллизия-ҳуқуқий тартибга солишнинг усули сифатида эрк мухторияти тамойилига қаратган.

**Калит сўзлар:** коллизия норма, эрк мухторияти тамойили, ҳуқуқни эркин танлаш (*lex volutatis*); меҳнат жойи мамлакати ҳуқуқи (*lex loci laboris*); байроқ қонуни (*lex flagi*) ва бошқалар.

**Аннотация:** в настоящей статье освещены и проанализированы различные аспекты коллизияно-правового регулирования трудовых отношений с осложненным иностранным элементом; Автором уделяется внимание на виды и значение коллизияных норм, регулирующих международные трудовые отношения, а также принцип автономной воли, как метод коллизияно-правового регулирования трудовых отношений.

**Ключевые слова:** коллизияная норма, принцип автономной воли, свободный выбор прав, (*lex volutatis*); закон места работы (*lex loci laboris*); закон флага (*lex flagi*) и др.

**Annotation:** In this article it is revealed and analysed various aspects of collision-legal regulation of labor relations complicated by a foreign element. The author pays attention to the types and profile of conflict rules governing international labor relations, as well as the principle of autonomous as a method of collision-legal regulation of labor relations.

**Key words:** conflict rule, the principle of autonomous will, the rights of free choice, the law of the place of work, the law of flag etc.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2011. – 276 б.
2. Толстых В.Л. Коллизияное регулирование трудовых отношений // Трудовое право. № 4. 2003. – С.11.
3. Халқаро хусусий ҳуқуқ // Ҳ.Р. Раҳмонкулов ва бошқ. – Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 2002. – 448 б.
4. Проблемы международного частного права. // Под ред. Н.И.Марышевой. – М.: 2000. – 218 с.
5. Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник. 6-е изд., перераб. и доп. –М.: Норма: ИНФРА-М, 2012. – 704 с.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Расмий нашр. –Т., 2011. –276-б.

6. Скачкова Г.С. Труд иностранцев в России: правовое регулирование: Научно-практическое пособие. –М., 2006.
7. Киселев И.Я. Труд с иностранным участием (правовые аспекты). –М., 2003.
8. Ерпылева Н.Ю., Гетьман-Павлова И.В. Проблемы кодификации российской законодательства по международному частному праву / Адвокат, 2008. –№ 1.–С.24.
9. Федосеева Г.Ю. Международное частное право. Учебник, Ескмо Education. –М., 2005. –С.239.
10. Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3-х т. –М.: Спарк, 2002. – 1007 с.
11. Международное частное право. Иностранное законодательство. Сост. Жильцов А.Н., Муранов А.И. –М.: «Статут», 2000. – С. 321-322.
12. Szaszy. International Labor Law. Budapest, 1968. –P.14.

**Э.Ахунджанов**  
**ТДЮУ “Халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи”**  
**кафедраси ўқитувчиси**

### **ЎЗБЕКИСТОНДА МАГИСТРАЛ ҚУВУР ТРАНСПОРТИ ФАОЛИЯТИНИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган илк кунлардан оқ ўз олдига ёнилғи-энергетикаси соҳасининг мустақиллигини таъминлашдек муҳим вазифани белгилаб олди. Ўзбекистоннинг нефть-газ тармоғининг инвестиция имкониятларига бағишланган конференцияда Президентимиз И.А.Каримов бу ҳолатни қуйидагича, яъни “Биз мустақилликка эришган дастлабки кунлардаёқ Ўзбекистоннинг тақдири ва истиқболига боғлиқ бўлган энг муҳим устувор муаммолар орасида республиканинг энергетика ва ёнилғи мустақиллигини таъминлаш марказий ўринни эгаллаб келди. Гап шундаки, Ўзбекистон нефть ва газнинг ғоят улкан ресурсларига эга бўлгани ҳолда уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш билан шуғулланмаганлиги сабабли ўзининг нефть ва нефть маҳсулотларига бўлган талабларини республикадан пахта толаси, рангли металллар, олтин ва бошқа стратегик материалларни етказиб бериш эвазига Россиядан 4-5 миллион тонна нефть ташиб келтириш йўли билан қоплар эди.

Газ қазиб олиш Урал ва Россиянинг ҳамда Собик Иттифоқнинг бошқа минтақалари эҳтиёжларини қондиришга қаратилган<sup>1</sup>лигини таъкидлаб ўтган эдилар.

Бундан кўриниб турибдики, Собик иттифоқ даврида Ўзбекистон нефть ва газ конларига эга бўла туриб, нефть ва нефть маҳсулотларини импорт қилиш, газ маҳсулотларини эса экспорт қилишга мажбур эди. Мамлакат раҳбари ушбу конференцияда Ўзбекистоннинг нефть ва газ конларига оид иқтисодий-статистик маълумотларни ҳам бериб ўтган. Унга кўра, Республика ноёб ёнилғи-энергетика ресурсларига ва қудратли энергетика базасига эга. Разведка қилинган газ захираси салкам 2 триллион кубометрдир. Бизда 160 дан ортиқ нефть кони бор.

Нефть, газ ва конденсат захиралари ўз талабларимизни тўла таъминлабгина қолмай, энергия манбаларини четга чиқариш имконини ҳам беради. Бугун бу – сармоя сарфлашнинг энг фойдали соҳаларидан бири.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, Ўзбекистон ер остида жуда катта нефть ва газ қатламлари бор. Республика ҳудудининг салкам 60 фоизи уларни қазиб олиш учун истиқболли ҳудудлар ҳисобланади.

Бешта асосий нефть-газ минтақасини: Уст-юрт, Бухоро-Хива, Жануби-Ғарбий Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона минтақаларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Нефть ресурслари бўйича умумий имконият 4 миллиард тоннадан ортиқ. Газ конденсати бўйича 630 миллион тонна, табиий газ бўйича салкам 5 триллион кубометрни ташкил қилади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон нефть-газ тармоғида инвестиция имкониятларига бағишланган конференцияда сўзланган нутқ. 1996 йил 27 июнь Хьюстон шаҳри, Техас штати (АҚШ) // Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. / И.А.Каримов. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

Нефть ва газ ресурсларининг захиралари қиймати бир триллион АҚШ долларидан ошиб кетади<sup>1</sup>.

Берилган маълумотларни таҳлил қилганда Ўзбекистон нафақат ёнилғи-энергетикаси соҳасининг мустақиллигига эришиши, балки келажакда ушбу соҳадаги маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятига эгаллиги таъкидланган эди.

Бизга маълумки, нефть ва газ маҳсулотларини экспорт қилиш турли хил транспортларда амалга оширилади. Бунга махсус автотранспортлар, темир йўл орқали ёки денгиз танкерларида ташишларни мисол қилиб келтириш мумкин. Лекин хориж амалиётида нефть ва газ маҳсулотларини магистрал қувур транспортида ташиш ўзининг афзалликларини кўрсатиб берди. Афзалликлар маҳсулотларнинг ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз етиб бориши, шунингдек бошқа транспорт турларига нисбатан анча арзонлиги билан ифодаланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон нефть ва газ маҳсулотларини кўшни мамлакатларга, Европа давлатлари ва Хитойга экспорт қилмоқда. Ушбу маҳсулотларни ташиш эса асосан магистрал қувур транспорти орқали амалга оширилмоқда. Магистрал қувурлар орқали маҳсулотлар нафақат чет мамлакатларга етказиб берилиши мумкин, балки республика ҳудудининг исталган жойига қисқа муддатда ва тўсиқларсиз амалга оширилади. Ушбу ташиш тури бошқа ташишларга нисбатан ўзининг кам харажатлилиги билан ҳам ажралиб туради.

Ўзбекистонда магистрал қувур транспорти орқали ташишларни тартибга солиш норматив-ҳуқуқий базанинг йўқлиги, келажакда ушбу соҳадаги давлат ва жамиятнинг манфаатларига путур етишига, атроф табиий муҳитнинг зарарланишига ҳамда ташишларни ўз вақтида ва тўсиқларсиз амалга оширилишига тўсиқлик қилиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Магистрал қувурлар орқали амалга оширилаётган юklar (газ ва нефть) ни ташиш мамлакатнинг умумий юк айланмасида катта улушни ташкил этмоқда. Унинг ёрдамида Ўзбекистонда қазиб олинаётган газ ва нефть, шунингдек нефть маҳсулотларининг катта қисмини ташиш амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида “Магистрал қувур транспорти тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши кенг қамровли иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда сертармок газ ва нефть қувурлари магистралларини ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлади.

Магистрал қувур транспорти ўзида кўплаб технологик иншоотлар ва агрегатларни қамраб олади. Бу тизимлар ёнилғи-энергетикаси комплексининг муҳим бўғини ҳисобланиб, давлат ғазнасига валюта оқимини таъминлаб беради ва мамлакат иқтисодий салоҳияти учун ўта муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам магистрал қувур тизимининг ташкилий тузулмасига бирлик ва марказий бошқариш тамойилларини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу тамойилларнинг белгилаб қўйилиши кейинчалик ушбу соҳанинг фаолият юритишида юқори самарадорликка эришишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон иқтисоди учун газ ва нефть тармоқлари жуда муҳим ва таянч аҳамиятга эга. Ушбу тармоқлар салмоқли даражада Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини ва мамлакатнинг энергетик

хавфсизлигини белгилаб беради, шунингдек ижтимоий масалаларни ҳал қилишга таъсир кўрсатади. Магистрал қувурлар транспорти тизимининг фаолият юритишини ҳамда ушбу тизим объектларини қуриш ва эксплуатация қилишда ердан фойдаланишнинг махсус масалаларини, шунингдек магистрал қувур транспортининг фаолияти ва ривожланиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари ушбу соҳанинг ҳуқуқий тартибга солишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистонда “Магистрал қувур транспорти тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши биринчи навбатда табиий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш, янги иш жойлари ташкил қилиш ҳамда ушбу маҳсулотларга бўлган ички бозорнинг эҳтиёжларини таъминлашдаги давлат манфаатлари билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш имкониятини беради. Давлат газ ва нефть конларининг мулкдори сифатида ўз халқининг манфаатлари ҳамда унинг бахт-саодати йўлида газ ва нефть конларининг янада самарали ишлаши масалаларига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Шунингдек, давлат кўрсатиб ўтилган энергия ресурслари учун асосий транспорт туридан фойдаланиш ва уни ривожлантириш масалалари бўйича давлат сиёсатининг асосий тамойилларини амалга ошириши лозим.

Шаклланган магистрал қувур транспорти тизимининг, шунингдек истиқболда ташкил қилинадиган (қуриладиган) транспорт тизимларининг бўлинмаслиги тамойили ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ҳисобланади. Бундай тамойилнинг белгилаб қўйилиши эса, магистрал қувур транспортида юklarни ташишнинг ишончли ва узлуксиз амалга оширилишини, шунингдек ушбу тизимларнинг хавфсиз фаолият олиб боришини таъминлайди.

Магистрал қувур транспорти соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солиниши талаб қилинадиган юқорида айтиб ўтилган барча масалалар қабул қилинадиган қонунда ўз аксини топиши керак. Хусусан, ушбу қонунда халқ ва давлатнинг хавфсизлиги устунлиги, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, магистрал қувур транспорти соҳасидаги фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш, магистрал қувурларни қуришни лойиҳалаштириш, қуриш, қайта таъмирлаш ва ундан фойдаланишда энг сўнгги технология ва ускуналардан фойдаланиш каби магистрал қувур транспорти соҳасидаги асосий тамойиллар белгиланиши лозим. Беларуссия Республикаси “Магистрал қувур транспорти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасида магистрал қувур транспорти соҳаси фаолиятининг асосий тамойиллари деб номланган бўлиб, унда фуқаролар ва давлат хавфсизлиги, атроф муҳит муҳофазасига устун мавқе берилиши, магистрал қувур транспорти соҳасидаги муносабатларнинг барча субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек магистрал қувурларни қуриш ва фойдаланишда энг сўнгги технологиялардан фойдаланиш каби тамойиллар белгиланган<sup>2</sup>.

Магистрал қувур транспортининг самарали фаолият олиб боришини таъминлашда давлат родини кучайтириш мақсадида қонун магистрал қувур транспорти соҳасидаги давлат ҳокимияти ва

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Закон Республики Беларусь “О магистральном трубопроводном транспорте” // <http://www.pravo.by>

бошқаруви органларининг, шунингдек бошқа ваколатли органларнинг функция ва вазифаларини ҳамда ваколатларини аниқлаб бериши мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу ҳолатлар Россия Федерациясининг “Магистрал қувур транспорти тўғрисида”ги Федерал қонунининг 6-моддасида бериб ўтилган. Унга кўра давлат ҳокимияти федерал органларининг ваколатларига қуйидагилар киритилган:

– магистрал қувур транспорти соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– магистрал қувур транспорти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган федерал қонунларни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

– магистрал қувур транспорти объектларининг хавфсизлиги устидан давлат назоратини амалга ошириш;

– магистрал қувур транспорти соҳасини стандартлаштириш, метрологик таъминлаш ва сертификатлаш<sup>1</sup>.

Магистрал қувур транспорти тизимининг фаолият юритишининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, қонунда магистрал қувур транспорти тизимини стандартлаштириш масалаларини ҳам кўрсатиб ўтилиши лозим. Масалан, стандартларда магистрал қувур объектларидан маҳсулотлар йўқолиши, шунингдек оқиб ёки сиқиб чиқиб кетишини тасдиқловчи кўрсаткичларни аниқловчи тегишли назорат-ўлчов ва диагностик ускуналарга қўйиладиган талаблар кўрсатиб ўтилиши лозим. Шунингдек, магистрал қувур транспорти ва унинг алоҳида технологик объектлари томонидан курсатиладиган хизматларни сертификатлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилиши лозим. Масалан, Россия Федерациясининг “Магистрал қувур транспорти тўғрисида”ги Федерал қонунининг 8-моддаси магистрал қувур транспорти соҳасини стандартлаштириш масалалари бўйича талаблар деб номланган. Унга кўра, магистрал қувур транспорти тизими фаолияти натижасида одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф-табiiй муҳитга етказилиши мумкин бўлган зарарларни олдини олиш мақсадида кўрсатиб ўтилган тизимларнинг алоҳида объектлари ва ускуналарига Россия Федерацияси қонунчилигида белгиланган тартибда давлат стандартлари ишлаб чиқилади. Давлат стандартлари ишлаб чиқилаётган магистрал қувур транспорти тизими (магистрал қувурлар) объектлари ва ускуналари рўйхатини стандартлаштириш соҳасидаги ваколатли федерал ижро ҳокимияти органи тасдиқлайди<sup>2</sup>.

Қонунда магистрал қувур транспорти ташкилотлари фаолиятининг аниқ белгиланган турларини лицензиялаш лозимлигини белгилаш лицензияланган объектлардан хавфсиз фойдаланишнинг шартларини белгилаб беради. Ушбу фаолият турини лицензиялаш зарурати кўрсатиб ўтилган транспорт тури технологияларининг ҳамда унда ташиладиган маҳсулот турларининг мураккаблиги билан изоҳланади.

Магистрал қувур транспорти самарали фаолият юритишини ва ушбу тизимнинг ривожланиши мақсадида қонунда ердан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб ўтиш лозим. Унда магистрал қувур транспорти тизими объектларини қуриш ва

фойдаланиш учун ерларни бериш, уларга эгалик қилиш ва фойдаланиш, бошқа шахсга бериш, олиб кўйиш ҳамда ер беришни рад қилиш асосларини кўрсатиб ўтиш, ташкилотларга топширилган ёки топширилаётган ерларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, шунингдек муҳофаза қилинадиган ҳудудларда қурилиш ишларини амалга оширишга ва кўрсатиб ўтилган ҳудуд ерларидан фойдаланишга чекловлар қўллаш, магистрал қувур транспорти объектлари ҳолатини ўрганиб чиқиш ва таъмирлаш учун олиб ўтиладиган техникаларнинг тўсиқларсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида тегишли (дала) йўллардан чекланган (сервитут асосида) фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатларини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, Туркменистон Республикаси “Магистрал қувур транспорти тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси магистрал қувурларни қуриш учун ер участкаларини бериш деб номланиб, унга кўра магистрал қувур транспорти ишлаб чиқариш – технологик объектларини қуриш учун зарур бўлган ер участкалари Туркменистон қонунчилигида белгиланган тартибда доимий фойдаланиш учун магистрал қувур транспорти операторига берилади. Кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун берилган ер участкаларидан фойдаланиш тартиби, белгиланган объектларни эксплуатация қилиш даври Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади<sup>3</sup>.

Қонунда магистрал қувур транспорти объектларини қуриш, (таъмирлаш) ва қайта таъмирлаш учун технологик ускуналарни ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи ташкилот ва корхоналар томонидан мамлакатга етказиб берилган технологик ускуналарда мавжуд бўлган яширин камчиликлар учун, шунингдек магистрал қувурларни монтаж қилиш, созлаш ва фойдаланиш вақтида аниқланган етказиб берилган материалларга боғлиқ камчиликлар учун ушбу ташкилотларнинг жавобгарлик масалаларини белгилаб қўйилиши лозим. Ушбу ҳолат Туркменистон Республикаси “Магистрал қувур транспорти тўғрисида”ги қонунининг 16-моддасининг 8-бандида мустаҳкамланган. Унга мувофиқ, магистрал қувур объектларини қуриш (қайта таъмирлаш), таъмирлаш учун технологик ускуналар ва материаллар ишлаб чиқарувчи ҳамда таъминловчи корхона ва ташкилотлар:

– магистрал қувурларни монтаж қилиш, созлаш ва эксплуатация қилиш пайтида етказиб берилган технологик ускуналар ва материалларда аниқланган яширин камчиликлар учун кафолат муддати давомида жавобгар ҳисобланадилар;

– носозликлари бор ва (ёки) шартнома шартларига мос келмайдиган технологик ускуналар ва материаллар етказиш натижасида буюртмачига келтирилган зарарни қоплаши зарур<sup>4</sup>.

Ишлаб чиқариш-технологик объектларига уланган технологик ва диспетчерлик бошқармалари ўзининг мулкый шаклидан қатъий назар магистрал қувурга уланган марказий оператор томонидан бошқарилишини қонунда белгилаб қўйиш магистрал қувур транспортида ташилаётган газ, нефть ва нефть маҳсулотларини узлуксиз ҳамда ўз вақтида ташилишини таъминлаб беради.

<sup>1</sup> Закон Российской Федерации “О магистральном трубопроводном транспорте” // <http://www.consultant.ru>

<sup>2</sup> Уша жойда.

<sup>3</sup> Закон Туркменистана “О магистральном трубопроводном транспорте” // <http://www.turkmenistan.gov.tm>

<sup>4</sup> Уша жойда.

Магистрал қувур транспорти фаолияти жуда ҳам хавфли фаолият турларидан бири ҳисобланади. Қонунда магистрал қувур транспорти объектлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича, шунингдек юзага келиши мумкин бўлган аварияларнинг кенгайиб кетмасли ва уларни бартараф этиш ҳаракатларига ушбу объектларнинг тайёргарлик даражасига нисбатан алоҳида талаблар белгилаб қўйилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида “Магистрал қувур транспорти тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши газ ва нефть қувурлари транспортининг экологик хавфсизлик учун жавобгарлигини оширишга, аҳоли, саноат ва ишлаб чиқариш объектларини ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлашни яхшиланишига, мамлакатнинг ёқилғи-энергетика комплекси бошқарувини такомиллашувига, мамлакатнинг ягона халқаро энергетика тизимига чуқур иқтисодий интеграциялашувига шарт-шароит яратиб беришга хизмат қилади.

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистонда магистрал қувур транспорти фаолиятини норматив-ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишга ҳаракат қилинган. Муаллиф магистрал қувур транспортига оид хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини таҳлил қилади ва Ўзбекистонда ушбу фаолиятни норматив-ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжларини кўрсатиб ўтади. Муаллиф магистрал қувур транспортида ташишларни амалга ошириш мураккаб жараён эканлигини таъкидлайди ва ушбу соҳани ҳуқуқий базага эга бўлиши ҳамда ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқ механизми ва тизими яратилиши кераклиги тўғрисида хулосага келади.

**Калит сўзлар:** магистрал қувур транспорти, атроф-муҳит хавфсизлиги принципи, магистрал қувур транспортида ташиш муносабатларини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш, магистрал қувур транспорти соҳасида стандартлаштириш, марказий оператор.

**Аннотация:** в статье проведен анализ особенностей нормативно-правового регулирования магистрального трубопроводного транспорта в Узбекистане. Автор проанализировал законодательства зарубежных стран в области магистрального трубопроводного транспорта и отметил необходимость нормативно-правового регулирования данной деятельности в Узбекистане. Автор констатировал, что осуществление транспортировки по магистральному трубопроводному транспорту является сложным процессом и данная сфера требует создания, соответствующей правовой базы, а также четкого механизма и системы ее регулирования.

**Ключевые слова:** магистральный трубопроводный транспорт, принцип безопасности окружающей среды, нормативно-правовое регулирование магистрального трубопроводного транспорта, стандартизация в сфере магистрального трубопроводного транспорта, центральный оператор.

**Annotation:** In the article it is analysed features of legal regulation of the main pipeline transport in Uzbekistan. The author analysed legislations of foreign countries in the field of main pipeline transport and noted the need of legal regulation of this activity in Uzbekistan. The author states that transportation through main pipeline transport is difficult process and this sphere demands creation of the spe-

cific legal base, and the accurate mechanism and system of its regulation.

**Key words:** main pipeline transport, principle of safety of environment, legal regulation of the main pipeline transport, standardization in the sphere of the main pipeline transport, central operator.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон нефть-газ тармоғида инвестиция имкониятларига бағишланган конференцияда сўзланган нутқ. 1996 йил 27 июнь Хьюстон шаҳри, Техас штати (АҚШ) // Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. / И.А.Каримов. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
2. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: ривожлантириш истиқболлари. –Т.: Адолат, 2012.
3. Закон Туркменистана “О магистральном трубопроводном транспорте” // <http://www.turkmenistan.gov.tm>
4. Закон Республики Беларусь “О магистральном трубопроводном транспорте” // <http://www.pravo.by>
5. Закон Российской Федерации “О магистральном трубопроводном транспорте” // <http://www.consultant.ru>
6. Егизаров В.А. Транспортное право: Учеб. пособие. –М.: Юрид. лит., 1999.
7. Перчик А.И. Трубопроводное право: учеб. –М., 2002.

У.У.Шарифходжаев  
ТДИУ мустақил изланувчиси

### ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

Оммавий ахборот воситаларни тўртинчи ҳокимият деб аташга ўрганиб қолганмиз, зеро улар фуқаролик жамиятнинг ажралмас бўғинидир.

Мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзудаги маърузаси, хусусан «Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш» бўйича белгилаб берган стратегик вазифалари оммавий ахборот воситалари учун янги босқичга кўтарилиш даври келганлигини беғилаб берди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқларида «Демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позисиясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз»<sup>1</sup> деб, оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги туб моҳиятини баён этиб бердилар.

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий базасини яратилишида Республикаимиз Конституциясига асосий манба сифатида таянилди. Конституциямизнинг 67-моддасида «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди» деб белгилаб қўйилгани оммавий ахборот воситаларининг мутлақ қонуний эркинлигининг кафолати ҳисобланади.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг, биринчи навбатда соҳанинг ҳуқуқий базасига эътибор қаратилди ва ривожланган давлатлар тажрибаларини ўрганиш бошланди. Мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи ва бошқарувчи бир қатор қонунлар қабул қилинди (жадвал-1).

Жадвал-1

#### Оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи қонунлар<sup>2</sup>

№	Қонун номланиши	Сана
1.	Ахборотлаштириш тўғрисида	07.05.1993й.
2.	Ноширлик фаолияти тўғрисида	30.08.1996й.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т., 2011.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари фаолиятини, ривожланиши, эркинлиги кафолатлари тўғрисида таҳлилий маълумотлар (<http://uzapi.gov.uz/#uz/content/licence/statistics/>)

3.	Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида	24.04.1997й.
4.	Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида	24.04.1997й.
5.	Реклама тўғрисида	25.12.1998й.
6.	Телекоммуникациялар тўғрисида	20.08.1999й.
7.	Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида	12.12.2002й.
8.	Оммавий ахборот воситалари тўғрисида	15.01.2007й.
9.	Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида	20.07.2006й.

Қонунлар ичида алоҳида ўринни янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари» тўғрисидаги қонуни эгаллайди. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат дастлаб 1997 йилда қабул қилинган, бироқ жамиятда содир бўлган бир қатор ўзгаришлар, мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида, ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Қонун 6 боб ва 40 моддадан иборат бўлиб, мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини тартибга солиб борадиган асосий ҳужжат сифатида ўрин эгаллайди (чизма-1). Қонунда оммавий ахборот воситаларга қўйидагича таъриф берилган – «Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган (бундан буён матнда чиқариладиган деб юритилади) шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир»<sup>3</sup>.

Чизма-1

“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги  
Ўзбекистон Республикаси Қонуни



1-боб. Умумий қоидалар
2-боб. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этиш
3-боб. Оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш
4-боб. Оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш. Оммавий ахборот воситалари бозорини монополаштиришга йўл қўйилмаслиги
5-боб. Оммавий ахборот воситаларининг фуқаролар ва ташкилотлар билан муносабатлари
6-боб. Яқунловчи қоидалар

Қонуннинг биринчи боби, “Умумий қоидалар”деб номланган бўлиб, унда қонуннинг умумий мақсади, қўлланилиш соҳаси, оммавий ахборот воситалари

<sup>3</sup> Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (15.01.2007й.) ([http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=1106870](http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1106870))

тўғрисидаги қонун ҳужжатлар, оммавий ахборот воситаларига таъриф, уларнинг эркинлиги ва мажбуриятлари каби масалалар келтириб ўтилган.

Қонуннинг иккинчи боби, “Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этиш”га бағишланган. Боб доирасида, оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқи, таъсис ҳужжатлари, шартномаси, таҳририят устави, муассис ва таҳририят ўртасидаги шартнома, муассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, таҳририятнинг фаолияти, бош муҳаррир, таҳририят ходимлари, оммавий ахборот воситасининг чиқарилишига доир маълумотлар келтириб ўтилган.

Қонуннинг учинчи боби “Оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш” деб номланади. Ушбу бобда, оммавий ахборот воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, рўйхатдан ўтказиш аризаси ва унинг элементлари, қандай ҳолларда ўтказиш масаласи рад этилиши, қандай турдаги оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказмаслик мумкин эканлиги, оммавий ахборот воситасининг гувоҳномаси олиб қўйилиши, унинг фаолияти тўхтатилиши ва тугатилиши ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилган.

Қонуннинг тўртинчи боби “Оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш. Оммавий ахборот воситалари бозорини монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги” деб номланади. Боб доирасида, оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотлари қандай бўлиши, ушбу маҳсулотни қандай йўллар билан тарқатиш мумкинлиги, даврий босма нашрларнинг электрон шакллари, иловалари, назорат нусхалари ва мажбурий нусхалари ҳақида айтиб ўтилган. Шу билан бирга бобда оммавий ахборот воситалари бозорини монополлаштиришга йўл қўймаслик, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет давлатлар оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш бўйича йўналиш берилган.

Навбатдаги бешинчи бобда, “Оммавий ахборот воситаларининг фуқаролар ва ташкилотлар билан муносабатлари” ҳақида гап боради. Бобда муаллиф материалларидан в хатларидан фойдаланиш механизми, ахборот манбасини ошкор қилмаслик тартиби, раддия бериш ва жавоб қайтариш ҳуқуқи, расмий хабарлар ва ахборотларни эълон қилиш тартиблари келтирилади.

Ниҳоят, сўнги олтинчи боб “Яқунловчи қоидалар” бағишланган. Унда, ахборот агенликлари ҳақидаги маълумот ва уларнинг фаолияти, ҳалқаро ҳамкорликни амалга ошириш, чет давлатлар оммавий ахборот воситаларининг вакалатхоналари ва вакиллари аккредитация қилиш, низоларни ҳал этиш, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳақида айтиб ўтилган.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларни рўйхатдан ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 октябрдаги 214-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан амалга оширилади.

**Аннотация:** ушбу мақолада, оммавий ахборот воситалари фаолиятини тарбиға солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида сўз юритилган. Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни таҳлили қилинган.

**Калит сўзлар:** қонун, оммавий ахборот воситалари, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун.

**Аннотация:** в данной статье подробно анализируются нормативно-правовые документы, которые регламентируют деятельность средств массовых информационных, в частности, Закон Республики Узбекистан «О средствах массовой информации»

**Ключевые слова:** закон, средства массовых информационных, закон о средствах массовой информации.

**Annotation:** In this article it is analysed in detail the legal documents that regulate the activities of mass media, including the Law of the Republic of Uzbekistan "On Mass-Media".

**Key words:** law, the media, the law on the media.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т., 2011.
2. Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари фаолиятини, ривожланиши, эркинлиги кафолатлари тўғрисида таҳлилий маълумотлар (<http://uzapi.gov.uz/#uz/content/licence/statistics/>).
3. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни (15.01.2007й.) ([http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=1106870](http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1106870)).

А. Қодирқулов  
ТДЮУ магистранти

### ХЎЖАЛИК СУДЛАРИДА БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА ИШ ЮРИТИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг кейинги босқичида асосий долзарб вазифалардан бири бўлиб, одил судлов сифатини ошириш, судда ишларни ҳал қилиш тартибини такомиллаштириш, фуқаролар ва бошқа субъектларнинг суд орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтириш, бунинг учун процессуал тартиб шарт-шароитларни вужудга келтириш ҳисобланади. Шу мақсадда бугунги кунда хўжалик процессуал ва фуқаролик процессуал қонунчилик жиддий танқидий таҳлил этилиши, бу соҳада судларнинг амалий фаолияти ўрганиб чиқилиши ва умумлаштирилиши лозим<sup>1</sup>.

Хўжалик суди биринчи инстанциясида иш юритишнинг процессуал тартибига оид норматив-ҳуқуқий базанинг ҳозирги ҳолатини баҳолай туриб, уларни такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Қабул қилинадиган қонун лойиҳаларида амалдаги қонун ҳужжатларидан фарқ қиладиган тафовутларга, такрорларга йўл қўйилганини, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатлари кўплигини қайд этиш лозим. Ва энг асосий камчилик қабул қилинадиган қонунларда аксарият ўринларда ана шу қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларнинг мавжуд эмаслигида кўзга ташланади. Бу эса ўз-ўзидан ушбу ҳужжатларнинг қўлланишини сезиларли даражада қийинлаштиради, қонунларнинг ижро этилмаслигига, ҳуқуқий нигилизмга, яъни ҳар қандай ҳуқуқий норманинг инкор қилинишига, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигининг пасайишига олиб келади”<sup>2</sup>.

Ҳақиқатан ҳам қабул қилинадиган қонунларнинг суд амалиёти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги самарадорлигини ошириш суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим устувор вазифаларидан биридир.

Мазкур белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш, жамиятимизда кенг қўламда амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ ислохотларини ривожлантириш, суд ишларини юритиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш жараёнларида вужудга келадиган муаммоларни назарий ва амалий жиҳатдан чуқур тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, 2013 йилда хўжалик судларининг биринчи инстанциясида 235.150 та хўжалик ишлари кўриб чиқилган<sup>3</sup>. Шундан 159.736 таси ҳал қилув қарори асосида ҳал этилган ишлардир. Жумладан, суд буйруғини бериш тартиби асосидаги ишлар 68.754 тани, рад этилган ишлар сони 6.603 тани, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган ишлар сони 4.014 тани, иш юритиш тугатилган ишлар сони 2.646

<sup>1</sup> Хўжалик процессуал қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. Монография. О.Оқюлов муҳ.остиди. –Т.:ТДЮИ, 2011. –Б.57.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б.14.

<sup>3</sup> <http://economical-court.uz/>

тани, келишув битими тасдиқланган ишлар сони 561 тани, янги очилган ҳолатлар бўйича кўрилган ишлар сони 155 тани, сайёр суд мажлисларида кўрилган ишлар сони 84.017 тани ташкил қилган. Ҳисобот даврининг охирига қолдиқ бўлган ишлар сони 14.270 тани ташкил қилган. Шунингдек, 2013 йилда ҳисобот даврида келиб тушган ариза ва даъво аризалар сони 260.805 тани, тегишлилиги бўйича бошқа ишга ўтказилган ишлар сони 60 тани, ариза ва даъво ариза қабул қилиши рад этилган ишлар сони 5.604 тани, қайтарилган ариза ва даъво аризалар сони 12.820 тани, кўриш учун қабул қилинган ариза ва даъво аризалар сони 242.321 тани, бошқа хўжалик судлари иш юритувидан қабул қилинган ишлар сони 93 тани ташкил қилган. Юқоридаги статистик маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжалик ишлари бўйича судларда ишлар сони судларни ишларни кўриб чиқишга вақт нуктаи назардан ҳамда жисмонан улгурмаслигига олиб келмоқда.

Шунинг учун ҳам хўжалик судларида иш юритишнинг мақсад ва вазифаларни тўғри аниқлаб олиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 3-моддасига кўра, хўжалик судида суд ишларини юритиш вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) иқтисодий соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

2) иқтисодий соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал қонунчилигида юқоридаги норманинг назарда тутилганлиги мамлакатимизда олиб борилган суд-ҳуқуқ ислохотларининг самарасидан далолат бермоқда, яъни тадбиркорларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш суд органлари олдидаги энг муҳим вазифа қилиб белгилаб қўйилди.

Хўжалик суд ишлари юритиш вазифалари тўғрисида ҳуқуқшунос олим Ш.Ш.Шорахметов шундай таъкидлайди: агар тарафлар иқтисодий соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бажармасалар, бундай ҳолларда суд ўзига берилган ваколат доирасида давлатнинг мажбурлаш тадбирини қўллади. Суд бу мажбурлаш тартибидеги ишларни суд процессида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш билан ҳал этади”<sup>4</sup>.

Ҳуқуқшунос олима Ф.Ибратова хўжалик суд ишларини юритишнинг мақсади иқтисодий ва хўжалик низоларини суд ҳал этиш ҳамда асосий вазифалари фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларининг бузилган ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Бу процесснинг барча босқичида ҳар бир иш юзасидан амалга оширилади<sup>5</sup>.

Юқоридаги ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларида ҳам асосий эътибор хўжалик суд ишларини

<sup>4</sup> Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал ҳуқуқи. –Т.: “Адабиёт жамғармаси”. 2001. –Б.11.

<sup>5</sup> Ф.Ибратова Хозяйственное процессуальное право. Учебник. –Ташкент: ТГЮИ, 2012. –С.19.

юретишнинг вазифаларига қаратилган. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида хўжалик суд ишлари юретишнинг мақсади баён этилмаган бўлса-да, хўжалик процессуал қонунчилигининг ҳуқуқий нормалари мазмун-моҳиятига сингдирилган.

Унга кўра, хўжалик судида иш кўришнинг асосий мақсади одил судловни амалга ошириш, иқтисодиёт соҳасида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар, корхона, муассаса, ташкилотлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашишдан иборат. Шу маънода хўжалик судлари томонидан хўжалик ишларининг сайёр суд мажлисларида кўрилиши ҳам жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Статистик маълумотларга қараганда 2013 йилда хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлар ва давлат органларидан хўжалик судларига келиб тушган 235 мингдан ортиқ ариза ва даъво аризалари мазмунан кўриб, ҳал этилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид 23 мингдан зиёд ишлар кўрилиб, уларнинг фойдасига 322,5 миллиард сўм маблағларни ундириш ҳақида қарорлар қабул қилинган, 84 мингдан ортиқ хўжалик ишлари бевосита жойларда, сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилган<sup>1</sup>.

Албатта, хўжалик суд ишлари юретиш мақсад ва вазифаларининг аҳамиятини тўлиқ тасаввур этиш учун бошқа хорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилиш, уларнинг тажрибаларини ўрганиш лозим.

Шу нуқтаи назардан МДХ таркибига кирувчи мамлакатлар процессуал қонунчилигига мурожаат қиладиган бўлсак, Россия Федерацияси АПКнинг 2-моддасида арбитраж судларида ишларни юретиш вазифалари куйидагилардан иборат эканлиги белгиланган:

1) тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият соҳасида РФ ва унинг субъектлари, муниципал тузилмалар, мазкур соҳада мансабдор шахслар, маҳаллий бошқарув органлари, РФ давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат;

2) тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият соҳасида одил судловга мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш;

3) мустақил ва беғараз судлар томонидан оқилона муддатда адолатли ошкора суд муҳокамаисни ўтказиш;

4) тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва қонунийликни мустаҳкамлаш;

5) судлар ва қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантириш;

6) ўзаро шерик ишга доир муносабатларни шаклланиши ва ривожланишига кўмаклашиш, ишчанлик обороти этикаси ва одатларни шакллантириш<sup>2</sup>.

Россия Федерацияси Арбитраж процессуал қонунчилигида хўжалик суд ишларини юретиш вазифалари биров кенгроқ берилган бўлиб, унга фуқаролар, ташкилотлардан сўнг Федерация субъектлари, маҳаллий тузилмалар, шунингдек, фуқаролик, меҳнат ёки бошқа ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ҳисобланган бошқа шахслар ҳуқуқ ва манфаатлари киритилган. Ушбу моддада айтиб ўтилган субъектлар доираси бир томондан кенгроқ кўринса-да, бироқ умумий маънода муассаса, ташкилотлар юқоридагиларни ўз ичига қамраб олади.

Шу билан бирга, Россия Федерацияси ХПКнинг 2-моддасида хўжалик суд ишларини юретиш вазифаларига қонунийлик, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қонун ва судга ҳурмат муносабатида бўлишга кўмаклашиш кўзда тутилган бўлиб, бизнинг хўжалик процессуал қонунчиликдан фарқли жиҳати сифатида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қонун ва судга ҳурмат муносабатида бўлиш мақсадини кўрсатиш мумкин. Фикримизча, хўжалик суд ишларини юретиш мақсади сифатида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни алоҳида ажратилганлиги қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг бир йўналиши эканлигидан далолат бермоқда. Шунингдек, қонун ва судга ҳурмат муносабатида бўлиш мақсадига хўжалик суд ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш орқали эришиш мумкин, шу сабабли ушбу мақсад процессуал қонунчиликка тўғри киритилган, деб ўйлаймиз. Мамлакатимиз процессуал қонунчилигида кўзда тутилган хўжалик суд ишларини юретишда демократияни, ижтимоий адолатни таъминлаш мақсадларига эришилиши фуқароларнинг қонунга ва судга ҳурмат муносабатида бўлишига олиб келади. Чунки, суд томонидан қонунларнинг тўғри қўлланилиши, одил судловнинг амалга оширилиши, адолатли ҳал қилув қарорининг чиқарилиши билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниб, уларнинг қонунга, судга бўлган ишончи ва ҳурмати ошади. Бу эса, жамиятда демократиянинг устунлигидан, ижтимоий адолатнинг қарор топганлигидан далолат беради. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 3-моддасида келтирилган хўжалик суд ишларини юретиш вазифалари ўзининг мазмуни, анча кенг субъектлар доирасини қамраб олиши, суд ишларини юретиш мақсадлари билан фарқли жиҳатларини кўриш мумкин.

Беларусь Республикаси ХПКнинг 3-моддаси “Хўжалик судларида суд ишларини юретишнинг мақсади” деб номланиб, унга кўра, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда умумий белгиланган муддатдан чиқиб кетмаган ҳолда қисқа муддатда тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолиятини амалга оширишдан келиб чиқадиган низоларни қонуний ҳал қилишни таъминлаш; ваколатли, мустақил ва беғараз судлар томонидан адолатли суд муҳокамасини ўтказиш.

Шунингдек, Беларусь Республикаси ХПКнинг 4-моддаси “Хўжалик судларида суд иш юритувнинг вазифалари” деб номланган бўлиб, унинг вазифалари сифатида куйидагилар белгиланган:

- хўжалик судлари томонидан ишларни тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқиш;

- яқка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахсларни бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, шунингдек, мазкур соҳада Беларусь Республикаси, БРнинг маъмурий-ҳудудий

<sup>1</sup> <http://www.kun.uz/> 31.01.2014.

<sup>2</sup> <http://www.consultant.ru>

бирликлари, давлат органлари, маҳаллий ва ўзини ўзи бошқарув органлари, бошқа органлар ва мансабдор шахсларни ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда фуқаролар ва юридик шахс ҳисобланмайдиган ташкилотларнинг ҳам;

- тадбиркорлик ва бошқа хўжалик (иқтисодиёт) соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва қонунийликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

- хўжалик судларида суд ишларини юритиш тўғрисидаги мазкур Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда судлар ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш;

- шерикчилик асосида ишчанлик муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш, иш юритиш этикаси ва анъаналарини такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлашдан иборат<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, Беларусь Республикаси қонунчилигида хўжалик суд ишларини юритиш вазифалари бизнинг процессуал қонунчиликдан айрим фарқли жиҳатлари билан ажралиб туради. Беларусь Республикасида хўжалик суд ишларни юритишнинг энг муҳим вазифаси хўжалик ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриш ва ҳал этишдан иборат бўлиб, бу орқали хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга эришилиши назарда тутилган. Шунингдек, хўжалик суд ишларини юритиш вазифалари қаторига ижрога тегишли суд қарорлари ва бошқа ҳужжатларни ижро этишни таъминлаш ҳам киритилиши бизнинг қонунчиликдан фарқли жиҳат ҳисобланади.

Хўжалик суд ишларини юритиш вазифалари қаторига суд қарорлари ва бошқа ҳужжатларни ижро этишни таъминлашнинг киритилишини тўғри деб ҳисоблаш мумкин. Чунки, хўжалик суд ишларини юритишдан асосий мақсад юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир. Суд томонидан низолаштирилган ҳуқуқ ва манфаатлар юзасидан хўжалик иши тўғри, ўз вақтида кўриб чиқилиб, ҳал қилув қарори чиқарилса, бироқ у ўз вақтида ижро этилмаса, хўжалик суд ишларини юритишдан асосий мақсадига эришиб бўлмайди. Фақатгина суднинг ҳал қилув қарори асосида ёзилган ижро варақасини ижро этиш орқалигина бузилган ҳуқуқ ёки манфаат ҳимоя қилиниши мумкин. Шу маънода хўжалик суд ишлари юритиш вазифаларига суд қарорлари ва бошқа ҳужжатларни ижро этишни таъминлашнинг киритилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаш мумкин.

Юқорида МДХ мамлакатлари ва мамлакатимиз хўжалик процессуал қонунчилигини қиёсий таҳлил этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 3-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Хўжалик судида суд ишларини юритиш вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда *суд қарорлари ва бошқа ҳужжатларнинг ижро этишни таъминлаш мақсадида хўжалик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш*;

2) иқтисодиёт соҳасида *қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар, корхона, муассаса, ташкилотлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш*.

**Аннотация:** мазкур мақолада хўжалик судларида биринчи инстанция судида иш юритишнинг мақсад ва вазифалари, МДХ давлатлари хўжалик процессуал қонунчилиги билан қиёсий таҳлил ҳамда хўжалик процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар билдирилган.

**Калит сўзлар:** хўжалик судлари, одил судлов, хўжалик судларида иш юритишнинг мақсад ва вазифалари.

**Аннотация:** в данной статье освещаются цели и задачи производства первой инстанции хозяйственного суда; даны предложения и рекомендации, направленные на совершенствование хозяйственного процессуального законодательства, а также проведен сравнительный анализ хозяйственного процессуального законодательства стран СНГ.

**Ключевые слова:** хозяйственный суд, правосудие, цели и задачи производства первой инстанции хозяйственного суда

**Annotation:** in this article it is revealed the aims and tasks of proceeding in the first instance of economical court; it is given suggestions and recommendations directed for the development the economical procedural legislation, also it was made comparative analysis of economical procedural legislation of CIS countries.

**Key words:** economical courts, justice, the aims and cases of proceeding in the economical courts.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б.14.
2. Хўжалик процессуал қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. Монография. О.Оқюлов муҳ.остида. –Т.:ТДЮИ, 2011. –Б.57.
3. Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал ҳуқуқи. –Т.: “Адабиёт жамғармаси”. 2001. –Б.11.
4. Ф.Ибратова Хозяйственное процессуальное право. Учебник. –Ташкент: ТГЮИ, 2012. –С.19.
5. <http://economical-court.uz/>
6. <http://www.kun.uz/>
7. <http://www.consultant.ru>
8. <http://www.pravo.kulichki.ru>

<sup>1</sup> <http://www.pravo.kulichki.ru>

Р.Собиров  
ТДЮУ магистранти

**ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ ТЎҒРИ, ЎЗ ВАҚТИДА  
КЎРИШ ВА ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ КАФОЛАТИ  
СИФАТИДА ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР  
ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
МАСАЛАЛАРИ**

Ҳозирги кунда фуқаролик процессуал ҳуқуқининг долзарб масалаларидан бири одил судловга йўл қўйилганлиги ва унинг самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Мамлакатимизда кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислохотлари амалга оширилиши муносабати билан судларнинг нуфузи, уларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ўрни ошиб бормоқда. Қолаверса, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида, бевосита судга мурожаат қилишга бўлган ҳуқуқларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қатор қонун ҳужжатлари билан кафолатлаб қўйилганлиги ҳам судларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини оширишга олиб келди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Фуқаролик ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш” деб номланувчи 10-моддасида фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, ҳўжалик суди ёки ҳакамлик суди томонидан ҳимоя қилинади.<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳнамолиги остида мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган муҳим омил ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган. Шунинг учун ҳам судларнинг амалда мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, жамиятимизда суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, суд орқали ҳимояланишига бўлган ҳуқуқларни кўшимча кафолатлаш, суд тизимининг қонунчилик асосларини ҳуқуқий демократик давлат талабларига мослаштириш ҳамда фуқаролик ишларини ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишга қаратилган нормаларини такомиллаштириш ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлиш билан бир қаторда суд томонидан ўз ҳуқуқларини самарали тарзда тиклашиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 8-моддасида ҳар бир инсон, мободо унда Конституция қонун бериб қўйган асосий ҳуқуқларни бузгудек бўлса, нуфузли миллий судлар

томонидан ўз ҳуқуқларини самарали тарзда тиклашиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.<sup>3</sup>

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижасида шаклланган ва фаолияти тобора такомиллашиб бораётган фуқаролик ишлари бўйича судларда кўрилаётган ишларнинг сони ошиб бораётганлигининг ўзи судларнинг инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идора сифатидаги аҳамиятининг ортиб бораётганлигидан далолат беради. Масалан, статистик маълумотларга қараганда 2001 йилда жами кўриб тамомланган иш ва аризаларнинг сони 125.013 тани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2012 йилда 2.158.319 тани ташкил этган.<sup>4</sup> Бироқ, Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан кўриб чиқилаётган фуқаролик ишлари ҳажмининг кўплиги фуқаролик ишларини кўзғатиш босқичида, ишларни кўриш ва ҳал қилиш жараёнида процессуал муддатларга риоя қилиш масалаларида айрим муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирда судлар томонидан процессуал ҳуқуқ нормаларига тўла риоя қилмасдан қарорлар қабул қилиш, ишларни лозим даражада тайёрламасдан фуқаролик ишларини судда мазмунан ҳал қилишга киришиш ҳамда айрим ҳолларда суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилмасдан ишни кўриш ҳоллари тез-тез учрамоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилганлигини кўриш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида”ги Қарорининг кириш қисмида суд амалиётини умумлаштириш фуқаролик ишларини кўриш муддатларини бузишга маълум даражада ишни кўришга тайинлашда иш ҳужжатларининг чуқур ўрганилмагани, ишни кўришга тайёрлаш вақтида айрим хатоларга йўл қўйишлар, судда иш юритиш иштирокчиларини ўз вақтида хабардор қилмаслик, суд процессини ўйламасдан ташкил қилиш ва бошқа субъектив характерга эга бўлган асослар сабаб бўлаётганлиги алоҳида баён этилган.<sup>5</sup>

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Х.Б.Ёдгоровнинг таъкидлашича, 2013 йилда биринчи инстанцияда иш кўришда 390 та иш бўйича Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддасида кўрсатилган бир ойлик муддат бузилган бўлса, 2014 йилнинг 6 ойида бу кўрсаткич 398 та ишни ташкил этган. Ушбу муддати бузилган ишлар таҳлилдидан кўринишича, асосан, бир неча даъвогар ва бир неча жавобгарлар иштирокидаги ҳамда бир неча даъво талаблари мавжуд, турли суд экспертизалари ўтказиш талаб этиладиган фуқаролик ишларини кўришда бир ойлик

<sup>3</sup> Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. – Тошкент: Адолат, 1992. -12 б.

<sup>4</sup> Фуқаролик ишлари бўйича республика судларининг 2011-2012 йил давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. –Тошкент. 2012.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида”ги 1999 йил 24 сентябрдаги қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, 1999, 3-4 сонлар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон. 2014 йил.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Расмий нашр. 2013 йил.

процессуал муддатлар бузилган.<sup>1</sup> Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятларини таъминлаш, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари ҳисобланган фуқаролик ишларини ўз вақтида ва тўғри кўриш ҳамда ҳал этиш мақсадида процессуал муддатларга риоя этиш кафолатларини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиб ўрганиш ҳозирги кунда фуқаролик процессуал ҳуқуқининг долзарб муаммоларидан бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда атоқли процессуалист олим, профессор Ш.Ш.Шорахметов ўз асарларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштиришга қаратилган устувор йўналишларнинг назарий ҳамда ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятларини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш лозимлиги ҳақида ўз фикрларини илгари сурган.<sup>2</sup>

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимида оид ислохотлар натижасида умумий юрисдикция судларига тааллуқли бўлган фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг суд амалиётида кўпайиб бораётганлиги, айни пайтда фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда процесс иштирокчилари ва манфаатдор шахсларнинг одил судлов ҳимоясига бўлган кафолатларини кучайтириш, суд ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминловчи процессуал муддатларни такомиллаштиришнинг долзарблигини кўрсатади.

Аввало шуни айтиш керакки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг процессуал муддатларга доир талабларига қатъий амал қилиш муҳим ўрин тутаяди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 12-боби процессуал муддатларга бағишланган бўлиб, унинг 126-моддасида процессуал ҳаракатларнинг қонунда белгиланган муддатларда бажарилиши, процессуал муддатлар қонунда белгиланмаган ҳолларда эса, уларни суд белгилаши қайд этилган.

Процессуал муддатлар деганда, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш вақти тушунилади. Бу муддатлар судлар, тарафлар ва бошқа процесс иштирокчилари, шунингдек, процесс иштирокчиси бўлмаган бошқа шахслар учун ҳам белгиланиши мумкин. Судлар учун белгиланган процессуал муддатлар судьяга қонун билан белгиланган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқ ва мажбуриятларини юклайди.

Бундай муддатларга Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддасида қайд этилган фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва кўриш муддатлари киради.<sup>3</sup> Судья мазкур моддада белгиланган муддатларга қатъий риоя этиши, яъни ариза қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмасдан фуқаролик ишини судда кўришга тайёрлаши, алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар бўйича ўзининг асослантирилган ажримига биноан ушбу муддатни кўпи билан яна 10 кунга узайтириб, йигирма кунда ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича барча процессуал ҳаракатларни амалга ошириши шарт.

Алимент ундириш, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек, боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича қўзғатилган ишлар, башарти тарафлар бир туман ёки шаҳарда жойлашган бўлса, биринчи инстанция суди томонидан судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмасдан, бошқа ҳолларда эса, йигирма кундан кечиктирмай кўрилиши лозим. Ариза судга қабул қилиниб, фуқаролик иши қўзғатилгач, судья 10 кунлик муддатда ишни судда кўриш учун тайёрлаши ва тайёрлаб бўлгач, бир ойдан кечиктирмасдан кўриши, яъни жами 40 кунда иш ўзининг қонуний ечимини топиши лозим. Алоҳида мураккаб ишлар бўйича ушбу муддат 50 кунни ташкил этади.

Статистик маълумотларга кўра, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2013 йилда жами 11.891 та иш кўриб тугатилган, 1.145.601 та суд буйруғи чиқарилган. 2014 йилнинг ўтган олти ойида бу кўрсаткич 7.151 та фуқаролик иши ва 477.125 та суд буйруғини ташкил этган. Статистик таҳлиллардан кўринишича, 2013 йилда биринчи инстанцияда иш кўришда 390 та иш бўйича Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддасида кўрсатилган бир ойлик муддат бузилган бўлса, 2014 йилнинг 6 ойида бу кўрсаткич 398 та ишни ташкил этган. Ушбу муддати бузилган ишлар таҳлиладан кўринишича, асосан, бир неча даъвогар ва бир неча жавобгарлар иштирокидаги ҳамда бир неча даъво талаблари мавжуд, турли суд экспертизалари ўтказиш талаб этиладиган фуқаролик ишларини кўришда бир ойлик процессуал муддатлар бузилган.<sup>4</sup>

Амалдаги мамлакатимиз Жиноят процессуал кодексининг 405-моддасига кўра, жиноят ишини судда кўриш муддати икки ой қилиб белгиланган. Ваҳоланки, фуқаролик ишлари бўйича далиллар жиноят процессидан фарқли равишда асосан, бевосита суд процессида, судья томонидан йиғилади. Шунинг учун ҳам, амалдаги фуқаролик процессуал қонунчиликда белгиланган судда иш кўриш учун белгиланган бир ойлик муддатни икки ойга узайтирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

<sup>1</sup> Ёдгоров Х.Б. Фуқаролик процессида муддатлар ва унга риоя этишнинг аҳамияти: амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга доир баъзи таклифлар // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Куч адолатда” газетаси. 2014 йил 9-15 август сонлари.

<sup>2</sup> Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанини ривожлантиришнинг айрим масалалари // “Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари”. Илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ТДЮИ. 2006. -224 б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Расмий нашр. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. 2014 й.

<sup>4</sup> Ёдгоров Х.Б. Фуқаролик процессида муддатлар ва унга риоя этишнинг аҳамияти: амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга доир баъзи таклифлар // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Куч адолатда” газетаси. 2014 йил 9-15 август сонлари.

Фуқаролик процессининг асосий муҳим босқичларидан бири фуқаролик ишини кўзғатиш босқичидир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 151-моддасида аризани қабул қилиш ва иш кўзғатиш тўғрисида масалалар мустақамланган бўлса-да, аммо ушбу моддада суд томонидан фуқаролик ишини кўзғатиш муддати ҳақида ҳеч қандай қоида кўрсатилмаган. Шунинг учун ҳам судлар ҳозирда Фуқаролик процессуал кодексининг 152-моддасига асосан, аризани қабул қилишни рад этиш, яъни ўн кун муддат ичида ариза Фуқаролик процессуал кодексининг 149-150-моддалари талабларига жавоб берса фуқаролик ишини кўзғатмоқда, агар талабга жавоб бермаса ушбу муддат ичида аризани рад этмоқда. Демак, судлар аризани рад қилиш муддатидан келиб чиқиб, фуқаролик ишини кўзғатмоқда. Бироқ, ушбу муддат аризани рад қилиш муддати ҳисобланади. Бу борада Ҳамдўстлик давлатларининг фуқаролик процессуал қонунчилигини ўрганадиган бўлсак, масалан Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 133-моддасида судга ариза келиб тушган кундан эътиборан судья беш кун ичида уни қабул қилиш ва фуқаролик ишини кўзғатиш масаласини ҳал этиш лозимлиги белгиланган бўлса, Беларусь Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 244-моддасида эса суд ариза келиб тушган кундан бошлаб, уч кун ичида фуқаролик ишини кўзғатиши, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 152-моддасига кўра, судья ариза топширилган кундан бошлаб беш кун ичида аризани суд иш юритувига қабул қилиш масаласини ҳал этиши шарт ва аризани қабул қилганидан кейин фуқаролик ишини кўзғатиш тўғрисида ажрим чиқариши мустақамлаб кўйилган.<sup>1</sup> Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси 116-моддаси учинчи қисмида белгиланишича, судья даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида у келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай ажрим чиқариши, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддаси иккинчи қисмида ҳам суд ижрочиси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисида қарор чиқариши мустақамланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан ҳам фуқаролик ишини кўзғатиш муддатини аниқ белгилаш, фуқаролик ишларини кўриб чиқиш муддатларини чўзилиб кетишини олдини олиш мақсадида Фуқаролик процессуал кодексининг 151-моддаси иккинчи қисми куйидаги таҳрирда **“Фуқаролик иши кўзғатиш масаласини судья ҳал қилади ва бу ҳақда уч кун ичида суд ажрим чиқаради”** деб баён этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Аннотация:** мазкур мақолада процессуал муддатлар тўғрисидаги тушнчалар, уларга риоя қилмаслик оқибатлари, процессуал муддатларга оид фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларини

такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар билдирилган.

**Калит сўзлар:** процессуал муддат, қонун томонидан белгиланган процессуал муддат, суд томонидан тайинланадиган процессуал муддат.

**Аннотация:** в данной статье освещается понятие процессуальных сроков, последствия не соблюдения процессуальных сроков, предложения и рекомендации по совершенствованию процессуальных сроков в гражданском процессуальном законодательстве.

**Ключевые слова:** процессуальные сроки, процессуальные сроки установленные законом, процессуальные сроки установленные судом.

**Annotation:** In this article it is revealed the concept of procedural terms, the consequences of not obeying the procedural terms, the suggestions and recommendations for developing procedural terms in civil procedural legislation.

**Key words:** procedural terms, procedural terms established by law, procedural terms established by the court.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Расмий нашр. 2013 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Расмий нашр. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. 2014 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида”ги 1999 йил 24 сентябрдаги қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, 1999, 3-4 сонлар.
5. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. –Тошкент: Адолат, 1992.
6. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанини ривожлантиришнинг айрим масалалари // “Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари”. Илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ТДЮИ. 2006. -224 б.
7. Ёдгоров Х.Б. Фуқаролик процессида муддатлар ва унга риоя этишнинг аҳамияти: амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга доир баъзи тақлифлар // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Куч адолатда” газетаси. 2014 йил 9-15 август сонлари.
8. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. <http://www.consultant.ru/popular/gpkrf/>
9. Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь. <http://pravokulichki.com/vip/gpk/index.Htm>
10. Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан <http://www.frmp.kz/cgi-bin/index.cgi/61?pid=83&p=517>

<sup>1</sup> Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. <http://www.consultant.ru/popular/gpkrf/>; Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь. <http://pravokulichki.com/vip/gpk/index.Htm>; Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан <http://www.frmp.kz/cgi-bin/index.cgi/61?pid=83&p=517>.

**Ф.Х. Рахимов**  
**юридик фанлар доктори**

### **ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мамлакатимизда қонун устиворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш йўлида самарали ишлар қилиняпти. Бунда албатта мамлакат раҳбарияти, давлат органлари ва идораларининг кўраётган чора тадбирларини алоҳида таъкидлаш лозим. Халқимизни фаровонлигини, уларни турмуш тарзини ривожланган давлатлардаги каби даражага етказиш сари амалий, кенг қамровли ишлар кўплаб давлатларнинг вакиллари томонидан эътироф этиляпти. Мамлакатда ҳар жабҳада амалга оширилаётган ислохотлар ана шундай натижаларга эришишга замин бўляпти дейиш тўғри бўлади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг ўтган йигирма йилдан ортиқ давр мобайнида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилди. Жуда кенг миқёсдаги бу соҳадаги ислохотлар давлат сиёсатининг асосига айланди. Бугунги кунда ҳам бу жараёнлар тизимли тарзда амалга оширила бориб, унинг самаралари фуқароларни фаровон ҳаёт кечиришларига шарт-шароитлар яратяпти.

Бу жараёнлар мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошланган бўлиб мамлакат раҳбари таъкидлаганидек, юртимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар жамият, фуқаро, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига давлат ёндашувини жиддий такомиллаштириш ва давлат бошқарувининг жаҳон андозаларига мос янгича ҳуқуқий механизмни шакллантириш йўли танланган.<sup>1</sup> Бу каби вазифаларни бажаришда ҳуқуқни муҳофаза этувчи давлат органлари тизимида ўзига хос ўринни эгалловчи прокуратура органларининг ҳам ҳиссаси ва масъулияти алоҳида.

Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимининг демократик асосларини янада чуқурлаштириш, миллий қонунчилик асосларини шакллантириш, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда прокуратура органлари фаолиятини бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиб, давр талабларига мувофиқлаштириш ва бунда шахс ва жамият манфаатларини ҳисобга олиш прокуратура органлари фаолиятини ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқарди.

“Прокуратура органлари фаолиятини белгилувчи ҳуқуқий асослар такомиллаштирилди ва уларнинг ҳуқуқий мақомига бир қатор ўзгартиришлар киритилиб, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоялаш ваколатлари кучайтирилишига устувор аҳамият берилди.

Натижада, муқаддам кўп йиллар давомида жинойий жавобгарликнинг амалга оширилишида таъкиб этувчи

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // Президентнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // 19 январь 2013 йил. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий веб сайти.

ёки содда қилиб айтганда “қораловчилик” вазифаларини бажариб келган прокуратура органлари янги қабул қилинган қонунга кўра фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимоячиси сифатида эътироф этилди.”<sup>2</sup>

Жамият ҳаётидаги чуқур ўзгариш ва янгиланишлар, инсон онгида демократик қадриятларнинг мустаҳкамланиб бориши, янгича ҳуқуқий тафаккурнинг шаклланиши прокуратура тизимини ҳам жиддий ислоҳ қилишни тақозо этди. Сўнгги йилларда прокуратура органлари фаолиятини белгилувчи ҳуқуқий асослар такомиллаштирилиб, уларнинг ҳуқуқий мақомига бир қатор ўзгартиришлар киритилди, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоялаш ваколатлари кучайтирилди. Эндиликда прокуратура органлари инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, давлат ва жамият манфаатлари ҳимоясини устувор вазифа сифатида амалга оширмақда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида “Адолат – қонун устуворлигида” номли маърузасида Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига ва прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштиришга катта эътибор қаратган эди. “Прокуратура қонунни ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган органдир. У демократик жамият, ҳуқуқий давлат куришда, ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунини пухта ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир”, - деб таъкидлаганди юртбошимиз.

Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат прокуратуранинг асосий вазифаси ва фаолият йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Шу мақсадда мазкур қонун билан прокуратуранинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси кучайтирилди.<sup>3</sup> Шу тўғрисида прокуратура органлари олдида қўйилган вазифаларнинг қўлами кенгайиб бориб тизимли равишда унинг фаолияти такомиллашиб бормоқда.

Мамлакат иқтисодий негизларини мустаҳкамлаш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларини қонуний асосда амалга ошириш давлатнинг муҳим сиёсий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу тўғрисида, иқтисодиёт соҳасидаги турли суистеъмолчиликлар, ўзгалар мулкни ўзлаштиришлар, порахўрликка қарши кураш фаолиятидаги самарадорликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси марказий аппарати тизимида порахўрлик ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Бошқармаси ташкил этилган эди. Ҳозирда ушбу бошқарма “Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бошқармаси” деб номланиб, унинг Низоми Республика Бош прокурори томонидан жорий йилда тасдиқланди.

Иқтисодий ва валютага оид жиноятларга қарши курашишни кучайтиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги № 251-

<sup>2</sup> Қодиров Р.Ҳ. Инсон манфаатлари йўлида. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг расмий веб-сайти – [www.genproc.gov.uz](http://www.genproc.gov.uz).

<sup>3</sup> Қодиров Р.Ҳ. Ўзбекистон Конституциясининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти. – Т: // Қонун ҳимоясида. 2003 12 (96) сон, 6-б.

“Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори жуда муҳим роль ўйнади. Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди.

Бугунги кунга келиб, мазкур тузилма Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш Департаменти деб юритилади.

Таъкидлаш лозимки, жорий йилда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида яна бир муҳим ҳужжат қабул қилинди. Хусусан, прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назоратни самарали ташкил этишни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 июль 2014 йилдаги ПФ-4636 сонли “Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибида Қонунчилик ижроси устидан назорат Бош бошқармаси ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар таркибида - Бош бошқарманинг ҳудудий бўлимлари тузилди. Мазкур Бош бошқармани тузишдан кўзланган асосий мақсад, энг аввало, прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифаларни тўлақонли бажарилишини таъминлаш ҳисобланади. Бош бошқарма таркибида:

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси;

– давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳамда жойлардаги ижро ҳокимияти органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси;

– инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат бошқармаси;

– қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ташкил этилди.

Бундан ташқари, юқорида эътироф этилган Фармон ва унинг асосида Республика Бош прокурорининг тегишли буйруқларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг марказий маҳкамаси тузилишида айрим ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, эндиликда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Матбуот хизмати, Ички ишлар вазирлиги органлари суриштирув, тергов ва тезкор-қидирув фаолияти устидан назорат бошқармаси ҳамда Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси фаолият кўрсатмоқда.

Прокуратура органлари ваколатларини ва фаолият йўналишларини янада кенгайтириш бежиздан эмас. Бу орган жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш борасида жуда кўплаб самарали тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимояси бўйича прокуратура органлари томонидан фақатгина 2013 йилда 5.914 та текширишлар ўтказилиб, 7.303 та ноқонуний ҳужжатларга нисбатан протест келтирилган, қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 10.011 та тақдимнома киритилган, 7.557 нафар мансабдор шахслар қонун

бузилишига йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилган, прокурорларнинг қарор ва тақдимномаларига асосан 41.537 нафар шахсларнинг интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарлик масаласи ҳал этилган, судларга 64,9 млрд. сўмлик зарарни ундиришга доир 15.999 та ариза киритилган. Жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 1.847 та жиноят иши кўзга тутилган, айбдорлардан 4 млрд. сўм зарарнинг ихтиёрий ундирилиши таъминланган ва 42.109 нафар фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланган.

Юқоридаги рақам ва кўрсаткичлар прокуратура органларининг фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунийликни таъминлаш соҳасидаги салмоқли ҳиссаси мавжудлигидан далолат беради.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилиниши билан прокуратура органларининг фаолияти бўйича қонунчиликда ўзгаришлар содир бўлди. Ушбу ўзгаришларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

- Прокурор назорати объекти қаторидан фуқаролар чиқарилди, барча демократик жамиятда фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларига қандай риоя этилаётганлиги прокурор назорати объекти ҳисобланади.

- Шу билан бирга, эндиликда, прокурорлар суднинг қонуний кучга кирган қарорлари ижросини тўхтатиш ҳуқуқига эга эмаслар;

- Прокурор назорати ҳужжатлари қаторидан амрнома чиқарилди;

- Прокуратура органлари ўз фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Сенати олдидаги ҳисобдорлиги янада аниқлаштирилди;

- Қонунга Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан Бош прокурор қарорларининг Конституция ва амалдаги қонунчиликка мослигини ўрганиши, уни бекор қилиш масаласини қўйиши киритилди;

- Қонунга вилоят, туман ва шаҳар прокурорлари қонунийликнинг ва жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи тўғрисида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ва зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳар йилда ахборот бериб туриш шартлиги ҳақидаги қоида киритилди.

- Прокуратуранинг фаолиятига доир ўзгаришлар яна давом эттирилиб борилмоқда ва такомиллашмоқда. Хусусан,

- Жиноят содир этишда айбланаётган шахсни қамоққа олишда санкция бериш ҳуқуқи, шунингдек терговолди ва дастлабки тергов жараёнида амнистия актини қўллаш ваколати судларга ўтказилди;

- Суд тергови жараёни ишнинг прокурор томонидан айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириши билан бошланиши белгиланди;

- Тиббий йусиндаги ва лавозимдан четлаштириш каби мажбурув чоралари қўллаш ваколати судларга ўтказилди;

- Тарафлар томонидан халқаро қидирувда бўлган шахсни ушлаб бериш ва сўралган мамлакатта топшириш тўғрисидаги Бош прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш тартиби жиноят процессуал қонунчилигида ўз ифодасини топди.

Шунингдек, вилоят, туман ва уларга тенглаштирилган прокурорлардан терговга тегишлилик масаласига доир ҳуқуқлари амалдаги қонунчиликка асосан Ўзбекистон Республикаси ЖПК сидан чиқарилди.

Умуман олганда, прокуратура органлари фаолиятига оид қонунчиликка киритилган ўзгаришларнинг таҳлили уларнинг барчаси қонунийликни таъминлаш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилди.

**Аннотация:** мақолада муаллиф Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари таҳлилин амалга оширган. Шунингдек, мақолада мазкур соҳадаги қонун-ҳужжатлари такомиллаштирилиши ва амалга оширилган ислохотлар ёритилган.

Мақола хулосасида муаллиф прокуратура органлари фаолиятида амалга оширилган ислохотлар ижобий натижаларга олиб келганлигини кўрсатиб берган.

**Калит сўзлар:** прокуратура, проркурор назорати, қонунчилик ижроси.

**Аннотация:** в статье проводится анализ правовых основ деятельности органов прокуратуры в Республике Узбекистан, анализируется совершенствование законодательства в указанной сфере, и проведенные реформы в стране; приводится вывод о положительном результате, проведенных реформ в сфере деятельности органов прокуратуры.

**Ключевые слова:** прокуратура, прокурорский надзор, исполнение законодательства.

**Annotation:** in this article it is analysed legal activity of prosecutor office in Uzbekistan. The author analyses the development of legislation and making reforms in this sphere. The author comes to the opinion concerning positive consequences from reforms in activity of prosecutor office.

**Key words:** prosecutors office, prosecutors controle, execution of the law.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // Президентнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // 19 январь 2013 йил. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий веб сайти.

2. Қодиров Р.Ҳ. Инсон манфаатлари йўлида. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг расмий веб-сайти – [www.genproc.gov.uz](http://www.genproc.gov.uz).

3. Қодиров Р.Ҳ. Ўзбекистон Конституциясининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти. – Т: // Қонун ҳимоясида. 2003 12 (96) сон, 6-б.

С.Ачилов  
ТДЮУ мустақил изланувчиси,  
юридик фанлар номзоди

#### ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ БОСҚИЧИНING АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини босқичма-босқич ислох қилиш инсон ҳуқуқи, эркинлиги ва манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлиб, уни амалга ошириш, айниқса дастлабки тергов босқичида долзарб аҳамият касб этади. Чунки, жиноят процессининг ушбу босқичида инсон ҳуқуқи ва эркинлиги жиддий равишда чекланиши ва бузилиш эҳтимоли юқори ҳисобланади. Бундай оқибатларга олиб келувчи ҳаракатларни олдини олишнинг нафақат қонуний асосларини белгилаш, балки ахлоқий ва умуминсоний принципларга мос келишига ҳам муҳим эътибор қаратиш лозим.

Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Республиканинг ўз ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда унинг ижтимоий-иқтисодий ва миллий ўзига хос хусусиятлари иложи борича тўла ҳисобга олиниши керак. Шу билан бирга янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида аҳолининг кундалик турмушига сингиб кетган халқ аънаналари, урф-одатлари, шахслараро ва миллатлараро муомала ҳамда диний эътиқодларнинг асрий тарихидан мерос қилиб олинган, умуминсоний қадриятларга, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зид бўлмаган ахлоқий нормалар албатта акс эттирилиши керак”<sup>1</sup>.

Жиноят процессининг асосий принциплари мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, улар адолат, инсонпарварлик, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш каби ахлоқий талабларга асосланганлигини кузатишимиз мумкин. Немис олими М.Миллернинг таъкидлашича, айнан жиноят-процессуал ҳуқуқ ва унинг асосий қафолатлари, давлатнинг нақадар ҳуқуқий эканлигига баҳо беришда ҳақиқий мезон бўла олади. Бунинг асосий сабаби шундаки, фақат жиноят процессуал ҳуқуқида давлатнинг шахсга нисбатан бўлган муносабати ҳамда оммавий ва шахсий манфаатлар ўртасидаги тўқнашув жуда аниқ намоён бўлади”<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексига (кейинчалик ЖПК) ҳам ахлоқнинг аҳамияти ва уларга амал қилиш мажбурияти хусусидаги нормалар белгилаб қўйилиши, жиноят-процессуал қонунчилиги учун ахлоқ нормаларининг долзарблиги ва муҳимлигидан далолат беради. Хусусан, эксперимент жамоат тартиби ёки **ахлоқ нормаларининг** бузилишига олиб келадиган бўлса, уни ўтказишга йўл қўйилмайди (154-модда). Ёки, келиб тушган хабарда жиноят ҳақида эмас, балки маъмурий, интизомий ёки бошқа ҳуқуқбузарлик ёхуд **ахлоқ нормалари бузилганлиги** ҳақида маълумот бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш билан бир пайтда хабарни ҳуқуқни бузган шахсга нисбатан маъмурий, интизомий жавобгарлик ёки жамоат таъсир чоралари қўллаш учун

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 319.

<sup>2</sup> Малько А.В. Ограничивающая роль юридического процесса / Юридический процесс: реформа процедур управления, законодательной деятельности и судебной власти. – Воронеж, 1996. – С. 29.

ҳуқуқни бузган шахс ишлайдиган ёки ўқийдиган жой маъмуриятига, унинг турар жойидаги жамоага, жамоат бирлашмасига ёки вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга, тегишли ваколатларга эга бўлган давлат органи ёки мансабдор шахсга юборади (334-модда).

Бундан ташқари, ўн олти ёшгача бўлган гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар, бироқ суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи шу гувоҳ ва жабрланувчиларга уларнинг процессуал ҳуқуқи ва мажбуриятларини тушунтириш чоғида ҳаққоний кўрсатув бериш ва бу билан жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга кўмаклашиш **маънавий бурч** эканлигини эслатиб ўтади (121-модда).

Ушбу моддада “маънавий бурч” деган ибора ўрнига **“ахлоқий бурч”** ишлатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки “маънавий” сўзи кенгроқ маънога эга бўлиб “ахлоқ” тушунчасини ўз ичига қамраб олади, лекин уни матнда келган маъносини тўлиқ ифода этмайди. Бундан ташқари, модданинг русча матнида ушбу ибора “нравственный долг” деб белгиланган, яъни ўзбек тилига ўгирадиган бўлса “ахлоқий бурч” маъноси келиб чиқади, шу сабабли ушбу моддага тегишли ўзгартиш киритиш талаб этилади.

Таъкидлаш жоизки, ўз моҳиятига кўра ахлоқий қоидаларга асосланган қонунларни қабул қилинишини ҳамиша ҳам етарли чора деб бўлмайди, балки уларни ахлоқий қоидалар ва принципларга асосланган ҳолда “тўғри” амалга оширишни таъминлаш зарур. Яъни, ахлоқ талаблари қонунчиликда белгилаб қўйилган бўлса-да, уларни амалга ошириш механизми тўлиқ таъминланмаган. Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланганидек, “ҳуқуқий процесснинг ахлоқий мазмуни нафақат қонунчиликнинг ахлоқий асослари билан, шунингдек процессуал фаолиятни амалга оширувчи шахсларга нисбатан қўйилган ахлоқий талаблар билан ҳам таъминланади”<sup>1</sup>.

Албатта, қонунда барча ахлоқий қоидаларни қамраб олишнинг имконияти мавжуд эмас, лекин улар асосий талаблар белгилаб қўйилган умумий тасаввурларда ўз аксини етарлича топиши лозим. Фикримизча, процессуал нормаларни қўллашнинг самарадорлиги ҳамда жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар амалий фаолиятининг натижаси биринчи навбатда ҳуқуқий нормаларнинг ахлоқий мазмунига боғлиқ. Шу сабабли, жиноят-процессуал қонунчилик ҳар бир шахс ва фуқаронинг ахлоқий онгига йўналтирилган, ҳуқуқий бўлиши зарур, чунки ҳуқуқ жамият томонидан, қонун бўлса давлат томонидан яратилади.

Шунингдек, ахлоқий талаблар, ҳуқуқ нормалари ва принциплари билан бир қаторда, дастлабки тергов давомида у ёки бу тактик усулларни қўллашга йўл қўйиш масаласини ҳал этишда асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Ахлоқ – тактик усулларни шакллантиришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

Ахлоқ нормаси талабларига дастлабки тергов босқичида амал қилиш даражаси, биринчи навбатда жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор

шахсларнинг ахлоқий тарбияси ва улар томонидан ушбу қоидаларга амал қилишига боғлиқдир. Чунки? ушбу шахсларнинг ахлоқий қоидаларга амал қилиши бир вақтнинг ўзида жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳам шундай ҳаракат қилишга даъват этади.

Тергов ҳаракатларини ўтказишда ахлоқ нормаларини кўпроқ намоён бўлиши ва уларга эҳтиёж туғилишини эътиборга олган ҳолда, уларнинг айрим турларига тўхталиб ўтиш лозим. Хусусан, сўроқ қилиш ва юзлаштириш каби тергов ҳаракатларини ўтказишда ахлоқ қоидаларига амал қилиш ҳолатларини ўрганиб чиқиш долзарб ҳисобланади, чунки уларни ўтказиш нафақат қонуний асосларини ахлоқ нормалари талабларига мослигини кўрсатади, балки инсонлар ўртасидаги ижтимоий бир-бирини тушуниш муаммосини ҳам ҳал этади.

Ушбу масалага суд амалиётида ҳам муҳим эътибор қаратилади. Жумладан? Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 18-бандида белгиланишича “Қонун талабига кўра (ЖПК 17, 88-моддалари) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (судья) гумон қилинувчининг, айбланувчининг шаъни ва кадр-қимматини камситишга ҳақли эмас. Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда фуқароларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари кўриқланиши таъминланиши керак”<sup>2</sup>.

ЖПКнинг 97-моддаси 2-қисмида белгиланишича, сўроқ қилиш учун қақирувни амалга оширишда қақирув қоғозидан шахс ким сифатида, қайси манзилга ва кимнинг ҳузурига қақирилаётганлиги, қайси кунда ва қайси соатга келиши кераклиги, шунингдек узрсиз сабабларга кўра келмай қолган тақдирда қандай оқибатлар рўй бериши кўрсатилган бўлиши лозим.

Албатта, биринчи марта сўроқ қилиш учун қақирилаётган шахс ушбу огоҳлантирувчи ўзига нисбатан нотўғри қабул қилиши мумкин, чунки у ўзини қонунга итоаткор фуқаро ва ахлоқли-одобли шахс сифатида билишини унутмаслик лозим. Шу сабабли, бу каби огоҳлантирувчи биринчи марта тегишли тартибда сўроққа келмаган шахсга нисбатан юборилган қақирув қоғозидан келтириш ўринли бўлади. Умумий тартибда ушбу қоида сўроқ қилинувчи билан биринчи марта сўроқ ўтказилгандан сўнг, тақрорий сўроқ ўтказилганда у ҳозир бўлмаса, ушбу тартиб қўлланилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириб қўйиш ахлоқ қоидаларга мос келади.

Кейинги масала, гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўз розилиги билан сўроқ қилиниши мумкин бўлган шахслар тоифасини белгилашда айрим ахлоқий қоида талаблари эътиборга олинмаган. Масалан, ЖПКга кўра (116-модда), гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (кейнчалик ЖК) 8-бўлимида яқин қариндош атамасига қуйидагича таъриф берилган, яъни яқин қариндош

<sup>1</sup> Громов Н.А., Цыбулевская О.И. Нравственные основания юридического процесса. Российский судья. 2004. – №9. – С. 27.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Ж.1. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2006. – Б. 65.

деганда “қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари” тушунилади. Лекин, ушбу ҳолатда фақат яқин қариндошлар тоифаси билан чекланиб қолиш ахлоқий жиҳатдан унчалик ҳам тўғри бўлмайди.

Масалан, амалиётда шундай ҳолатлар ҳам учраши мумкин, унда эркак ва аёл расмий ФХДЁ органларидан рўйхатдан ўтмасдан биргаликда эр-хотин бўлиб яшаши ёки бўлмаса узоқ йиллар давомида бирга яшаб кейнчалик никоҳни бекор қилган шахслар ҳам бир-бирига қарши кўрсатув беришга виждони йўл қўймаслиги мумкин. Ёки бўлмаса фарзандликка олишни расмийлаштирмасдан вафот этган шахснинг яқин қариндошлари унинг фарзандини ўз тарбиясига олиб, вояга етказиш вазиятлари ҳам учраб туради. Шундай пайтда улар гувоҳлик иммунитетидан фойдаланишлари мумкинми, деган табиий савол туғилишига олиб келади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларнинг ечими ЖПКда ўз аксини топмаган. Фикримизча, ушбу тоифадаги қариндошлик муносабатлари мавжуд бўлганда ҳам кўрсатув беришдан олдин уларнинг розилиги олиниши шарт, чунки мажбурий тартибда гувоҳлик беришда улар ахлоқан қийналиши ва азият чекиши мумкин. Шу сабабли, таъкидлаб ўтилган масалалар ЖПКда ёки Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорларида ўз ечимини топиши лозим.

Кейинги масала, бу сўроқ қилишда гувоҳ ва жабрланувчини мажбурий кўрсатув бериш масаласидир. ЖПКнинг 117-моддасида белгиланишича, гувоҳ ёки жабрланувчининг шахси аниқлангандан ва уларга процессуал ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тушунтирилгандан кейин улар кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик (ЖК 238, 240-модда) тўғрисида огоҳлантирилиб, бу ҳақда сўроқ баённомаси ёки суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Сўроқ қилишдан олдин гувоҳ ва жабрланувчини ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида огоҳлантириш ахлоқий нуқтаи назардан унчалик ҳам тўғри эмас. Ўзини тўғрисида ва пок инсон деб биладиган гувоҳ ва жабрланувчи ўзига нисбатан олдиндан билдирилган бундай ишончсизликни ҳақорат деб қабул қилиши мумкин.

Бизнингча, гувоҳ ва жабрланувчини ёлғон кўрсатув бергани учун жиноий жавобгарлик мавжудлиги тўғрисида сўроқдан сўнг ҳам огоҳлантирса бўлади, чунки амалиётда шаклланган тартибга кўра, сўроқ тугаганидан сўнг сўроқ қилинувчининг кўрсатувлари унинг сўзидан баённомада тўғри ёзилганлиги ҳамда бошқа қўшимчалари бор ёки йўқлиги албатта сўралади ва бу ҳолатни тасдиқлаш учун сўроқ баённомасига имзо қўйилади. Айнан шу пайтда гувоҳ ва жабрланувчи берган кўрсатмалари ёлғон бўлса жавобгарлик мавжудлиги тўғрисида огоҳлантирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, сўроқни ўтказиш давомида сўроқ қилинувчиларга, уларнинг ёшидан қатъи назар, “Сизлаб” мурожаат қилиш лозим, чунки “Сен” деб мурожаат қилгандан кўра ахлоқ-одоб қоидаларига тўғри келади ва уларга нисабатан бўлган ҳурматни билдиради. Бундай қоидага амал қилиш жиноят ишини

юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг обрў ва нуфузини тушишига олиб келмайди, аксинча ўзаро иззат ва эътиборни билдиради. Процессуал адабиётларда тўғри таъкидланганидек, сўроқни ўтказишда терговчи томонидан сўроқ қилинувчига “сенлаб” мурожаат қилиш ҳамда мулоқот давомида беадаб ва жаргон ибораларни ишлатилиши унинг обрўйига путур етишига олиб келади ва ожизлигидан дарак беради<sup>1</sup>.

Сўроқ қилинувчи билан муносабатни боғлаш учун терговчи унга ҳурмат ва кўрсатувларига нисбатан ишонч билдиришни билиши лозим. Ушбу ҳолат терговчининг унга нисабатан эҳтимолли жиноятчи эмас, балки оғир аҳволга тушган ва ёрдамга муҳтож бўлган инсон сифатида муносабатда бўлиши каби ахлоқий бурчининг талабларидан келиб чиқади<sup>2</sup>.

Бундан ташқари, терговчи жинсий эркинликка қарши қаратилган жиноят ишлари бўйича вояга етмаган шахсни сўроқ қилиш давомида, айниқса у жабрланувчи бўлса, иштирок этаётган педагог сўроқ қилинувчи билан бир жинсда бўлишни таъминлаш чораларини кўриши зарур. Бундай сўроқ давомида бошқа жинсдаги шахснинг иштироки нафақат вояга етмаган шахснинг уялишига, балки унинг кўрсатувларини тўлиқлигига салбий таъсир этиши ва маънавий шикастланишига ҳам олиб келиши мумкин.

Тергов ҳаракатларини ўтказишда ахлоқий қоидаларга амал қилиш лозим бўлган тергов ҳаракатларидан яна бири, бу юзлаштиришдир. ЖПКнинг 122-моддасига кўра, юзлаштириш илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршилиқлар бўлганда бу қарама-қаршилиқларнинг сабабини аниқлаш учун ўтказилади. Лекин, ушбу тергов ҳаракатини ўтказишда юзлаштирилаётган шахслар ўртасида келишмовчилик ёки уларнинг бирида хоҳиш бўлмаганда уни ўтказиш мумкинми ёки йўқми, деган муаммо ўз ечимини топмаган. Амалдаги ЖПК бундай ҳолат юзага келганда қандай тартибда ҳаракат қилиш зарурлиги тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган.

Фикримизча, бундай ҳолатни эътиборга олмасдан юзлаштиришни ўтказиш ахлоқ қоидаларга зид ҳисобланади. Шу сабабли, ушбу тергов ҳаракатини ўтказишга эҳтиёж туғилганда, юзлашаётган томонларнинг қаршилиги мавжуд бўлса, уни мажбурий тартибда ўтказмаслик керак. Уларнинг кўрсатувлари ўртасидаги келишмовчиликни бошқа усуллар билан исбот қилиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида таҳлил қилинган дастлабки тергов бошқичидаги тергов ҳаракатларини ўтказишда фақат уларнинг қонуний асосларига эътибор қаратишнинг ўзи етарли эмас, балки ахлоқ қоидалари ва принциплари талабларига амал қилишни ҳам унутмаслик лозим. Чунки, ахлоқий ҳаракатлар бир вақтнинг ўзида қонуний ҳам демақдир.

**Аннотация:** мазкур мақолада суд-ҳуқуқ ислохотларини янада ривожлантириш масалалари ёритилган. Жумладан, унда дастлабки тергов бошқичидаги ахлоқий асосларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Тергов бошқичидаги ҳаракатларини ўтказишда фақат уларнинг қонуний

<sup>1</sup> Криминалистика. /Под ред. И.Ф. Герасимова. – М., 1999. – С. 39.

<sup>2</sup> Ларин А.М. Расследование по уголовному делу. Планирование и организация. – М.: Юрид. литература, 1970. – С. 59.

асосларига эътибор қаратишнинг ўзи етарли эмаслиги, балки ахлоқ қоидалари ва принциплари талабларига амал қилиниши асослантирилди.

**Калит сўзлар:** суд-ҳуқуқ ислохотлари, дастлабки тергов, тергов босқичлари, ахлоқ қоидалари.

**Аннотация:** в данной статье освещены вопросы дальнейшего развития судебно-правовых реформ, в частности, в ней раскрыты особенности основ нравственности на стадии предварительного следствия. В ней также обосновано, что при проведении предварительного следствия недостаточно уделять внимание только законным основаниям, но помимо этого, необходимо учесть и принять во внимание нравственные правила и принципы.

**Ключевые слова:** судебно-правовые реформы, предварительное следствие, стадии следствия, правила нравственности.

**Annotation:** in this article it is revealed further development of judicial reforms are sanctified, in particular, it is analysed features of ethic in the preliminary investigation stage. It also proved, that during the preliminary investigation it is not enough to pay attention only to legitimate purposes, but apart from that it is necessary to consider and take into account the ethic rules and principles.

**Key words:** judicial reforms, the preliminary investigation, the investigation stage, the rules of morality.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 319.
2. Малько А.В. Ограничивающая роль юридического процесса / Юридический процесс: реформа процедур управления, законодательной деятельности и судебной власти. – Воронеж, 1996. – С. 29.
3. Громов Н.А., Цыбулевская О.И. Нравственные основания юридического процесса. Российский судья. 2004. – №9. – С. 27.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Ж.1. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2006. – Б. 65.
5. Криминалистика. /Под ред. И.Ф. Герасимова. –М., 1999. – С. 39.
6. Ларин А.М. Расследование по уголовному делу. Планирование и организация. –М.: Юрид. литература, 1970. – С.59.

Ш.Ё.Абдуқодиров  
ТДЮУ мустақил изланувчиси,  
юридик фанлар номзоди, доцент

#### ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сонли Қарорида таъкидланганидек, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислохотларига жиддий хавф туғдиради, бозор иқтисодига хос бўлган хусусий мулкчиликнинг, бошқа турдаги мулкки муносабатларнинг шаклланишига ва ривожланишига тўсқинлик қилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар» бўлими 4 та бобдан иборат бўлиб, мазкур бўлим:

Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш (X боб, Жиноят кодекси 164-169-моддалари);

Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар (XI боб, Жиноят кодекси 170-173-моддалари);

Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар (XII боб, Жиноят кодекси 175-185<sup>2</sup>-моддалари);

Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар (XIII боб, Жиноят кодекси 186-192-моддалари)ни ўз ичига олади.

Ҳозирда суд-тергов амалиётида айнан шу турдаги жиноятлар юзасидан бир қатор савол ва муаммолар учрамоқда.

Жумладан, иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик ҳам белгиланган бўлиб, айрим ҳолатларда қилмишни жиноят сифатида баҳолаш учун айбдор аввал маъмурий жазога тортилиши лозим бўлади.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг қуйидагиларида маъмурий жавобгарлик ҳам белгиланган:

– Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш (177-модда);

– Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (182-модда);

– Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (183-модда);

– Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (184-модда);

– Бюджет интизомини бузиш (184<sup>1</sup>-модда);

– Рангли металллар, уларнинг парча ва резги чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш (185<sup>1</sup>-модда);

– Электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш (185<sup>2</sup>-модда);

– Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш (186<sup>1</sup>-модда);

– Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш (186<sup>3</sup>-модда);

– Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш (188-модда);

– Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (189-модда);

– Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш (190-модда).

Суд-тергов ходимлари юқоридаги жинойатларни квалификация қилишда, авваламбор, кўрсатилган моддаларда терминларнинг қонунчилик техникаси нуқтаи назаридан қандай ифодаланганлигига эътибор қаратиши лозим бўлади.

Ушбу моддаларда асосан қуйидаги 3 та шаклда маъмурий жавобгарлик белгиланган:

1) *шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;*

2) *шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча (кўп) миқдорда содир этилган бўлса;*

3) *анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса.*

Энди уларни таҳлил қиладиган бўлсак:

1. **Шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлиши деганда** - айбдор биринчи марта содир этган қилмиши

учун миқдоридан қатъи назар муқаддам суднинг қарори билан маъмурий жазога тортилганлиги ва маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил ўтмасдан туриб, худди шундай қилмишни миқдоридан ва оқибатларидан қатъи назар қайта содир этиши тушунилади. Бунда қилмиш биринчи ва иккинчи марта содир этилганда миқдор аҳамиятга эга эмас, агар бу кўп ёки жуда кўп миқдорни ташкил этмаган бўлса.

Юқоридаги қоидадан келиб чиққан ҳолда буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ЖК 183-моддаси (Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) 1- ва 2-қисми бўйича айбдор биринчи марта содир этган қилмиши учун муқаддам суднинг қарори билан МЖТКнинг 178-моддаси (Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) 1-ва 2-қисми бўйича маъмурий жазога тортилганлиги ва маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил ичида худди шундай қилмишни қайта содир этишининг ўзи жиноий жавобгарликка асос бўлади.

Бунда эътиборли жиҳати шундаки, айбдор шахснинг маъмурий жавобгарликка сабаб бўлган биринчи қилмиши билан кейинги қилмиши айнан бир хил бўлиши керак (масалан, агар айбдор биринчи марта МЖТК 178-моддаси 1-қисми билан маъмурий жазога тортилган бўлса, бир йил ўтмасдан туриб, МЖТК 178-моддаси 2-қисмида назарда тутилган қилмишни содир этган бўлса, бу жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди);

– ЖК 184<sup>1</sup>-моддаси (Бюджет интизомини бузиш) 1-ва 4-қисми бўйича айбдор биринчи марта содир этган қилмиши учун муқаддам суднинг қарори билан МЖТКнинг 175<sup>2</sup>-моддаси (Бюджет интизомини бузиш) 1- ва 2-қисми бўйича маъмурий жазога тортилганлиги ва маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил ўтмасдан туриб, худди шундай қилмишни қайта содир этишининг ўзи жиноий жавобгарликка асос бўлади. Агар биринчи марта содир этилган вақтда миқдор кўп

ёки жуда кўп миқдорни ташкил қилса, бу тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради;

– ЖК 185<sup>1</sup>-моддаси (Рангли металллар, уларнинг парча ва резги чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш) 1-қисми бўйича айбдор биринчи марта содир этган қилмиши учун муқаддам суднинг қарори билан МЖТКнинг 219<sup>1</sup>-моддаси (Рангли металллар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш) бўйича маъмурий жазога тортилганлиги ва маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил ўтмасдан туриб, модда диспозициясида кўрсатилган қилмишлардан бирини содир этишининг ўзи жиноий жавобгарликка асос бўлади. Агар биринчи марта содир этилган вақтда миқдор кўп ёки жуда кўп миқдорни ташкил қилса, бу тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради;

– ЖК 186<sup>3</sup>-моддаси (Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш) 1-қисми бўйича айбдор биринчи марта содир этган қилмиши учун муқаддам суднинг қарори билан МЖТКнинг 165<sup>1</sup>-моддаси (Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш) бўйича маъмурий жазога тортилганлиги ва маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил ўтмасдан туриб, модда диспозициясида кўрсатилган қилмишлардан бирини содир этиши жиноий жавобгарликка асос бўлади. Агар биринчи марта содир этилган вақтда миқдор кўп ёки жуда кўп миқдорни ташкил қилса, бу тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради;

– ЖК 188-моддаси (Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш) 1-қисми бўйича айбдор биринчи марта содир этган қилмиши учун муқаддам суднинг қарори билан МЖТКнинг 176-моддаси (Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш) 2-қисми бўйича маъмурий жазога тортилганлиги ва маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил ўтмасдан туриб, худди шундай қилмишни қайта содир этишининг ўзи жиноий жавобгарликка асос бўлади. Агар биринчи марта содир этилган вақтда миқдор кўп ёки жуда кўп миқдорни ташкил қилса, бу тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради;

– ЖК 190-моддаси (Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш) 1-қисми бўйича айбдор биринчи марта содир этган қилмиши учун муқаддам суднинг қарори билан МЖТКнинг 165-моддаси (Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш) ёки 176<sup>3</sup>-моддаси (Автомобиль транспортда йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш) бўйича маъмурий жазога тортилганлиги ва маъмурий жазога қўлланилганидан сўнг бир йил ўтмасдан туриб, худди шундай қилмишни қайта содир этиши жиноий жавобгарликка асос бўлади.

Бунда эътиборли жиҳати шундаки, айбдор шахснинг маъмурий жавобгарликка сабаб бўлган биринчи фаолият тури билан кейинги фаолият тури айнан бир хил бўлиши керак (масалан, агар айбдор биринчи марта МЖТК 165-моддаси билан маъмурий жазога тортилган бўлса, бир йил ўтмасдан туриб, МЖТК 176<sup>3</sup>-моддасида назарда тутилган қилмишни

содир этган бўлса, бу жиной жавобгарликни келтириб чиқармайди).

2. **Шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча (кўп) миқдорда содир этилган бўлиши деганда** айбдор биринчи марта содир этган қилмиши учун миқдоридан қатъи назар муқаддам суднинг қарори билан маъмурий жазога тортилганлиги ва маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил ўтмасдан туриб, худди шундай қилмишни анча (кўп) миқдорда содир этиши тушунилади.

Юқоридаги қоидадан келиб чиққан ҳолда буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ЖК 177-моддаси (Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш) 1-қисми бўйича айбдор биринчи марта содир этган қилмиши учун миқдоридан қатъи назар суднинг қарори билан МЖТКнинг 170-моддаси (Валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш) бўйича маъмурий жазога тортилган бўлса ва маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг, бир йил ўтмасдан туриб, худди шундай қилмишни **анча миқдорда содир этсагина** жиной жавобгарлик вужудга келади. Агар иккинчи марта содир этилган вақтда миқдор анча миқдорни ташкил қилмаса, жиной жавобгарлик келиб чиқмайди, айбдор шахсга нисбатан яна маъмурий жавобгарлик қўлланилади. Бироқ биринчи марта содир этилган вақтда миқдор кўп ёки жуда кўп миқдорни ташкил қилса, тўғридан-тўғри жиной жавобгарлик вужудга келади;

– ЖК 182-моддаси (Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) 1-қисми бўйича айбдор биринчи марта содир этган қилмиши учун суднинг қарори билан МЖТКнинг 227<sup>16</sup>-моддаси, 227<sup>19</sup>-моддаси, 227<sup>20</sup>-моддаси, 227<sup>21</sup>-моддалари, 227<sup>22</sup>-моддаси биринчи қисми билан маъмурий жазога тортилган бўлса ва маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил ўтмасдан туриб, худди шундай қилмишни **кўп миқдорда содир этсагина** жиной жавобгарлик келиб чиқади. Агар иккинчи марта содир этилган вақтда миқдор кўп миқдорни ташкил қилмаса, жиной жавобгарлик келиб чиқмайди, айбдор шахсга нисбатан яна маъмурий жавобгарлик қўлланилади;

– ЖК 184-моддаси (Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) 1-қисми бўйича айбдор биринчи марта анча миқдор ёки ундан кам бўлган миқдорда содир этган қилмиши учун суднинг қарори билан МЖТКнинг 174-моддаси (Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) бўйича маъмурий жазога тортилган ва маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг, бир йил ўтмасдан туриб, худди шундай қилмишни **анча миқдорда содир этсагина** жиной жавобгарлик келиб чиқади. Агар иккинчи марта содир этилган вақтда миқдор анча миқдорни ташкил қилмаса, бу жиной жавобгарликни келтириб чиқармайди, айбдор шахсга нисбатан яна маъмурий жавобгарлик қўлланилади;

– ЖК 185<sup>2</sup>-моддаси (Электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш) 1-қисми бўйича айбдор биринчи марта содир этган қилмиши учун миқдоридан қатъи назар суднинг қарори билан МЖТКнинг 101-моддаси (Электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш) ёки МЖТКнинг 163-моддаси (Водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш) бўйича маъмурий жазога тортилган ва маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг, бир йил ўтмасдан туриб, худди шундай қилмишни **анча миқдорда содир этсагина** жиной жавобгарлик

келиб чиқади. Агар иккинчи марта содир этилган вақтда миқдор анча миқдорни ташкил қилмаса, жиной жавобгарлик келиб чиқмайди, айбдор шахсга нисбатан яна маъмурий жавобгарлик қўлланилади. Агар биринчи марта содир этилган вақтда миқдор кўп ёки жуда кўп миқдорни ташкил қилса, тўғридан-тўғри жиной жавобгарлик келиб чиқади;

– ЖК 189-моддаси (Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш) 1-қисми бўйича айбдор биринчи марта содир этган қилмиши учун миқдоридан қатъи назар суднинг қарори билан МЖТКнинг 164-моддаси (Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш) бўйича маъмурий жазога тортилган бўлса ва маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил ўтмасдан туриб, худди шундай қилмишни **анча миқдорда содир этсагина** жиной жавобгарлик келиб чиқади. Агар иккинчи марта содир этилган вақтда миқдор анча миқдорни ташкил қилмаса, бу жиной жавобгарликни келтириб чиқармайди, айбдор шахсга нисбатан яна маъмурий жавобгарлик қўлланилади. Агар биринчи марта содир этилган вақтда миқдор кўп ёки жуда кўп миқдорни ташкил қилса, тўғридан-тўғри жиной жавобгарлик келиб чиқади.

3. **Анча (кўп) миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлиши деганда** икки хил ҳолат назарда тутилади:

Биринчи ҳолатга кўра, айбдор биринчи марта содир этган қилмиши натижасида муайян бир оқибатлар келиб чиққан (ёки модда диспозициясида назарда тутилган миқдорда содир этилган) бўлса, тўғридан-тўғри жиной жавобгарликка тортилади, бунда айбдорни маъмурий жавобгарликка тортилганлиги талаб этилмайди (масалан: анча миқдорда содир этган бўлса);

Иккинчи ҳолатга кўра, айбдор биринчи марта содир этган қилмиши учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин, бир йил ичида шундай қилмишни қайта содир этса, миқдор анча миқдордан кам бўлган тақдирда ҳам айбдор жиной жавобгарликка тортилиши назарда тутилади.

Бунга ЖК 186<sup>1</sup>-моддаси (Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш)ни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

ЖК 186<sup>1</sup>-моддаси 1-қисми бўйича айбдор биринчи марта ушбу модда диспозициясида кўрсатилган қилмишни анча миқдорда содир этган бўлса, бу тўғридан-тўғри жинойят бўлади. Шунингдек, айбдор анча миқдордан кам бўлган миқдорда содир этган қилмиши учун муқаддам суднинг қарори билан МЖТКнинг 186<sup>1</sup>-моддаси (Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш) бўйича маъмурий жазога тортилган ва маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг, бир йил ичида, худди шундай қилмишни анча миқдордан кам бўлган миқдорда қайта содир этса ҳам, у жиной жавобгарликка тортилади.

Лекин, шуни унутмаслик керакки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 22-сонли қарорининг 15-бандига кўра, маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади,

шунингдек, шахс МЖТКнинг 21-моддасига кўра маъмурий жавобгарликдан озод этилиб, огоҳлантирилганда, МЖТКнинг 271-моддаси 5-банди (амнистия акти чиқиши, агар у маъмурий жазо чорасини қўллашни бекор қилса), 6-бандига (маъмурий жавобгарликни белгилловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса) асосан иш юритиш тугатилганда ҳам у маъмурий жазога тортилмаган, деб ҳисобланади.

Демак, шахс маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил ўтгач ёки шахс МЖТКнинг 21-моддасига кўра огоҳлантирилган бўлса, у маъмурий жазога тортилмаган ҳисобланади ва иккинчи марта шу турдаги қилмишни содир этса, бу жиноий жавобгарликка асос бўлмайди ҳамда айбдорга маъмурий жазо тайинланиши мумкин.

**Аннотация:** мақолада иқтисодиёт соҳасидаги маъмурий жавобгарлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган жиноятларни квалификация қилиш масалаларини ёритилиб, жиноят қонунчилиги нормаларини қўллаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар, маъмурий жавобгарлик, квалификация, анча миқдор, кўп миқдор.

**Аннотация:** в статье раскрыты вопросы квалификации преступлений в сфере экономики, связанных с административной ответственностью, даны предложения и рекомендации по применению норм уголовного законодательства.

**Ключевые слова:** преступления в сфере экономики, административная ответственность, квалификация, значительный размер, крупный размер.

**Annotation:** The article deals with questions of qualification of economic crimes related to administrative responsibility and gives suggestions and recommendations on application of criminal law provisions.

**Key words:** economic crimes, administrative responsibility, qualifications, significant size, large size.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. –Т.: Адолат, 2013.
3. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. –Т.: Адолат, 2014.

Қ.Маткаримов

ТДЮУ катта илмий ходим-изланувчиси,  
юридик фанлар номзоди

#### ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТУВИНИ ГУМАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Жиноят суд иш юритувини гуманизациялаш демократик-ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим шарти сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари тизимида муҳим ўринга эга. Айтилганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида баён этилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамятини ривожлантириш концепцияси” ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари сингари суд-ҳуқуқ ислохотлари соҳасида ҳам, хусусан, жиноят суд иш юритувини гуманизациялаш борасидаги ишларни ташкил этишда ҳам муҳим дастуриламал ҳужжат бўлди.

Айни дамда ушбу ҳужжатнинг мазкур йўналишида кўзда тутилган асосий вазифалар ижроси таъминланганлиги боис, эндиликда мамлакатимизда ушбу соҳадаги ишларни изчил ва узлуксиз амалга оширишни таъминлаш мақсадида “Жиноят суд иш юритувини гуманизациялаш Концепцияси”ни ишлаб чиқиш зарурияти туғилмоқда. Жиноят суд иш юритувини гуманизациялаш концепцияси бу борада яқин ва ўрта истиқболда жиноят суд иш юритувини янада либераллаштириш ва гуманизациялаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифаларни, бу борадаги халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва тамойиллари ҳамда ривожланган ижобий хорижий тажрибани миллий қонунчилик ва суд-ҳуқуқ амалиётига татбиқ этиш масалаларини қамраб олиши лозим.

Жиноят ишлари юритувини гуманизациялаштириш истиқболларини кўриб чиқар эканмиз, бунда авваламбор, жиноят-процессуал қонунчиликда жиноят суд иш юритувида инсонпарварлик принципнинг мазмун-моҳиятини очиқ берувчи инсонпарварлик принципини бошқа жиноят-процессуал принциплар қаторида қуйидаги таҳрирда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ: “27<sup>1</sup>-модда. Жиноят суд иш юритувида инсонпарварлик принципи. Жиноят суд иш юритувида инсонпарварлик принципи одил судлов вазифаларини ҳал этиш ҳамда жиноят-процессуал фаолиятни жиноят процесси иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни ўзаро ҳурмат, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этиш асосида қуришни белгилловчи ахлоқий мезонларга риоя этган ҳолда амалга ошириш талабида намоён бўлади”.

Жиноят суд иш юритувида жалб этилган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми инсон ва фуқаролар ҳамда жиноят процесси иштирокчилари ҳуқуқий мақомининг узлуксиз яхлитлигини ташкил этади. Бунда авваламбор, инсон ҳуқуқий мақоми дастлабки аҳамиятга эга бўлса, жиноят суд иш юритуви иштирокчилари мақоми иккиламчи аҳамиятга эга; фуқаро мақоми эса, шахс жиноят суд иш юритувида эга бўлган мақомдан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Айни дамда тор маънода “фуқаро” тушунчаси жисмоний шахс тушунчаси сифатида ҳам қўлланилиши мумкин. Жиноят суд иш юритуви иштирокчиси ҳуқуқий

мақомининг инсонпарварлиги мезони бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: 1) жиноят иши ҳолати ва босқичи тўғрисида хабардорлик (инсоннинг ахборотга бўлган ҳуқуқини акс эттиради); 2) жиноят-процессуал фаолиятда иштирок этишнинг фаоллиги ва мустақиллиги (инсоннинг маданий фаолликка бўлган ҳуқуқини ифодалайди); 3) ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини реал Ҳимоя қила олиш имконияти (реал инсонпарварлик ғоясини намоён этади).

ЎзР ЖПКда жиноят суд иш юритувининг шахсий кафил (ЎзР ЖПК 251-моддаси), гаровга қўювчи (ЎзР ЖПК 249-моддаси), вояга етмаган гумон қилинувчи (айбланувчи) устидан қаровни таъминлаётган шахс (ЎзР ЖПК 556-моддаси), статист (ЎзР ЖПК 127-моддаси) каби иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадга мувофиқ, чунки процесснинг мазкур иштирокчилари жиноят суд иш юритувида гумон қилинувчи (айбланувчи)га нисбатан тегишли эҳтиёт чораси қўллаш воситаси сифатида ифодаланади, яъни бунда ушбу шахслар жиноят-процессуал муносабатларнинг фаол субъектлари эмас, балки кўпроқ терговчи фаолиятининг объектлари сифатида намоён бўлади.

Ушбу ҳолат жиноят суд иш юритувида инсонпарварлик ғоясига зид бўлгани туфайли, амалдаги қонунчиликка қуйидаги таҳрирдаги тушунчаларни баён этиш мақсадга мувофиқ:

– вояга етмаган гумон қилинувчи (айбланувчи) устидан қаровни таъминлаётган шахслар деганда, вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг муносиб хулқ-атворини таъминлаш ҳамда унинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судда ҳозир бўлиши бўйича мажбуриятни ёзма равишда ўз зиммасига олган ота-она, васий ва ҳомийлар ёки бошқа ишончга муносиб кишилар, шунингдек, вояга етмаган шахс қарамотида бўлган ихтисослаштирилган болалар муассасаларининг мансабдор шахслари тан олинади;

– шахсий кафил сифатида ўз зиммасига гумон қилинувчи ёки айбланувчи муносиб хулқ-атворда бўлиши ҳамда суриштирувчи юритаётган шахс, терговчи, прокурор ва суднинг чақириғига биноан ҳозир бўлишини таъминлаш бўйича мажбуриятни зиммасига олган ишончга лойиқ вояга етган шахс тан олинади;

– гаровга қўювчи сифатида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки бошқа гумон қилинувчи, айбланувчининг терговчи, прокурор ёки судда ҳозир бўлишини ҳамда улар томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олишни таъминлаш мақсадида ушбу эҳтиёт чорасини танлаган органнинг депозит ҳисобига пул, қимматли қоғоз ёки қимматликларни киритган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс тан олинади;

– статист сифатида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш учун жалб этилган ҳар қандай олиб борилаётган ишга алоқаси бўлмаган ва ундан манфаатдор бўлмаган, ташқи белгилари билан таниб олинаётган шахсга ўхшайдиган ҳамда таниб олаётган шахс билан илгари кўришмаган шахс тан олинади.

Инсонпарварлик қадриятлари жиноят суд иш юритувида катта амалий аҳамият касб этади: 1) улар жиноятнинг тўлиқ ва тез фаш этилишига, адолатли ҳукм чиқарилишига шароит яратади ва бунда тергов қилинаётган жиноят сифатини – объективлик, тўлиқ ва

ҳар томонламаликни яхшилайти<sup>1</sup>; 2) процесс иштирокчиларида ахлоқий сифатларни – ота-оналик ва фуқаролик бурчи, шахсий шаън ва қадр-қиммат, ўз қилмишлари учун жавобгарлик, масъулият ва уят туйғуларини ва б.қ. тарбиялашга кўмаклашадиган<sup>2</sup>; 3) давлатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга кўмаклашадиган, жамият манфаатлари, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофаза этилишини яхшилайти, уларнинг ҳуқуқини муҳофаза қилиш органларига бўлган ишончини оширади (жазосизлик инсоний бўла олмайди)<sup>3</sup>; 4) жиноят суд иш юритуви вазифалари маданий воситалар билан, инсонга жамиятнинг бош қадрияти сифатида муносабатда бўлган ҳолда ҳал этилишини таъминлайди<sup>4</sup>; 5) мамлакатда ҳуқуқий давлат қурилишига, шунингдек, умуминсоний қадриятларни, тинчлик ва хавфсизликни муҳофаза қилиш борасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади<sup>5</sup>.

Шунингдек, жиноят суд иш юритувини амалга ошираётган шахсларга инсонпарварлик қарашларини шакллантириш зарур. Инсонпарварлик қарашларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар тан олиниши лозим: гуманитар билимларни (инсон моҳияти, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг атроф муҳит билан ўзаро муносабати ҳақида), гуманитар ишончини (инсонни жамиятнинг бош қадрияти сифатида тан олиш) ҳамда ахлоқий хулқ-атвор малакасини (ўз билими ва ишончларига мувофиқ) шакллантириш. Жиноят суд иш юритувини амалга ошираётган шахсларда гуманитар онгни шакллантириш жиноят суд иш юритувида гуманитар қадриятларни реализация қилишнинг ҳамда инсон ва фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, шунингдек, одил судлов манфаатларини Ҳимоя қилиш бўйича жиноят-процессуал фаолият самарадорлигининг энг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Жиноят суд иш юритувини амалга ошираётган шахсларга инсонпарварлик қарашларини шакллантириш мақсадида қуйидаги амалий тавсияларни илгари суришимиз мумкин:

а) юридик таълимнинг гуманитаризацияси (юридик таълим муассасаларининг ўқув дастурлари ва ўқув-услубий режаларда шакллантирилаётган билим, ишонч ва малаканинг гуманитар йўналишда шакллантириш; абитуриентлар онгида ижодий бошланғич асосларни ривожлантириш; ўқитишни индивидуаллаштириш ва бошқа чоралар);

б) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья лавозимига даъвогарлик қилаётган номзодларни танлаш тизимини такомиллаштириш (кўрсатилган

<sup>1</sup> Бурданова В.С. Криминалистические проблемы обеспечения всесторонности, полноты и объективности расследования преступлений: Дис. в форме науч. доклада . д-ра юрид. наук. – М., 1992. 40 с.

<sup>2</sup> Антонов И.А. Уголовно-процессуальная деятельность следователей органов внутренних дел: нравственно-правовые критерии ее оценки: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2000. – 24 с.

<sup>3</sup> Бессчетная В.В. Воспитание нравственности следователя органов внутренних дел: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – СПб., 2000. – 25 с.

<sup>4</sup> Бибило А.П. Социально-правовые основы правосудия по уголовным делам: Автореф. дис. . докт. юрид. наук. – Минск, 1995. 29 с.

<sup>5</sup> Баландин В.Н. Принципы юридического процесса: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 1998. – 16 с.

мансабларга номзодларни танлашда гуманитар – ахлоқий-этик, яъни шахснинг тегишли касблар шаъни ҳоқеда белгиланган юқори талабларга мувофиқлигини таъминлаш; ташкилий-ҳуқуқий, яъни юридик мутахассислик бўйича иш стажини, ёши, билимининг мавжудлиги; психофизиологик – яъни, шахсда мустақам жисмоний ва руҳий саломатлик мавжудлиги каби мезонлардан фойдаланиш<sup>1</sup>;

в) жиноят суд иш юритувини амалга ошираётган шахсларнинг касбий фаолияти учун инсонпарварлик ғояларига мутаносиб бўлган муносиб шарт-шароитларни яратиш, бунда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьяларнинг меҳнати юқламаси ва шарт-шароитларнинг илмий асосланган меъёрларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни кўзда тутиш; ушбу ходимларнинг ойлик иш ҳақиларини одиллик принципига мувофиқ ҳолатга келтириш; меҳнат қонунчилигига мувофиқ иш вақтидан ташқари иши учун ҳақ тўлаш тизимини жорий этиш; жиноят суд иш юритувини амалга ошираётган шахсларнинг техник таъминотини юқсалтириш; ҳар бир суд, прокуратура, ички ишлар органларига тегишли биноларда ходимлар учун умумий овқатланиш шаҳобчаларини ишга тушириш (чунки, инсоннинг тўлақонли иссиқ овқат билан таъминланиши унинг соғлиги ҳамда иши сифатига бевосита таъсир кўрсатиши илмий жиҳатдан исботланган ҳолатдир); тезкор-қидирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд фаолиятини амалга ошираётган органларни молиялаштиришнинг илмий асосланган дастурларини ишлаб чиқиш муҳимдир;

г) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьяларнинг иши самарадорлигини ҳисобга олиш тизимини ислоҳ этиш ва бунда улар фаолияти мезонлари сифатида – жиноят суд иши юритуви иштирокчиларининг уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши устидан асосли шикоятлари йўқлиги; жабрланувчига жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш ёки уни қоплаш бўйича чоратadbирларни ўз вақтида кўриш; ноқонуний ва асосиз ҳаракатларнинг (ушлаб туриш, шахсни айбланувчи тариқасида жалб этиш ва ҳ.к.) йўқлиги; жиноят содир этиш сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга йўналтирилган тасавурларнинг мавжудлиги ва бошқалар<sup>2</sup>;

д) жиноят суд иш юритувини амалга ошираётган шахсларга тарбиявий таъсир чоралари сифатида рағбатлантириш ва жарима қўллаш тизимларини ислоҳ этиш. Бунда хусусан, қонун даражасида мансабдор шахсларнинг иши самарадорлигини мезонларини мустақамлаш ҳамда уларга процесс иштирокчиларига ҳуқуқларига тўлақонли риоя этганлик учун чоралик пул мукофотларини беришни йўлга қўйиш; рағбатлантиришнинг бошқа йўллари аҳамияти ва ролини ошириш; жавобгарлик кўрқинчга солувчи эмас, балки истиқболли хусусият касб этишини таъминлашга қаратилган аниқ ҳуқуқбузарликлар учун таъсир чораси қўллаш тизимини тартибга солиш мақсадга мувофиқ. Шу

мақсадда у ёки бу жазо чораси қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқбузарликлар рўйхатини кўрсатган ҳолда жавобгарлик чоралари тизимини ишлаб чиқиш лозим. Шу жумладан, тергов муддатларини бузганлик учун – ҳайфсан, эҳтиёт чораси сифатида қамоқни қўллаш муддатларини бузганлик учун – қаттиқ ҳайфсан, процесс иштирокчиларига нисбатан жисмоний таъсир чораларини қўллаганлик учун – ишдан бўшатиш ва ҳ.к. Кўрсатилган тақлифларни амалга ошириш тегишли органлар раҳбарлари томонидан тегишли жазо чораларини ўзбошимчалик билан қўллашнинг олдини олади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликни гуманизациялаш йўналишида такомиллаштириш бўйича бир қатор тақлифларни киритиш мумкин. Хусусан, бу борада қуйидагиларни тақлиф этишимиз мумкин:

– ишдаги барча манфаатдор шахсларга уларнинг ташаббуси билан ўтказилаётган тергов ҳаракатларида, дастлабки терговни ўтказиётган шахснинг розилигидан қатъий назар иштирок этиш ҳуқуқини бериш;

– гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари рўйхатини белгилаб берган моддаларда, шу жумладан дастлабки тергов маълумотларини ошкор этмаслик мажбуриятини кўзда тутиш ҳамда ушбу мажбуриятни бажармаганлик учун санкцияларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ;

– илк маротаба жиноят содир этган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоқни қўллаш ҳолатларини қисқартириш ва бошқалар.

Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчиликда жиноят суд иш юритувида инсонпарварлик принципини алоҳида мустақамлаш ҳам жиноят процессида унинг барча иштирокчилари томонидан унга риоя этилишини таъминлашда муҳим қадам бўлган бўлар эди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, жиноят суд иш юритувида жалб этилган шахсларнинг – шахсий кафил (ЎзР ЖПК 251-моддаси), гаровга қўювчи (ЎзР ЖПК 249-моддаси), вояга етмаган гумон қилинувчи (айбланувчи) устидан қаровни таъминлаётган шахс (ЎзР ЖПК 556-моддаси), статист (ЎзР ЖПК 127-моддаси)ларнинг ҳуқуқий мақомини тартибга солиш ҳам ўта муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ушбу шахслар жиноят-процессуал муносабатларнинг фаол субъектлари эмас, балки кўпроқ терговчи фаолиятининг объектлари сифатида намоён бўлади ҳамда улар фаолияти бевосита бошқа шахслар ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу боис, амалдаги қонунчиликда ушбу шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатининг белгиланиши жиноят суд иш юритувида инсонпарварлик принципини таъминлашга хизмат қилади.

**Аннотация:** Мақолада жиноят ишлари юритувини гуманизациялаштириш нуқтаи назаридан амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари ўрганилган. ЎзР ЖПКга жиноят суд иш юритувида инсонпарварлик принципи бағишланган 27<sup>1</sup>-модда киритилиши асослаб берилган. Процессуал қонунчиликка вояга етмаган гумон қилинувчи (айбланувчи) устидан қаровни таъминлаётган шахслар, шахсий кафил, гаровга қўювчи ва статист каби процесс иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш тақлиф қилинган. Шунингдек, жиноят суд иш юритувини амалга ошираётган шахсларга инсонпарварлик қарашларини шакллантиришга оид амалий тавсиялар илгари сурилган.

<sup>1</sup> Кокорев Л.Д., Котов Д.П. Этика уголовного процесса. – Воронеж, 1993. – 224 с.; Москалькова Т.Н. Этика уголовно-процессуального доказывания (стадия предварительного расследования). – М., 1996. – 125 с.

<sup>2</sup> Гельдибаев М.Х. Обеспечение прав и свобод человека и гражданина в сфере уголовного принуждения: Автореф. дис. . д-ра юрид. наук. – СПб., 2001. – 43 с.

**Калит сўзлар:** инсонпарварлик, гуманизация, гуманизм, жиноят-процессуал қонунчилик, ҳуқуқий кадрят, ҳуқуқий принцип, халқаро-ҳуқуқий кафолатлар, конституциявий кафолатлар.

**Аннотация:** в статье изучены перспективы совершенствования действующего уголовно-процессуального законодательства, с точки зрения гуманизации уголовного судопроизводства. Обоснована необходимость дополнения УПК РУз новой ст. 27<sup>1</sup> посвященной принципу гуманности в уголовном судопроизводстве. Предложено определить правовой статус таких участников процесса как лица, обеспечивающие присмотр за несовершеннолетним подозреваемым (обвиняемым), личный поручитель, залогодатель и статист. Также выдвинуты практические рекомендации по формированию гуманных взглядов у лиц осуществляющих уголовное судопроизводство.

**Ключевые слова:** гуманность, гуманизация, гуманизм, уголовно-процессуальное законодательство, правовая ценность, правовой принцип, международно-правовые гарантии, конституционные гарантии.

**Annotation:** in this article it is studied opportunities of perfection of the current criminally-procedural legislation from humanisation point of view of criminal legal proceedings. Author proved the necessity of addition to the Criminal-procedural code of Republic of Uzbekistan a new 27<sup>1</sup> article devoted to the humanity as a principle of criminal legal proceedings. It is suggested to define legal status of participants of process such as persons, providing supervision upon the suspected (accused) minors, personal guarantors, depositor and supernumeraries. Also it is extended practical recommendations about formation of humane sights at persons executing criminal legal proceedings.

**Key words:** humanity, humanization, humanism, criminal-procedure law, legal value, legal principle, international-legal guaranties, constitutional guaranties.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бурданова В.С. Криминалистические проблемы обеспечения всесторонности, полноты и объективности расследования преступлений: Дис. в форме науч. доклада. д-ра юрид. наук. – М., 1992. 40 с.
2. Антонов И.А. Уголовно-процессуальная деятельность следователей органов внутренних дел: нравственно-правовые критерии ее оценки: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2000. – 24 с.
3. Бессчетная В.В. Воспитание нравственности следователя органов внутренних дел: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – СПб., 2000. – 25 с.
4. Бибило А.П. Социально-правовые основы правосудия по уголовным делам: Автореф. дис. . докт. юрид. наук. – Минск, 1995. 29 с.
5. Баландин В.Н. Принципы юридического процесса: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 1998. – 16 с.
6. Кокорев Л.Д., Котов Д.П. Этика уголовного процесса. – Воронеж, 1993. – 224 с.; Москалькова Т.Н. Этика уголовно-процессуального доказывания (стадия предварительного расследования). – М., 1996. – 125 с.
7. Гельдибаев М.Х. Обеспечение прав и свобод человека и гражданина в сфере уголовного принуждения: Автореф. дис. . д-ра юрид. наук. – СПб., 2001. – 43 с.

Н.И.Хайриев

ТДЮУ катта илмий ходим-изланувчиси

#### СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА ОДИЛ СУДЛОВНИНГ ТЕЗКОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар мустақил суд ҳокимиятини янада мустақамлаш вазифаси билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик-ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги узоқ муддатли ва изчил дастурларнинг асосий устувор йўналишларидан бири бу – давлат ҳокимиятининг муҳим тармоғи сифатида суд-ҳуқуқ тизимини узлуксиз либераллаштириш ва босқичма-босқич демократлаштиришдан иборатдир.

Шунга мувофиқ, юртимизда ҳокимиятлар тақсимланиши конституциявий принципини амалга ошириш, судларнинг мустақиллигини таъминлаш борасида кенг қўламли ва самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, суд ҳокимиятини мустақамлаш, судларнинг ҳаққоний мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди.

Авваламбор, судлар фаолияти кафолати энг юқори, яъни Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни даражасида белгилаб берилди. Бундан ташқари, судлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва институциявий асослари тубдан ислоҳ этилди. Хусусан, суд тизими бутунлай ижро этувчи ҳокимият органларининг назорати ва таъсири остидан чиқарилди, судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш, шу жумладан, суд кадрлари билан таъминлаш масалалари билан шуғулланувчи махсус орган – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси ташкил этилди. Судларни уларга хос бўлмаган функциялардан озод этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли орган – Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди.

Шунингдек, 2012 йил 18 сентябрдаги ҳамда 2014 йил 4 сентябрдаги қонунлар асосида Жиноят-процессуал кодексига суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтиришга, суднинг мустақиллиги, холислиги ва беғаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга, шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканини холис баҳолашни таъминлашга, жиноят процессуал тизимни янада либераллаштиришга қаратилган муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Пировардида, судга қадар иш юритув босқичида лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жотлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби жорий этилди; биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбурияти прокурор зиммасига юкланди; суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколати чиқарилди; уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси жорий этилди; йўқолган жиноят ишини ёки унинг материалларини

тиклаш тартиби аниқлаштирилди; маҳқумни тарбия колониясида жазони ўташ муддатини давом эттиришинг энг узоқ муддати узайтирилди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2012 йил 30 ноябрдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2013 йил 4 октябрдаги “Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2012 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармоиши суд ҳокимияти нуфузини мустақамлашда, судья кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий, демократик талабларга жавоб берадиган самарали тизимини яратишда муҳим аҳамият касб этди.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқни қўллаш ташкилий-ҳуқуқий механизмларини, одил судловни амалга ошириш процессуал асосларини такомиллаштиришга доир мазкур чора-тадбирлар пировардида одил судловнинг муқаррарлигини, тезкорлигини таъминлашга, қонунийликни таъминлашда суднинг ролини оширишга хизмат қилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасидаги ислохотларнинг ҳозирги босқичига келиб, замонавий фан-техника ютуқларидан ҳамда илғор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда одил судловнинг тезкорлигини таъминлаш, жиноят ишлари юритувини интенсификациялаш (жадаллаштириш) зарурияти туғилмоқда. Таъкидлаш лозимки, жиноят ишлари юритувини интенсификациялаш моҳият эътиборига кўра, жиноят процессини замонавий воситаларни жорий этишга қаратилган технологик модернизациялаш, жиноят ишларини юритишнинг соддалаштирилган тартибларини жорий этиш ва ҳоказо ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни қўллаш орқали процессуал вақтни ҳамда шу орқали жиноят ишларини юритишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, жиноят ишлари юритувини интенсификациялаш, шу жумладан, одил судловнинг тезкорлигини таъминлаш масалалари жиноят-процессуал адабиётларда жуда кам ўрганилган бўлиб, унинг тушунчаси, мазмуни, хусусиятлари ва таркибий қисмлари тўғрисидаги масалалар процессуалчи ҳуқуқшунос олимлар нигоҳидан четда қолмоқда. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, суд тизимини интенсификация қилиш авваламбор, суд аппарати ходимлари иш ҳақи даражасини ошириш; судья малакасининг унинг меҳнатини мукофотлаш миқдорига мутаносиб равишда ўсиб бориши; процессуал қонунчиликни такомиллаштириш; у ёки бу ишни судга тааллуқлилиги бўйича ўйланган ёндашувни ишлаб чиқиш ҳамда низоларни судгача ва суддан ташқари усулларда ҳал этишни қўллаш – медиация, низоларни квазисуд маъмурий органлар ва б.қ. томонидан ҳал этиш имкониятларини кенгайтириш; судьялар касбий маҳорати даражасини ошириш; суд иш юритувида ҳамда суд фаолиятини ташкил этишда, шунингдек, суд тизимининг ҳаққоний ошқоралиги, қулайлиги, мустақиллиги, самарадорлиги ва нуфузини оширишда

замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш ва ҳ.к.<sup>1</sup>

Бошқа манбаларда эса, жиноят ишлари юритувини интенсификациялаш, шу жумладан, одил судловнинг тезкорлигини таъминлаш масалалари жиноят суд иш юритувида процессуал тежамкорлик нуқтаи назаридан ўрганилган<sup>2</sup>. Шунингдек, айрим муаллифлар томонидан интенсификация вақтни тежаш, тезкорлик, меҳнатни энгиллаштириш, соддалаштириш, оддийлаштириш, харажатларни камайтириш ва арзонлаштириш кесимида кўриб чиқилган<sup>3</sup>.

Юқоридаги ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, биз жиноят ишлари юритувини интенсификациялаш ЖПК 2-моддасида мустақамланган жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг жиноятларни тез очиш вазифасидан келиб чиқади ҳамда жиноят процессуал фаолиятга тезкорлик ва тежамкорликни таъминлашга қаратилган фаолиятни (жиноят-процессуал фаолиятни соддалаштириш, унга замонавий ахборот ва алоқа технологияларини жорий этиш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш тартибини соддалаштириш ва ҳ.к.) ифодалайди, деб ҳисоблаймиз.

Умуман олганда, жиноят ишлари юритувини интенсификациялашнинг бир неча йўналишларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Хусусан, жиноят ишлари юритувини интенсификациялаш, шу жумладан, одил судловнинг тезкорлигини таъминлашнинг муҳим йўналиши сифатида суд тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни алоҳида ажратиб кўрсатишимиз мумкин бўлиб, бу борада мамлакатимизда бир қатор чоралар амалга оширилди. Хусусан, мамлакатимизда одил судловнинг тезкорлигини таъминлаш борасида муҳим қадам – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори<sup>4</sup> қабул қилиниши бўлди.

Суд ишларини юритиш тезкорлигини ошириш учун судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш мақсадида қабул қилинган ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация

<sup>1</sup> Чуча С.Ю. Пути интенсификации работы судебной арбитражной системы в России // Сборник творческих работ студентов. – Омск: ОмГУ, 2009. – С. 6.

<sup>2</sup> Поляков М.П., Смолин А.Ю. Принцип процессуальной экономии в уголовном судопроизводстве: Монография. – Н. Новгород: Нижегородская академия МВД России, 2011. – 152 с.; Оспанов С.Д. Концептуальная детерминированность реализации принципа процессуальной экономии в уголовном судопроизводстве// Предупреждение преступности. – 2002. – №1 (3). – С. 17.

<sup>3</sup> Бажанов С.В. Стоимость уголовного процесса: Автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. – Н.Новгород, 2002.; Сереброва С.П. Рационализация уголовного процесса: Учебное пособие. – Н.Новгород, 2002. – С. 7; Шевцов В.В., Погорелова В.Н. Проблемные стороны досудебного производства, осуществляемого органами дознания // Научный портал МВД России. – 2009. – №2 (6). – С. 39.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 346-сонли Қарори // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2012 йил, 50-сон, 560-модда.

технологияларини жорий этиш Дастури қабул қилинди. Юқорида кўрсатилган 6 бўлимдан иборат бўлган Дастурда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини таҳлил қилиш, ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш, судьяларнинг, судлар ходимларининг компьютер саводхонлиги даражасини ошириш ва амалий кўникмаларини такомиллаштириш, миллий ахборот тизими доирасида интеграциялаштириладиган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ахборот ресурслари сонини кўпайтириш, кўрсатиладиган интерактив хизматлар сифатини ошириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек электрон ҳужжатлар айланишининг хавфсиз тизимларини жорий этиш ва бу каби йўналишларда 17 та тадбирлар мажмуи амалга оширилиши кўзда тутилган.

Жиноят ишлари юритувини интенсификациялаш, шу жумладан, одил судловнинг тезкорлигини таъминлашнинг яна бир йўналиши сифатида жиноят ишлари юритувида замонавий алоқа воситаларини қўллашни кўрсатишимиз мумкин. Хусусан, ҳозирги кунда бир қатор давлатларда (жумладан, Австрия, АҚШ, Беларусь Республикаси, Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, Украина, Швеция, Финляндия, Ҳиндистон, Янги Зеландия, Эстонияда) жиноят суд иш юритувида видео-конференц-алоқадан кенг фойдаланилмоқдаки<sup>1</sup>, ушбу давлатлар тажрибасини ўрганиш процессуал ҳаракатлар ўтказишда ушбу тизим имкониятларидан фойдаланиш соҳасини янада кенгайтириш истиқболларини аниқлашга хизмат қилади. Шу мақсадда ЖПКни тергов ва суд ҳаракатларини ўтказишда видео-конференц-алоқа тизимидан фойдаланишнинг умумий асослари ва қўллаш тартиб-таомилларини тартибга солувчи алоҳида модда билан тўлдириш, шунингдек, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик соҳасига ушбу тизимни жорий этишни интенсификациялаш ҳам мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда одил судловнинг тезкорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари халқаро тажриба ва халқаро стандартларга ҳам тўла мувофиқ келади. Хусусан, Одил судловнинг мустақиллиги тўғрисидаги Монреал универсал декларацияси (1983 йил), БМТ томонидан қабул қилинган Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари (1985 йил – Ўзбекистон Республикаси 1997 йил 30 августда ратификация қилган), Судьялар мақоми тўғрисидаги Европа хартияси (1993 йил), Судьяларнинг умумий (универсал) хартияси (1999 йил), Европа Кенгашининг “Мустақиллик, ҳаққонийлик ва суднинг ролига оид тавсиялари” (1994 йил) ва бошқалар одил судловнинг тезкорлигини ҳар бир давлатда суд функциясининг оқилоналиги ва ҳуқуқийлигининг муҳим белгиларидан бири сифатида кўзда тутати.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва либераллаштириш, шу жумладан, одил судловнинг тезкорлигини, муқаррарлигини, судларнинг мустақиллигини таъминлашга оид ислохотлар

демократик-ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим элементи бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ва тўлақонли ҳимоя қилишга хизмат қилади. Шу муносабат билан мамлакатимизда бу борадаги ислохотларни тизимли равишда олиб борилишини таъминлаш мақсадида келгусида жиноят ишлари юритувини интенсификациялаш босқичлари ва уларда амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий-ҳуқуқий чораларни қамраб олган концептуал ҳужжат (дастур, концепция, ҳаракат режаси) ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

**Аннотация:** ушбу мақолада мамлакатимизда сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар, бу борадаги замонавий тенденциялар ҳамда улар тизимида жиноят процессининг муҳим вазифаси сифатида жиноятларни тез очиш вазифасини таъминлашда жиноят суд ишлари юритувини интенсификациялаш, шу жумладан, одил судловнинг тезкорлигини таъминлашнинг айрим масалалари илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** суд-ҳуқуқ тизими, одил судлов, интенсификация, одил судловнинг тезкорлиги, ахборот-коммуникация технологиялари.

**Аннотация:** в статье проведен анализ научно-правовых аспектов реформ, проведенных в последние годы в судебной системе нашей страны, современные тенденции в этой области и место в их системе интенсификации уголовного судопроизводства, в частности, обеспечение быстроты правосудия как задача уголовного процесса по быстрому раскрытию преступлений.

**Ключевые слова:** судебная-правовая система, правосудие, интенсификация, быстрота правосудия, информационно-коммуникационные технологии.

**Annotation:** in this article it is analysed scientifically-legal aspects of reforms made over the last years in judicial-legal system of our country, modern lines in this area and place of intensification of criminal legal proceedings, in particular, maintenance of speedily justice in this system as a task of criminal trial on fast disclosing of crimes.

**Key words:** judicial-legal system, justice, intensification, speed of justice, information-communication technologies.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Чуча С.Ю. Пути интенсификации работы судебной арбитражной системы в России // Сборник творческих работ студентов. – Омск: ОмГУ, 2009.
2. Поляков М.П., Смолин А.Ю. Принцип процессуальной экономии в уголовном судопроизводстве: Монография. – Н. Новгород: Нижегородская академия МВД России, 2011.
3. Оспанов С.Д. Концептуальная детерминированность реализации принципа процессуальной экономии в уголовном судопроизводстве// Предупреждение преступности. – 2002. – №1 (3). – С. 17.
4. Бажанов С.В. Стоимость уголовного процесса: Автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. – Н.Новгород, 2002.
5. Сереброва С.П. Рационализация уголовного процесса: Учебное пособие. – Н.Новгород, 2002.
6. Шевцов В.В., Погорелова В.Н. Проблемные стороны досудебного производства, осуществляемого органами дознания // Научный портал МВД России. – 2009. – №2 (6).
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чорат-тадбирлари тўғрисида”ги 346-сонли Қарори // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2012 йил, 50-сон, 560-модда.
8. Архипова Е.А. Применение видео-конференцсвязи в уголовном судопроизводстве России и зарубежных стран (сравнительно-правовое исследование): Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2013.

<sup>1</sup> Архипова Е.А. Применение видеоконференцсвязи в уголовном судопроизводстве России и зарубежных стран (сравнительно-правовое исследование): Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Академия Генеральной прокуратуры РФ, 2013. – С. 6.

О. Махкамов

ТДЮУ катта илмий-ходим изланувчиси

СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ  
ОЛДИНИ ОЛИШ СУБЪЕКТЛАРИ

Жиноятчиликнинг олдини олиш деганда одамлар, жамият ва давлатни жиноятлардан сақлаш тушунилади. Жиноятлар профилактикаси ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини англатади.

Жиноятларнинг олдини олишнинг махсус чоралари профилактика иши билан профессионал шуғулланадиган субъектлар томонидан амалга оширилади. Жиноятларнинг олдини олиш субъектлари орасида солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланинг махсус профилактикаси билан энг аввало солиқ органлари ва Бош прокуратура қошидаги СВОЖЖФОДЛҚК департаменти шуғулланадилар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳам солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, ҳеч шубҳасиз, кўмаклашади.

Шунингдек, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланинг олдини олишни жиноят-ҳуқуқий чоралар билан таъминлаш қуйидагилар натижасида амалга оширилади деб ҳисоблаймиз: солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланган учун жавобгарлик соҳасида асосли ва мақсадга мувофиқ жиноят қонунчилиги сиёсатини олиб бориш; солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланган қарши курашишда барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг куч-ғайратини бирлаштириш; солиқ жиноятлари учун жавобгарлик ҳақида аҳолига жиноят-ҳуқуқий ахборот бериш; солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланган учун жавобгарликни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг барча принципларига қатъий риоя этиш йўли билан амалга ошириш.

Амалга оширувчи функцияларининг хусусиятига кўра солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлани олдини олиш субъектлари: ихтисослашган ва ихтисослашмаган субъектларга бўлинади. Ихтисослашган субъектлар учун жиноятларнинг олдини олиш функцияси асосий ҳисобланади ёки биринчи даражали функциялардан бири сифатида амал қилади (ДСҚ, СВОЖЖФОДЛҚК департаменти, ДБҚ, ИИБ, МХХ, ва ш.к.). Ихтисослашмаган субъектлар учун жиноятларнинг олдини олиш бош функцияга бўйсунувчи ва ундан бевосита келиб чиқувчи ёрдамчи функция ҳисобланади (ОТМ, ЎМТМ, мактаблар, ўз ўзини бошқариш органлар ва бошқалар).

Фаолият миқёси (даражаси)га кўра умумдавлат аҳамиятига молик субъектлар (ҳукумат), минтақавий ва тармоққа оид субъектлар, объектга оид субъектлар (меҳнат жамоаси) фарқланади.

Айрим муаллифлар профилактика субъектларини ўзгача таснифлайдилар. Масалан, В.Н.Бурлаков жиноятчиликнинг олдини олиш субъектларини уч гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳ умумижтимоий профилактика субъектларини ўз ичига олади. Уларга марказий, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини бевосита бажармайдиган жамоат

тузилмалари киради. Иккинчи гуруҳни махсус криминологик профилактика субъектлари, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини бажарувчи давлат органлари ташкил этади. Учинчи гуруҳ индивидуал профилактика фаолиятини амалга оширувчи субъектларни бирлаштиради<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, профилактика фаолияти субъектлари қаторига Адлия вазирлигини ҳам киритиш ўринли бўлади. Ушбу вазирлик амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қорхоналарнинг давлат реестрини юритувчи давлат органи ҳисобланади. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига кўра, қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг энг муҳим вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгиланди: қонунчилик ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, улар амалга оширилишини таъминлаш; Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш; жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш; судларни моддий-техникавий ва молиявий жиҳатидан таъминлаш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмни яратиш; нотариат, адвокатура, ФХДЁ органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш; тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий таъминлаш самарадорлигини оширишга, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, ҳўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш ва рўйхатга олиш жараёнини соддалаштиришга, шартномавий интизомни мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; юридик шахслар, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш; тегишли давлат органлари билан биргаликда халқаро-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш; замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш<sup>2</sup>.

Адлия вазирлиги солиқ солиш соҳасида содир этилувчи жиноий тажовузуларнинг олдини олиш ва тўхтатиш учун зарур бўлган ахборотга ҳам эгадир.

<sup>1</sup> Криминология // Под ред. В.Н. Бурлакова, В.П. Сальникова. – СПб., 1998. – С. 203.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонунҳужжатларитўплами, 2003 й., 15-16-сон, 138-модда

Шундан келиб чиқиб, биз солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш субъектларини уч гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир деб ҳисоблаймиз.

Биринчи гуруҳга умумий ижтимоий профилактика субъектлари киради.

Иккинчи гуруҳга солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш асосий фаолияти ҳисобланмайдиган, лекин ўз касбий фаолиятини амалга ошириш жараёнида солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш содир этилишига имконият яратувчи ёки уларнинг содир этилишини қийинлаштирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлашлари мумкин бўлган органларни киритиш ўринли бўлади.

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олишнинг асосий субъектларини биз учинчи гуруҳга киритдик. Булар Давлат Солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат Божхона қўмитасидир.

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олишнинг асосий субъектларидан бири – Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистонда солиққа оид ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ҳисобланади. У ўз фаолиятини “Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга оширади.

Ушбу Қонунга биноан солиқ хизматининг асосий вазибалари қуйидагилардан иборат: солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш; солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича мажбуриятларни бажаришларида ёрдам кўрсатиш; солиқ сиёсатининг рўёбга чиқарилишида бевосита қатнашиш; солиққа тортиладиган объектлар ва субъектларнинг тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш; солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш.

Фуқаролар ва тадбиркорларда солиққа тортиш бўйича маданиятни шакллантириш зарурлиги солиқ назорат органларига махсус профилактика тадбирлари ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Оммавий ахборот воситалари, аввало газета ва журналлар солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни тарғиб қилишга яқиндан ёрдам беради. Бу нашрларда солиқ тизимини ислоҳ қилиш, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, солиқлар бўйича маданиятни шакллантириш масалаларига доир материаллар мунтазам эълон қилиб борилади<sup>1</sup>.

Солиқ тўловчиларни тарбиялаш ишида телевидение жуда катта роль ўйнайди. Солиқ тўловчиларни қонунга бўйсунтириш руҳида тарбиялаш, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг

олдини олиш, жамоатчиликда инсофсиз солиқ тўловчиларга нисбатан салбий муносабатни шакллантиришда солиқ хизмати органлари билан оммавий ахборот воситалари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимдир<sup>2</sup>.

Мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш, молия органлари томонидан солиқ соҳасидаги қонунбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, коррупция, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш, нақд пул ва хорижий валюта маблағларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

Иқтисодий ва молиявий соҳаларда қонунийликни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти муҳим ўрин эгалламоқда. Ўзининг 5 йиллик фаолиятида Департамент томонидан солиқ ва валютага оид 52 мингтадан ортиқ қонун бузилишлари аниқланган бўлиб, 13530 таси бўйича жиноий ишлар қўзғатилди, 38887 нафар шахслар маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Кўрилган чоралар натижасида жами 142,9 млрд. сўм миқдоридagi моддий зарар ва бюджетга қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилди. Республикага ноқонуний олиб кирилган 22,4 млрд. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди. Хорижий валютанинг яшириб қолиниши, четга чиқиб кетиши, ноқонуний айланиши билан боғлиқ 2420 қонунбузарликлар фож этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига кўра, Департамент Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мустақил ихтисослаштирилган ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ҳисобланади, солиқ, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларига ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасида тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек, содир этилган қонун бузилишлари оқибатида етказилган иқтисодий зарарни ундириб олиш унинг асосий мақсади ҳисобланади<sup>3</sup>. Мазкур қарорга илова қилинган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти тўғрисида низомга мувофиқ, солиқ ва валютага оид жиноятларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича жиноий иш қўзғашдан бошлаб уни судда кўриб чиқишгача бўлган процессуал ҳаракатларнинг узвийлиги ва изчиллиги Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ҳамда терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноий ишларни кўриб чиқувчи, судда улар бўйича давлат айбномасини қувватловчи барча даражадаги прокуратура органлари билан ўзаро узвий ҳамкорлиги

<sup>1</sup> Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Масъул муҳаррир: М.Ҳ.Рустамбаев / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”. 2007. – Б. 208.

<sup>2</sup> Платонова Л.В. Криминологическая характеристика в сфере налогообложения // Следователь, № 3, 1997. – С. 34-35.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006й., 18-сон, 147-модда.

ва ҳаракатларининг мувофиқлаштирилиши натижасида таъминланади.

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган, шунингдек амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имкониятини беради:

**Биринчидан**, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олишни жиноят-ҳуқуқий чоралар билан таъминлаш қуйидагилар натижасида амалга оширилиши зарур: солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун жавобгарлик соҳасида асосли ва мақсадга мувофиқ жиноят қонунчилиги сиёсатини олиб бориш; солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш қарши курашишда барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг куч-ғайратини бирлаштириш; солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун жавобгарлик ҳақида аҳолига жиноят-ҳуқуқий ахборот бериш; солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун жавобгарликни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг барча принципларига қатъий риоя этиш йўли билан амалга ошириш.

**Иккинчидан**, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларга қарши курашиш амалиётининг таҳлили давлат назорати органлари фаолиятини сезиларли даражада фаоллаштириш, шаҳарлар ва вилоятлар прокуратуралари ҳузурида ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларининг доимий ишлайдиган мувофиқлаштирувчи кенгашларини тузиш мақсадга мувофиқ бўлади, деган хулосага келиш имкониятини беради. Бизнингча, бундай кенгашларнинг йиғилишларида солиқлар соҳасида юзага келаётган вазият таҳлил қилиниши ва мазкур органларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва огоҳлантириш фаолиятининг оқилона нисбатини ҳисобга олиб солиқ жиноятчилигига қарши кураш бўйича қўшма мақсадли дастурлар ишлаб чиқиши лозим.

**Учинчидан**, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш содир этилишига туртки берувчи омилларнинг олдини олиш борасидаги иш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши лозим:

– ахлоқий-руҳий омиллар таъсирининг олдини олиш: фуқароларда ҳуқуқий нигилизмга барҳам бериш; Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий таълим ва тарбия таъсирчан тизимини такомиллаштириш; виждонли солиқ тўловчиларни рағбатлантириш тизимини яратиш;

– сиёсий омиллар таъсирининг олдини олиш: мамлакатдаги солиқ тизимини ислоҳ қилиш; коррупцияга қарши кураш чораларини ва давлат сиёсий тизимининг турли бўғинлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш;

– ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирининг олдини олиш: солиқ юкини камайтириш; саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги ва шу кабиларнинг ривожланишини рағбатлантириш; жамиятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка эркин фаолият юритишга имконият яратиш;

– ташкилий-бошқарув омиллари таъсирининг олдини олиш: корхоналар рўйхатдан ўтказилиши ва тугатилиши ҳамда назорат-касса машиналаридан фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг ўзаро алоқасини кучайтириш; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимларининг касбий

малакасини ошириш; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг моддий-техника базасини ва мазкур органлар ходимларининг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш.

**Аннотация:** мазкур мақолада солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш масалалари ҳамда ушбу жиноят қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўрни ва аҳамияти илмий тадқиқ этилган. Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган, шунингдек амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилиниб хулосалар берилган.

**Калит сўзлар:** солиқ, бошқа мажбурий тўловлар, бўйин товлаш, солиқ соҳасидаги жиноятлар, жиноятларни олдини олиш, жиноятларни олдини олиш субъектлари.

**Аннотация:** в данной статье проведен анализ предупреждения уклонения от уплаты налогов и других обязательных платежей, а также противодействие правоохранительных органов в борьбе с налоговыми преступлениями. Изложены выводы по мероприятиям, осуществляемым правоохранительными органами.

**Ключевые слова:** налог, другие обязательные платежи, уклонение, налоговые преступления, предупреждение преступлений, субъекты предупреждения.

**Annotation:** In this article it is analysed the prevention of tax evasion and other mandatory payments, as well as counteraction of law enforcement agencies in the fight against tax crimes. It is concluded with activities carried out by law enforcement agencies.

**Keywords:** tax, other obligatory payments, evasion, tax crimes, crime prevention, prevention subjects.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Криминология // Под ред. В.Н. Бурлакова, В.П. Сальникова. – СПб., 1998. – С. 203.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонунҳужжатларитўплами, 2003 й., 15-16-сон, 138-модда
3. Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Масъул муҳаррир: М.Ҳ.Рустамбаев / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: "Адолат". 2007. – Б. 208.
4. Платонова Л.В. Криминологическая характеристика в сфере налогообложения // Следователь, 1997. №3. – С.34-35.
5. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда.

**В.Эргашев**  
**юридик фанлар номзоди, доцент**

### **ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚНИНГ ЎРНИГА ДОИР АЙРИМ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАР**

Ҳуқуқ тизимида халқаро хусусий ҳуқуқнинг ўрни тўғрисидаги масала ҳозирга қадар долзарб аҳамият касб этмоқда. Халқаро хусусий ҳуқуқ предмети таркибига кирувчи муносабатлар ҳамда уларни тартибга солишнинг ўзига хослиги ҳам мазкур масала хусусида турли ёндашувларни юзага келишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, ҳуқуқ тизимида халқаро хусусий ҳуқуқнинг ўрнини аниқлаш, ҳуқуқ соҳалари ўртасидаги нисбатни тўғри белгилашга, мазкур соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга, ҳуқуқни қўллаш амалиётига аниқлик киритишга хизмат қилади.

Айни вақтга қадар, мамлакатимиз юридик фанида ҳуқуқ соҳаларини шакллантириш жараёнида анъанавий равишда предмет ва метод мезонлари қўлланилган, бироқ замонавий ҳуқуқ назарисида эса ҳуқуқнинг ички тузилишини аниқлаш ва тушунтиришга қаратилган янгича ёндашувлар ҳам пайдо бўлмоқда. Ҳуқуқнинг соҳавий таснифи доирасида комплекс ҳуқуқ соҳалари маълум. С.С.Алексеев ушбу ҳодисани таҳлил қилар экан, комплекс ҳуқуқ соҳаларига муайян соҳаларнинг турли хил институтларини бирлаштириш (савдо ҳуқуқи, прокурор назорати ҳуқуқи, денгиз ҳуқуқи) хос эканлигини таъкидлайди. Муаллифнинг қайд этишича, “ҳозирги вақтда янги “ижтимоийлик қатламлари”ни юридик жиҳатдан расмийлаштирувчи комплекс хусусиятга эга бўлган ўзига хос соҳалар (экология ҳуқуқи, ахборот ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи) шаклланмоқда ва шунингдек, уларнинг асосий соҳаларга айланиши жараёнлари кучайиб бормоқда”<sup>1</sup>.

Халқаро хусусий ҳуқуққа комплекс ҳуқуқ соҳаси (айрим тадқиқотчилар таъбири билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг ўзига хос соҳаси) нуқтаи назардан ёндашиш бир қарашда мутлақо ўринли бўлиб туюлиши мумкин. Чунки халқаро хусусий ҳуқуқ кўп сонли муносабатларни ўз ичига олади, алоҳида ҳуқуқий тартибга солиш методларига эга ва ҳ.к. Аммо, бизнинг назаримизда, халқаро хусусий ҳуқуқ ўз ривожланиш жараёнининг ҳозирги босқичида ўзининг алоҳида хусусиятларига кўра, бутунлай бошқача мезонларга мувофиқ кўриб чиқилишини талаб этади. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг алоҳида ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритганда, энг аввало, у билан тартибга солинадиган муносабатларнинг хусусияти назарда тутилади. Ушбу муносабатлар, бир томондан, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг ҳуқуқий таъсир кўрсатиш предмети бўлиши, баъзан Ўзбекистон ҳуқуқ тизими доирасидан ташқарига чиқиши мумкинлиги билан тавсифланади. Уларнинг бундай хусусияти одатда “чет эл элементи” белгиси ёрдамида таъкидланади. Бу хусусда А.А.Рубанов “муносабатнинг хорижий тавсифлари” тўғрисида фикр билдирса, Л.П.Ануфриева эса муносабатнинг турли давлатлар ҳуқуқий тизимлари билан алоқаси намоён бўлиши белгисини таъкидлайди. Дарвоқе, С.Н.Лебедев ҳам ушбу мезонни таклиф қилади: “Мазкур муносабат таркибида халқаро ёки чет эл элементининг мавжудлиги муносабатнинг юридик мазмунини

ўзгартирмасдан, ... унинг биттадан ортиқ ҳуқуқий тизим билан боғлиқлигини белгилайди...”<sup>2</sup>. Шунга ўхшаш мезон ҳақида И.С.Перетерский ҳам сўз юритган: “Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат ... ҳуқуқий муносабат икки ёки бир нечта давлатлар ҳудуди билан боғлиқ бўлган ҳолда эътироф этилиши лозим”<sup>3</sup>. Бундай турдаги боғлиқлик, мазкур муносабатлар соф ички (миллий) муносабатлар билан бир қаторда алоҳида гуруҳдан ўрин олишини белгилайди. Шундай қилиб, хусусий ҳуқуқий нуқтаи назардан муносабатларнинг икки гуруҳини фарқлаш мумкин. Биринчи гуруҳ чет эл давлатининг ҳуқуқий тизими билан алоқадорлиги орқали тавсифланади. Ушбу муносабатлар гуруҳини ҳуқуқий тартибга солиш динамикаси нуқтаи назардан кўриб чиққанда, шуни қайд этиш лозимки, мазкур муносабатлар хусусияти уларни тартибга солишнинг алоҳида механизмини ҳам назарда тутади. Ушбу механизм тартибга солишнинг ҳам коллизия, ҳам моддий-ҳуқуқий моделида ифодаланиши мумкин. Ҳуқуқий тартибга солишнинг махсус механизмларини фаоллаштириш зарурияти айнан, муайян муносабатнинг хорижий давлат ҳуқуқий тизими билан боғлиқлиги каби объектив сабаблари билан белгиланади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иккинчи гуруҳи трансчегаравий хусусиятга эга. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими доирасидан ташқарига чиқиши уларнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Бизнинг назаримизда, таҳлил қилинаётган муносабатлар алоҳида “халқаролик” хусусиятига эгаллиги туфайли, уларга соф ички ҳодисалар сифатида ёндашиш унчалик тўғри эмас. Мазкур хусусият шунда ифодаланадики, муносабат хорижий давлат ҳуқуқ тизими билан боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, муносабат боғлиқ бўлган хорижий давлатнинг ҳуқуқий тизими ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизими билан ўзаро муносабати тўғрисидаги масалани ижобий ҳал этади. Масалан, чет эл давлати Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг қўлланиши тўғрисидаги изохни тан олади. Муносабатларнинг иккинчи гуруҳи (фуқаролик, оила ёки меҳнат ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган муносабатлар ёки таъбир жоиз бўлса, “ички муносабатлар”) тегишли ҳуқуқ соҳаларининг “анъанавий” механизмлари билан тартибга солинади. Бошқача айтганда, муносабатлар моҳиятининг ўзи уларни тартибга солиш усулини белгилайди. “Ички” (миллий) муносабатларга қарама-қарши қўйиладиган “ташқи” (трансчегаравий) ижтимоий муносабатларнинг мавжудлиги трансчегаравий муносабатларни тартибга солиш механизмларига нисбатан ўзгача ёндашувни талаб этади.

Гап шундаки, ҳуқуқ соҳаси тушунчаси ҳуқуқ назариясида соф “ички” мақсадларда ишлаб чиқилган ва миллий ҳуқуқий тизимларнинг ўзаро алоқага киришиш имкониятини ҳисобга олмайди. Бундай турдаги ҳулосалар халқаро хусусий ҳуқуқни анъанавий ҳуқуқ тизими доирасидаги алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида тан олмасликка қаратилган уринишларга нисбатан ҳам ўринли бўлса керак. Аслини олганда, агар халқаро хусусий ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқининг кичик

<sup>1</sup> Алексеев С.С. Право: азбука – теория – философия: Опыт комплексного исследования. – М., 1999. – С. 46.

<sup>2</sup> Лебедев С.Н. О природе международного частного права // Советский ежегодник международного частного права. – М., 1979 – С. 64.

<sup>3</sup> Перетерский И.С., Крылов С.Б. Международное частное право. – М., 1959. – С. 9.

соҳаси сифатида қаралса, унинг анча муҳим жиҳатлари ва хусусиятлари йўқолади. Авваламбор бу хусусий тусдаги муносабатлар уч базавий гуруҳнинг бирлигидир. Бундан ташқари, муаммога бундай нуқтаи назардан ёндашилган тақдирда, ҳуқуқий тартибга солишнинг турли таркибий элементлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳам йўқолади. Халқаро хусусий ҳуқуқни турли соҳалар ўртасида “тақсимланиши” замонавий ҳуқуқ тизимларида тегишли муносабатларни тартибга солишга нисбатан ягона ёндашувни қўллаш каби объектив жараёни инкор этилишини англатади.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олганда, халқаро хусусий ҳуқуқни халқаро оммавий ҳуқуқнинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқиш алоҳида қизиқиш уйғотади. Халқаро ҳуқуқ назариясида ушбу нуқтаи назарни асослаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор фикрлар билдирилиб, далиллар келтирилган. Алоҳида ҳуқуқий тизим сифатида қараладиган халқаро ҳуқуқ давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндисини ўзида ифода қилади. Шу маънода халқаро ҳуқуқ нормалари (кенг маънодаги) давлатлараро муносабатларни юридик жиҳатдан расмийлаштириш мақсадини кўзлайди. Агар давлатлараро муносабатлар ва халқаро хусусий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатлар моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, улар бутунлай бошқача хусусиятларга эга эканлигини қайд этишимиз мумкин. Халқаро хусусий муносабатлар замирида муайян шахсларнинг хусусий мулккий ёки номулкий манфаати ётади. Халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатлар – бу давлатлараро муносабатлардир. Халқаро хусусий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатлар асосан бир ҳуқуқий тизим доирасида амал қилади. Давлатлараро муносабатлар эса халқаро хусусият касб этади. Ниҳоят, илмий адабиётларда таҳлил қилинаётган соҳаларнинг ўзаро нисбати тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш жараёнида манбалар тўғрисидаги масала ҳам кўтарилди. Маълумки, халқаро хусусий ҳуқуқ манбаси сифатида ички норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилиши мумкин. Ушбу мезон халқаро ҳуқуққа нисбатан татбиқ этилиши мумкин эмас, чунки унда давлатлар эрки-иродасини мувофиқлаштириш методи норма яратиш методи ҳисобланади. Табиийки, таҳлил қилинаётган соҳаларнинг “ўзаро туташ нуқталари” ҳам мавжуд. Шундай “туташ нуқта” сифатида иккаласи учун бирдек муҳим аҳамият касб этувчи тамойилларни келтириш мумкин.

Бизнинг назаримизда, халқаро хусусий ҳуқуқ миллий ҳуқуқ тизими билан параллел равишда мавжуд бўлган алоҳида ҳуқуқий тизим ҳисобланмайди. Алоҳида ҳуқуқий тизим сифатида эътироф этиш учун етарли асослар мавжуд эмас. Алоҳида ҳуқуқий тизим шаклланиши учун бир нечта омиллар мавжуд бўлиши талаб этилади. Дастлаб, бундай ҳуқуқий тизимнинг мавжуд йирик норматив тузилмалар (тизимлар) доирасидаги ўрни тўғрисидаги масала юзага келади. Бугунги кунда дунёда миллий ҳуқуқий тизимлар ва алоҳида тизим – халқаро ҳуқуқ мавжуд. Шундай қилиб, халқаро хусусий ҳуқуқни мустақил ҳуқуқий тизим нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ўз-ўзидан уни мавжуд тизимлар орасидаги ўрни тўғрисидаги масалани кун тартибига олиб чиқади. Маълумки, ҳар бир мамлакат халқаро хусусий ҳуқуқнинг аксарият қисми миллий манбалар (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар,

прецедентлар, ҳуқуқий одатлар) ҳисобидан шакллантирилади ва бу ҳолат ўз навбатида ушбу ҳуқуқий тизимда умумий манбалар (демак, расмий барлик) мавжудлигини инкор этади. Бизнинг назаримизда, ҳуқуқий тизим нафақат ўз ҳуқуқ манбаларига, балки “маҳсус нормалар”га ҳам эга бўлиши лозим. Миллий ҳуқуқий тизимларда бундай вазифани одатда конституциявий нормалар бажаради. Халқаро ҳуқуқда кейинги нормаларнинг барчасини мазмун жиҳатидан бойитадиган императив нормалар – *jus cogens* мавжуд. Халқаро хусусий ҳуқуққа шу нуқтаи назардан қаралганда, барча давлатларнинг “умумий” халқаро хусусий ҳуқуқи учун бирлаштирувчи омилни қидириб топиш анча қийин кечади.

Шу туфайли халқаро хусусий ҳуқуқ аксарият юридик адабиётларда миллий ҳуқуқнинг кичик тизими сифатида қаралади<sup>1</sup>. Халқаро хусусий ҳуқуқ мақомини таҳлил қилиш жараёнида мазкур нуқтаи назар ҳозирги давр талабларига кўпроқ даражада жавоб беради. Бизнинг назаримизда, халқаро хусусий ҳуқуқ чиндан ҳам миллий ҳуқуқнинг муайян таркибий элементи ҳисобланади. Ушбу ҳулоса эса икки муҳим фарзга асосланади. Биринчидан, халқаро хусусий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатлар бошқа давлатлар ҳуқуқий тизими билан боғлиқ эканлигига қарамай, бир ҳуқуқий тизимнинг таъсири остида бўлади. Халқаро хусусий ҳуқуқда ҳуқуқий тартибга солиш жараёнининг нормал кечиши шундай бир вариантни назарда тутадик, бунда муносабатни тартибга солиш асосан бир ҳуқуқий тизим нормалари билан амалга оширилади. Шу билан бирга, бошқа ҳуқуқий тизим ўзи билан боғлиқ бўлган ушбу муносабатга нисбатан мутлақо “бефарқ” бўлиб қолиши ҳам мумкин эмас. Масалан, бундай ҳуқуқий тизим муносабатга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида изоҳга йўл қўйиш орқали уни чет эл ҳуқуқи нормалари билан тартибга солиш имконияти назарда тутилиши мумкин. Халқаро хусусий ҳуқуқни миллий ҳуқуқ тизимига мансублигини асословчи далил сифатида унинг асосий параметрлари ички ҳуқуқ нормалари билан белгиланишини кўрсатиш мумкин. Шу маънода халқаро хусусий ҳуқуқ ўз қоидаларини айнан миллий ҳуқуқдан олади.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқ тизими доирасидаги ўрнини аниқлашга доир ҳаракатни уни “миллий ҳуқуқнинг кичик тизими” сифатида баҳолашни асосли эканлигини аниқлашдан бошлаш ўринлидир. Маълумки, ҳуқуқнинг соҳалар бўлган ҳолда таснифлаш юридик ўқув ва илмий адабиётларда кенг қўлланилади. Лекин, шу билан бирга замонавий ҳуқуқ назариясида мазкур тасниф бирдан-бир ягона тасниф эмаслигини таъкидлаш лозим. Бугунги кунда ҳуқуқ тизимида ҳуқуқ соҳасидан йирикроқ таркибий элементларни фарқлаш мумкинлиги умумэътироф этилган. Бунга оммавий ва хусусий ҳуқуқни, шунингдек моддий ва процессуал ҳуқуқни ажратилишини кўрсатиш мумкин<sup>2</sup>.

Агар халқаро хусусий ҳуқуқ табиатига назар ташласак, бир қарашда унга миллий ҳуқуқ тизимининг

<sup>1</sup> Ануфриева Л.П. Соотношение международного публичного и международного частного права: правовые категории. – М., 2002. – С. 128.; Кудашкин В.В. Международное частное право в системе социально-экономических отношений общества // Государство и право. – 2004. – №7. – С. 64.

<sup>2</sup> Жавлиев Н.Б. Теория государства и права. Учебное пособие. – Т., 2010. – С. 62.

кичик тизими сифатида эмас, балки хусусий ҳуқуқнинг “чет эл элементи билан мураккаблашган” муносабатлар алоҳида гуруҳини тартибга солишга қаратилган кичик тизими сифатида қараш ўринлидек туюлиши мумкин. Агар унинг номланишида “хусусий” атамаси қўлланилганлигини эътиборга оладиган бўлсак, мазкур ёндашув янада ҳам асослидек кўринадиди. Бироқ, бизнинг фикримизча, халқаро хусусий ҳуқуқ, ўз номидан қатъий назар, хусусий тусдаги муносабатлар билан бир қаторда, айрим бошқа турдаги муносабатларни ҳам ўз ичига олади ва тартибга солади. Хусусан, халқаро фуқаролик процесси соҳасидаги муносабатларни мисол қилиб келтириш мумкин. Гарчи ушбу муносабатлар оммавий муносабатлардан фарқ қилса-да, хусусий муносабатлар сифатида қаралиши мумкин эмас. Халқаро хусусий ҳуқуқ предметиға оммавий муносабатларни киритиш билан боғлиқ бундай зиддиятларни ҳал этиш мумкин. Бизнингча, ҳуқуқ кичик тизимларини шакллантириш турли даражаларда амалга оширилиши мумкин. Агар ўз вақтида ҳуқуқ дуализми (уни хусусий ва оммавийга ажратиш) учун асослар пайдо бўлган экан, бошқа хил таснифлар учун ҳам асослар юзага келиши мумкин, деган фикрни билдириш ўринлидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг кичик тизими сифатида қараладиган халқаро хусусий ҳуқуқ қисман хусусий, қисман – оммавий ҳуқуқдан таркиб топади. Мазкур кичик тизимнинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети сифатида, бир томондан, фуқаролик, оилавий, меҳнат муносабатлари, бошқа томондан эса – халқаро фуқаролик процесси ва халқаро тижорат арбитражи доирасида юзага келувчи муносабатлар амал қилади. Ушбу кичик тизимнинг предметини унинг комплекслиги, шунингдек унинг “соҳаларусти” мақомига эга эканлиги акс эттиради. Шу нуқтаи назардан оммавий ва хусусий ҳуқуқ, моддий ва процессуал ҳуқуқ чегаралари қай даражада ҳаракатчан бўлса, ўзгариб турса халқаро хусусий ҳуқуқнинг чегараси ҳам шу даражада ҳаракатчан ва ўзгарувчандир. Масалан, аксарият ҳолларда муайян ҳуқуқ нормаси оммавий ёки хусусий ҳуқуққа қарашли эканлигини аниқ айтиш мумкин эмас. Айрим ҳолларда нормани процессуал ёки моддий нормалар тоифасига киритиш жиддий қийинчилик туғдиради (айниқса, процессуал норма моддий манбада ифодаланган ҳолда). Шунга ўхшаш ҳолат халқаро хусусий ҳуқуққа ҳам хосдир. Бизнингча, бу табиий ҳолат ҳисобланади ва жонли, фаол, ҳаракатчан ҳодиса сифатидаги ҳуқуқий материянинг моҳиятини акс эттиради. Бундан ташқари, моҳиятан ҳуқуқ яхлит ҳодиса эканлигини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Табиийки, ҳар қандай тизимда бўлганидек, унда ҳам ички бирлик белгилари ва ўзига хос жиҳатлар кузатилади. Бироқ оптимал ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини шакллантириш жараёни одатдаги таснифлаш рукнлари ва мезонлари тўғрисидаги тасаввурлар билан доим ҳам мос келавермайди. Айтиш мумкин, тарайиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг кичик тизими сифатидаги халқаро хусусий ҳуқуқнинг бошқа норматив-ҳуқуқий тузилмалар билан ўзаро нисбати

тўғрисидаги масалани кўриб чиқаётганда, энг аввало, фуқаролик, меҳнат ва оила ҳуқуқига, шунингдек тегишли процессуал соҳалар (фуқаролик ва арбитраж процессуал ҳуқуқи)га эътибор бериш зарур. Бизнингча, ушбу ҳуқуқий соҳалар халқаро хусусий ҳуқуққа нисбатан мустақил мақомга эга. Уларнинг ўртасида асосий чегара – муносабатнинг чет эл давлати ҳуқуқий тизими (ҳуқуқий тизимлари) билан алоқаси мавжудлиги белгисига кўра ўтказилади. Шу билан бирга, ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизими сингари ҳодисаларни ҳам фарқлаш зарур. Шу маънода халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари фуқаролик, меҳнат ва оила ҳуқуқига доир қонун ҳужжатларида ифодаланиши мумкин. Умуман олганда, бундай вазият бугунги кунда ҳам кузатилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг VI бўлими, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг VIII бўлими чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган нормалардан таркиб топган. Табиийки, ушбу масалани кўриб чиқаётганда ҳуқуқ яхлит ва ягона эканлигини, ҳуқуқнинг бир-бирига яқин турадиган турли таркибий бўлинмалари айрим ўхшаш жиҳатларга эга бўлиши мумкинлигини ёдда тутиш лозим. Халқаро хусусий ҳуқуқ ва фуқаролик ҳуқуқи ўртасида бундай ўхшашликни, масалан, диспозитивлик ҳодисасида кузатиш мумкин. Худди шундай фикрни айрим базавий тушунчалар тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Масалан, “шартнома” категориясини олайлик. Ўзбекистон Республикаси халқаро хусусий ҳуқуқи муносабатларни тартибга солишда ўз “шартнома” тушунчасига умуман олганда эга эмас ва фуқаролик ҳуқуқининг маълум ишланмаларидан фойдаланади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ тизими (ички тузилиши) муаммоси бугунги кунда энг мураккаб ва баҳсли муаммолардан бири ҳисобланади<sup>2</sup>. Халқаро хусусий ҳуқуқ тизими тўғрисидаги масала халқаро хусусий ҳуқуқ мақоми тўғрисидаги масала билан узвий боғлиқ. Аслини олганда, агар халқаро хусусий ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқининг таркибий қисми сифатида эътироф этилса, унинг таркибидаги соҳаларни фарқлаш ўринли бўлмас эди, чунки бу ҳуқуқий материяни тузишнинг асосий ва кенг эътироф этилган тамойилларини бузган бўлар эди. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг кичик тизими сифатидаги халқаро хусусий ҳуқуқ нима, деган саволга аниқ жавоб бериш зарур.

Халқаро хусусий ҳуқуқ фанида кўриб чиқилаётган муаммо хусусида турли нуқтаи назарлар илгари сурилган. Масалан, Л.А.Лунц ушбу масалани халқаро хусусий ҳуқуқ фани тўғрисидаги масалага татбиқан ўрганган. Бироқ муаллифнинг тадқиқотларида фан тизими ва норматив тузилма сифатидаги халқаро хусусий ҳуқуқ тизими масалалари, бизнингча, маълум даражада ҳамоҳангдир. Муаллиф тақлиф қилган халқаро хусусий ҳуқуқ предметининг базавий таърифи (“Ҳуқуқ соҳаси ва ҳуқуқшунослик соҳаси сифатидаги

<sup>1</sup> Волова Л.И. Переосмысление юридической природы международного частного права в новых условиях // Северо-Кавказский юридический вестник. – 1998. – №4. – С. 58.

<sup>2</sup> Ҳуқуқ тизими муаммоси ҳақида қаранг: Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқ тизими ва ҳуқуқий қадриятлар. – Т., 2011., Таджиханов Б.У. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида демократик ислохотлар. – Т., 2005., Ҳайитбоев Ф. Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимининг шаклланиши. – Т., 2006., Байтин М.И., Петров Д.Е. Система права: к продолжению дискуссии // Государство и право. 2003. - № 4; Мицкевич А.В. Система права и система законодательства: развитие научных представлений // Проблемы современного гражданского права: сб. ст. / отв. ред. В. Н. Литовкин, В. А. Рахмилович. – М., 2000.

халқаро хусусий ҳуқуқ...”) шундай ҳулосага келиш имконини беради<sup>1</sup>. Л.А.Лунц халқаро хусусий ҳуқуқнинг умумий қисмини фарқлаган ва унга халқаро хусусий ҳуқуқ умумий доктриналарини ва халқаро хусусий ҳуқуқ учун умумий аҳамиятга эга бўлган нормалар ёки институтларни киритган<sup>2</sup>. Махсус қисмга муаллиф қуйидагиларни киритишни таклиф қилади: а) чет элликларни ва чет эл юридик шахсларини; хорижий элемент иштирокидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатидаги давлатни; фуқаролик муносабатларининг субъектлари сифатидаги халқаро ташкилотларни; б) халқаро хусусий ҳуқуқдаги мулк ҳуқуқини; в) халқаро хусусий ҳуқуқдаги мажбуриятларни; г) халқаро хусусий ҳуқуқдаги “мутлак” ҳуқуқларни; д) ворислик ҳуқуқининг коллизия масалаларини; е) оила ҳуқуқининг коллизия масалаларини; ж) чет эл элементи иштирокидаги меҳнат муносабатларига доир масалаларни; з) халқаро фуқаролик процесси масалаларини<sup>3</sup>.

Г.Ю.Федосеева халқаро хусусий ҳуқуқ тизими масалаларини тадқиқ этар экан, унинг норматив таркиби тўғрисидаги масалани ёритади. “Халқаро хусусий ҳуқуқнинг норматив таркиби, - деб ёзади у, - соҳа тузилишини акс эттиради ва қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) давлат томонидан бир томонлама тартибда қабул қилинган (миллий) ҳамда халқаро шартномаларда ифодаланган (халқаро) коллизия-ҳуқуқий нормаларни; 2) халқаро шартномалар доирасида бирхиллаштирилган моддий-ҳуқуқий нормаларни<sup>4</sup>.”

Халқаро хусусий ҳуқуқ тизими тўғрисидаги масала мураккаб ва баҳслидир. Шу маънода биз Л.П.Ануфриеванинг қуйидаги фикрига қўшилаемиз: “Халқаро хусусий ҳуқуқни унинг норматив таркиби нуқтаи назаридан кўриб чиқиш айнан тизим билан, яъни муайян ҳуқуқий институтлар мавжудлиги (ёки мавжуд эмаслиги) ва уларнинг яхлит тузилма элементлари сифатидаги ўзаро нисбати билан боғлиқ бўлган айрим муҳим масалаларнинг ечимини топиш имконини бермайди<sup>5</sup>.”

Халқаро хусусий ҳуқуқ тизимини тадқиқ этиш учун бир қатор анъанавий категориялар мавжуд: кичик тизим, соҳа, кичик соҳа, институт, кичик институт. Ҳуқуқ соҳаси масаласи ҳуқуқ назариясида ва соҳавий фанлар доирасида кўп бора тадқиқ этилган. Жумладан, ҳуқуқ соҳалари хусусида С.С.Алексеев шундай деб ёзади: “Ҳуқуқ соҳалари – миллий ҳуқуқ таркибий тузилмасининг энг йирик, марказий бўғинлари. Улар ўзининг теран иқтисодий, ижтимоий-сиёсий мазмунига кўра алоҳида, ўзига хос ҳуқуқий тартибга солишни талаб қиладиган асосий, сифат жиҳатидан ўзига хос бўлган ижтимоий муносабатларни қамраб олади. Шунга мос равишда ҳуқуқ соҳаларига шу нарса хоски, улар ҳуқуқий тартибга солиш махсус юридик режимларини таъминлайди<sup>6</sup>.” Энг сўнги

тадқиқотларида муаллиф ҳуқуқ соҳасини “ҳуқуқ тизимининг ҳуқуқий тартибга солиш махсус режими билан фарқ қиладиган ва турдош ижтимоий муносабатларнинг бутун бир қисмларини қамраб оладиган марказий бўлинмаси” сифатида тавсифлайди<sup>7</sup>.

А.В.Поляков ҳуқуқ соҳалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқар экан, шундай деб ёзади: “Ҳуқуқ соҳаси (аниқроқ айтганда, ҳуқуқ нормалари соҳаси) деганда аксарият ҳолларда ижтимоий муносабатларнинг сифат жиҳатидан турдош гуруҳини махсус тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади<sup>8</sup>.”

Ҳуқуқий соҳа тушунчаси одатда норматив материалнинг йирик, барқарор блоklarини акс эттиради. Ҳуқуқий соҳа категориясига кичик тизим сифатидаги халқаро хусусий ҳуқуқнинг турли таркибий элементларига татбиқан назар ташласак, ушбу тушунчадан халқаро хусусий ҳуқуқнинг ички тузилишини тавсифлаш учун фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала юзага келади. Л.П.Ануфриева таъкидлаб ўтганидек, “ҳуқуқ соҳаларини шакллантириш учун муайян асослар мавжуд бўлиши лозим<sup>9</sup>”. Дарҳақиқат, халқаро хусусий ҳуқуқнинг “меҳнат ҳуқуқи” элементини тадқиқ этиш унинг соҳа мақомини эътироф этиш учун асослар йўқлигини кўрсатади. Хусусан, мазкур масалаларга бағишланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас, мазкур муносабатлар гуруҳини тартибга солишнинг барқарор асослари вужудга келмаган ва ҳ.к. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг “оила ҳуқуқи” сегменти бошқача кўринишга эга, бироқ, бунда ҳам қайд этилган мақомни тан олиш учун асосларни кўрмаймиз. Бундан ташқари, халқаро хусусий ҳуқуқнинг юқорида келтирилган қисмларига ҳуқуқ соҳаси мақомининг берилиши уларнинг ўртасида сезиларли даражада фарқлар мавжудлигини англатарди (масалан, ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш усуллари ва предметиди). Бироқ, бундай фикр юритиш ўз асосига эга эмас, чунки халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида уларнинг ўхшаш жиҳатлари кўпроқ ва ўз навбатида ушбу ўхшашликлар уларни халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида шаклланиши учун бирлаштирувчи асос бўлиб хизмат қиладди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ тизимини тавсифлаш мақсадлари учун ҳуқуқ назариясидаги ҳуқуқий институт тушунчаси улкан салоҳиятга эга. М.А.Ахмедшоеваннинг фикрича, ҳуқуқ институти ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади<sup>10</sup>. Ҳуқуқий институт “турдош ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ва сифат жиҳатидан ягоналик билан ажралиб турадиган” ҳуқуқий нормаларнинг муайян йиғиндисини ўзида ифодалайди<sup>11</sup>. С.С.Алексеев ҳуқуқий институт тушунчасини тадқиқ этар экан, улар (институтлар) “ушбу турдаги ижтимоий муносабатларнинг муайян қисмини: уларнинг айрим турларини, айрим турдаги муносабатларнинг умумий

<sup>1</sup> Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3 т. Т.1 – М., 2002. – С. 21.

<sup>2</sup> Ўша ерда. – 39-б.

<sup>3</sup> Ўша ерда. – 38–39-б.

<sup>4</sup> Федосеева Г.Ю. Международное частное право: Учебник. – М., 1999. – С. 59.

<sup>5</sup> Ануфриева Л.П. Соотношение международного публичного и международного частного права: правовые категории. – М., 2002. – С. 138-139.

<sup>6</sup> Алексеев С.С. Общая теория права: в 2 т. Т. 1. – М., 1981. – С. 244-245.

<sup>7</sup> Алексеев С.С. Право: азбука – теория – философия: Опыт комплексного исследования. – М., 1999. – С. 44.

<sup>8</sup> Поляков А.В. Общая теория права: курс лекций. – СПб., 2001. – С. 494.

<sup>9</sup> Ануфриева Л.П. Соотношение международного публичного и международного частного права: правовые категории. – М., 2002. – С. 141.

<sup>10</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2000. – 314-315-б.

<sup>11</sup> Теория государства и права. Под ред. А.С.Пиголкина. – М., 2005. – С. 355.

томонини, уларнинг элементларини ва ҳоказоларни тартибга солиш учун мўлжалланганлиги<sup>1</sup>ни таъкидлайди<sup>1</sup>.

Айрим муаллифларнинг қайд этишича, “ҳуқуқ соҳаси сингари, ҳуқуқий институт асосини ҳам турдошлик белгиси билан бирлаштирилган ижтимоий муносабатлар ташкил этиши лозим”<sup>2</sup>. Ҳуқуқий институтнинг моҳияти тўғрисидаги масалани тадқиқ этишга яқун ясар экан, В.С.Якушев шундай деб қайд этади: “Ҳуқуқий институт – бу мазкур ҳуқуқ соҳасининг предмети доирасида муайян, нисбатан мустақил ижтимоий муносабатни, шунингдек у билан боғлиқ бўлган ҳосила муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормаларнинг қонунга асосланган йиғиндиси”<sup>3</sup>. Умуман олганда, биз мазкур ёндашувга қўшилаемиз. Дарҳақиқат, ҳуқуқ соҳаларини ҳам, ҳуқуқий институтларни ҳам шакллантириш учун моддий асос сифатида ижтимоий муносабатлар (предмет) амал қилиши лозим, бироқ бунда, юқорида айтиб ўтилганидек, ҳуқуқ тизимида норматив блокларни шакллантиришда уларни тартибга солиш тартиби (метод)ни ҳам эътиборга олиш зарур.

Ҳуқуқий институт тушунчасидан халқаро хусусий ҳуқуқнинг “меҳнат ҳуқуқи” қисмига нисбатан фойдаланиш мумкин. Уни ҳуқуқ тизимидаги (институтга қараганда) йирикроқ тузилма сифатида эътироф этиш учун меҳнат қонунчилиги даражасида меҳнат муносабатлари масалаларига бағишланган махсус бўлим назарда тутилмайди, ҳуқуқий тартибга солишнинг лозим даражада мустақиллиги ва етарлилиги ҳам мавжуд эмас. Айни вақтда, халқаро хусусий ҳуқуқнинг қолган таркибий элементлари, бизнинг назаримизда, ҳуқуқий институт доирасидан четга чиқади. Масалан, унинг таркибий элементларидан бири – халқаро фуқаролик процессини олайлик. У низоларни суд йўли билан ҳал этишда юзага келувчи муносабатларни тартибга соладиган йирик норматив тузилма ҳисобланади. Ушбу нормалар гуруҳи доирасида ўз мустақил институтлари мавжуд. Улар жумласига, масалан, хорижий суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш институти киради. Ушбу институт ҳам моддий, ҳам норматив асосларга эга (чунки, мазкур муносабатлар низони тартибга солиш жараёнида муҳим босқич ҳисобланади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг тегишли ички манбаларида у таркибий жиҳатдан ажратилган, ушбу мавзуга бағишланган соҳавий халқаро шартномалар мавжуд). Оилавий муносабатларга таъсир кўрсатадиган, чет давлат ҳуқуқи билан алоқани намоён этадиган нормалар ҳам халқаро хусусий ҳуқуқ тизимида ҳуқуқий институтдан йирикроқ норматив тузилмани ташкил этади. Халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида таркибий жиҳатдан алоҳида ажратилган элементлар мавжудлигини ҳам кузатиш мумкин. Бунга трансчегаравий фарзандликка олиш институти мисол бўлиши мумкин. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг “фуқаролик ҳуқуқи” элементига келсак, у ҳуқуқий институтдан фарқ қиладиган мақомга эга эканлиги аксиома ҳисобланади. Унинг таркибида сон жиҳатидан катта ва сифат жиҳатидан турли хил бўлган норматив тузилмалар мавжудлигини кузатиш мумкин.

Ушбу норматив тузилмаларнинг ўзи ҳуқуқий институт мақомига эга: булар халқаро олди-сотди муносабатлари, турли хил транспорт муносабатлари, ворислик муносабатлари, чет эл инвестицияларининг хусусий ҳуқуқий мақоми ва ҳоказоларни тартибга солишга бағишланган нормалар. Ушбу масалаларнинг барчасини биргина ҳуқуқий институт доирасига сиғдириш мумкин эмас.

Бизнинг назаримизда, тизим сифатидаги халқаро хусусий ҳуқуқнинг юқорида кўрсатилган асосий таркибий қисмлари (фуқаролик, оила ҳуқуқи ва процессуал ҳуқуқ) халқаро хусусий ҳуқуқнинг кичик соҳалари ҳисобланади. Ушбу тузилмаларга соҳалар сифатида қараш учун етарли асослар мавжуд эмас. Шу билан бир вақтда, халқаро хусусий ҳуқуқда улар ҳеч шак-шубҳасиз ҳуқуқий институтларга қараганда йирикроқ тузилмалар ҳисобланади. Шу маънода уларга нисбатан кичик соҳа тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқдир<sup>4</sup>. Ўз навбатида, халқаро хусусий ҳуқуқнинг “фуқаролик” компонентини ҳам турли асосларга кўра таркибий элементларга ажратиш мумкин. Халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида, масалан, “умумий фуқаролик” ва “тадбиркорлик” муносабатлари гуруҳларини фарқлаш мумкин. Ижтимоий муносабатларнинг ушбу гуруҳларидан ҳар бирини тартибга солиш ўз хусусиятига эга. Ушбу хусусият, масалан, шунда ифодаланадики, тадбиркорлик муносабатларидан келиб чиқадиган талаблар бўйича чет эл ҳуқуқи мазмунини исбот қилиш мажбурияти суд томонидан тарафлар зиммасига юкланиши мумкин.

Шунга ўхшаш фикрлар халқаро тижорат арбитражига ҳам тегишли. Бизнингча, унинг мақоми ва фаолиятини тартибга солувчи нормалар йиғиндиси ҳуқуқий институт доирасидан ташқарига чиқади. Халқаро тижорат арбитражининг мавжудлиги туфайли юзага келувчи муносабатлар халқаро хусусий ҳуқуқнинг бошқа таркибий элементларидан сезиларли даражада фарқланади. Халқаро тижорат арбитражининг миллий ҳуқуқий тизимдан “мустақиллиги” ҳамда унинг алоҳида ташқи иқтисодий йўналтирилганлиги ўзига хос хусусиятлари сирасига киради. Тегишли нормаларни халқаро хусусий ҳуқуқнинг кичик соҳаси сифатида алоҳида ажратиш учун асослар объектив ҳуқуқ даражасида ҳам мавжуд. Бундай асослар сифатида мазкур муносабатларни тартибга солишга махсус қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шунингдек тегишли халқаро шартномаларнинг мавжудлиги тан олинади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ тизими тўғрисидаги масала таҳлилинини Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизими учун аъъанавий бўлган норматив материалнинг пандект тузилишига назар ташлаш билан давом эттириш, бизнингча, ўринлидир. Пандект асослари (хусусан – умумий ва махсус нормаларни фарқлаш) халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида айниқса яққол намоён бўлади. Шунга мос равишда халқаро хусусий ҳуқуқда унинг предметини ташкил этувчи муносабатлар гуруҳларининг барчасини бирлаштирувчи нормаларни ўз ичига олган умумий

<sup>1</sup> Алексеев С.С. Структура советского права. – М., 1975. – С. 119.

<sup>2</sup> Якушев В.С. О понятии правового института // Правоведение. 1970. - № 6. – С.

<sup>3</sup> Ўша ерда. – 66-б.

<sup>4</sup> Замонавий халқаро хусусий ҳуқуқ фанининг юқорида келтирилган таркибий қисмларига нисбатан “кичик соҳа” категориясини (унинг “меҳнат ҳуқуқи” элементига татбиқан эса “институт” категориясини) қўлланиши Л.П.Ануфриева томонидан ривожлантирилмоқда. Қаранг: Ануфриева Л.П. Соотношение международного публичного и международного частного права: правовые категории. – М., 2002. – С. 131–158.

қисми фарқлаш мумкин. Булар қаторига, масалан, ФК 1168-моддасида шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати тўғрисида белгиланган нормаларни (шахсий қонун – *lex personalis* даражасида), шунингдек 1164-моддада назарда тутилган оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳга доир нормаларни киритиш мумкин. Ўз навбатида, халқаро хусусий ҳуқуқнинг махсус (алоҳида) қисми юқорида кўрсатилган кичик соҳаларнинг элементларидан ташкил топади. Яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, пандект асослари ўзини кичик соҳалар даражасида ҳам намоён этади. Ушбу кичик соҳаларнинг умумий қисми халқаро хусусий ҳуқуқнинг умумий қисмига тегишли (шунга ўхшаш ҳолат, масалан, фуқаролик ҳуқуқида мажбурият қисмининг умумий қисми билан боғлиқ вазиятда кузатилади). Ҳар бир кичик соҳа махсус қисмининг мазмуни унинг тартибга солиш предмети хусусияти билан белгиланади. Масалан, фуқаролик ҳуқуқи кичик соҳасида махсус қисмига айрим турдаги шартномалар (масалан, халқаро олди-сотди, халқаро молиявий лизинг шартномалари)ни тартибга солувчи нормаларни киритиш мумкин. Оила ҳуқуқи кичик соҳасининг махсус қисми никоҳга кириш, алимент мажбуриятлари, болалар ва ота-она ўртасидаги муносабатлар (табиийки, ушбу муносабатлар турли давлатларнинг ҳуқуқий тизимлари билан боғлиқ бўлган ҳолда) сингари масалаларни ўз ичига олади. Юрисдикцион муносабатларда махсус қисм чет эл судлари (арбитражлари) қарорларини тан олиш ва ижро этиш масалалари, *lis alibi pendens* институти ва ҳоказолардан иборат.

Бизнинг назаримизда, халқаро хусусий ҳуқуқда халқаро транспорт ҳуқуқи ёки халқаро тижорат ҳуқуқи муайян функционал бўлинмалар ҳисобланади. Халқаро транспорт ҳуқуқи тўғрисида сўз юритилган ҳолда, уни ҳар доим ҳам ҳуқуқ соҳаси сифатида фарқлаш назарда тутилмайди. Ушбу атама билан махсус муносабатлар гуруҳини тартибга солувчи нормаларнинг муайян йиғиндиси ифодаланади.

Шундай қилиб, халқаро хусусий ҳуқуқ тизимини қуйдагича шакллантириш мумкин. Авваламбор, фуқаролик ва оилавий муносабатларни, халқаро фуқаролик процесси ва халқаро тижорат арбитражи фаолияти муносабати билан юзага келувчи муносабатларни тартибга солувчи йирик кичик соҳалар мавжуд. Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи нормалар ҳозирча кичик соҳани ташкил қилмайди, чунки бугунги кунда бунинг учун зарурий асослар пайдо бўлмаганлиги туфайли уларга шу номдаги ҳуқуқий институт сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг юқорида кўрсатилган кичик соҳалари доирасида уларнинг ўз институтлари фарқланади. Фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи кичик соҳада, шу жумладан, халқаро олди-сотди шартномалари, деликт, қондикцион мажбуриятлар институтларини фарқлаш мумкин. Оилавий муносабатларни тартибга солувчи кичик соҳада трансчегаравий фарзандликка олиш, турли давлат фуқаролари ўртасида никоҳ тузиш институтларини фарқлаш мумкин. Халқаро фуқаролик процессида, масалан, чет эл суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш, процессда чет эллик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, чет эл судларининг суд топшириқларини бажариш институтларини фарқлаш мумкин.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, халқаро хусусий ҳуқуқ тизими – фаол ва ўзгарувчан ҳодиса. Ҳуқуқий тартибга солиш жараёнининг ривожланиши ва янги

элементлар билан бойишига қараб халқаро хусусий ҳуқуқнинг ички тузилиши ҳам ўзгариб боради.

**Аннотация:** мақолада муаллиф томонидан халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тизимидаги ўрнига доир назарий масалалар таҳлил қилинган. Маъюланнинг асосий қисмида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг кичик тизими сифатидаги халқаро хусусий ҳуқуқнинг бошқа норматив-ҳуқуқий тузилмалар билан ўзаро нисбати кўрсатиб ўтилган.

Муаллиф фикрига кўра ҳуқуқий тартибга солиш жараёнининг ривожланиши ва янги элементлар билан бойишига қараб халқаро хусусий ҳуқуқнинг ички тузилиши ҳам ўзгариб боради.

**Калит сўзлар:** халқаро хусусий ҳуқуқ, трансчегаравий муносабатлар, коллизия, коллизия норм, халқаро муносабат.

**Аннотация:** в статье автором рассмотрены некоторые теоретические вопросы, связанные с определением места международного частного права в системе права. В основной части статьи раскрыто соотношение международного частного права, как малой системы права Республики Узбекистан с другими нормативно-правовыми структурами.

**Ключевые слова:** международное частное право, транснациональные отношения, коллизия, коллизия норма, международные отношения.

**Annotation:** In the article the author considered some theoretical questions connected with definition of a place of the international private law in the law system. In the main part of the article it is revealed the ratio of the international private law as small legal system of the Republic of Uzbekistan with other standard and legal structures.

**Key words:** international private law, transnational relations, conflict, conflict norms, international relations.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алексеев С.С. Право: азбука – теория – философия: Опыт комплексного исследования. – М., 1999.
2. Ануфриева Л.П. Соотношение международного публичного и международного частного права: правовые категории. – М., 2002.
3. Алексеев С.С. Общая теория права: в 2 т. Т. 1. – М., 1981.
4. Алексеев С.С. Структура советского права. – М., 1975.
5. Алексеев С.С. Право: азбука – теория – философия: Опыт комплексного исследования. – М., 1999.
6. Байтин М.И., Петров Д.Е. Система права: к продолжению дискуссии // Государство и право. 2003. - № 4.
7. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2000.
8. Волова Л.И. Переосмысление юридической природы международного частного права в новых условиях // Северо-Кавказский юридический вестник. – 1998. – №4. – С. 58.
9. Жавлиев Н.Б. Теория государства и права. Учебное пособие. – Т., 2010.
10. Кудашкин В.В. Международное частное право в системе социально-экономических отношений общества // Государство и право. – 2004. – №7. – С. 64.
11. Лебедев С.Н. О природе международного частного права // Советский ежегодник международного частного права. – М., 1979. – С. 64.
12. Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3 т. Т.1 – М., 2002.
13. Мицкевич А.В. Система права и система законодательства: развитие научных представлений // Проблемы со-

временного гражданского права: сб. ст. / отв. ред. В. Н. Литовкин, В. А. Рахмилович. – М., 2000.

14. Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқ тизими ва ҳуқуқий кадрятлар. – Т., 2011.

15. Перетерский И.С., Крылов С.Б. Международное частное право. – М., 1959.

16. Поляков А.В. Общая теория права: курс лекций. – СПб., 2001.

17. Таджиханов Б.У. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида демократик ислохотлар. – Т., 2005.

18. Теория государства и права. Под ред. А.С.Пиголкина. – М., 2005.

19. Федосеева Г.Ю. Международное частное право: Учебник. – М., 1999.

20. Ҳайитбоев Ф. Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимининг шаклланиши. – Т., 2006.

21. Якушев В.С. О понятии правового института // Правоведение. 1970. - № 6.

**О.Т.Ҳазратқулов**  
ТДЮУ “Халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи”  
кафедраси доценти, ю.ф.н.

### **ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҲУҚУҚНИ ТАНЛАШ ВА КОЛЛИЗИОН БОҒЛОВЧИЛАРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида амалга ошириладиган ислохотлар доирасида суд-ҳуқуқ соҳасини янада эркинлаштириш бугунги кунда алоҳида ўринга эга. Мазкур жараён ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш мақсади билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ривожланиб бораётган замон талаблари шуни тақозо этмоқда.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, “Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни ҳолисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора кучайиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт”<sup>1</sup>.

Ўз тараққиёт йўлимизнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш борасида ҳар бир ҳуқуқ соҳасига нисбатан бўлгани каби халқаро хусусий ҳуқуққа ҳам эътибор кучайди. Буни биринчи навбатда мазкур ҳуқуқ соҳасини чуқур ўрганишга эҳтиёж туғилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бундай эҳтиёж эса мустақилликдан сўнг чет эл элементи билан мураккаблашган мулкӣ, оилавий, меҳнат ва бошқа тадбиркорлик муносабатларнинг ривожланиб бораётгани билан боғлиқ.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг ривожланиши халқаро ҳамкорлик асосида амалга ошади ва амалий ҳаракатларни талаб этади. Мамлакатимизда халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ривожланиши учун олиб бориладиган саъй-ҳаракатлар айнан шу мақсадга йўналтирилганлигини таъкидлаш мумкин.

Чет эл элементи билан мураккаблашган халқаро хусусий муносабатларнинг тартибга солиниши, турли давлатлар халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг ўзаро мувофиқ тарзда қўлланилиши халқаро хусусий ҳуқуқ назарий қоидаларининг батафсил ишлаб чиқилиши билан бевосита боғлиқ.

Халқаро хусусий ҳуқуққа оид адабиётларда “ҳуқуқ коллизияси” тушунчаси халқаро хусусий ҳуқуқнинг энг муҳим масалаларидан бири сифатида эътироф этилади. Умумий ҳолатда ҳуқуқ коллизияси айна бир масалага тааллуқли бўлган турли ҳуқуқ нормалари ўртасидаги зиддиятларни, қўлланиши кўзда тутилган ҳуқуқ мазмунининг фарқи ва нормаларнинг ўзаро тўқнашувини англатади.

Юридик зиддиятлар ва қонунчилик коллизиялари нафақат халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида, балки давлат ва ҳуқуқ назариясида ҳам тадқиқот объекти сифатида атрофлича ўрганилмоқда. Хусусан, давлат ва ҳуқуқ назариясида ҳам ўз ечимини топмай қолаётган

<sup>1</sup>Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2010. 6-б.

муаммолар ҳамда камчиликларнинг кўлами “юридик коллизия” ва юридик конфликт” категориялари маъно-мазмунини илмий таҳлил этиш заруриятини келтириб чиқариётганлиги, қонун ҳужжатларида “коллизия нормалар”, “келишмовчиликларни бартараф этиш процедуралари” каби ҳуқуқий институтларнинг бўлаётганлиги ҳам мазкур воқеликлар хусусида илмий тадқиқотлар олиб бориш лозимлигини долзарб вазифа қилиб қўйганлигини, таъкидланмоқда<sup>1</sup>.

Чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларнинг у ёки бу соҳалари доирасида “коллизия” вазият келиб чиқади. Коллизия – латинча “collisio” сўздан олинган бўлиб, “тўқнашиш” ёки “тўқнашувчи иш” маъносини англатади<sup>2</sup>. Ҳуқуқий адабиётларда мазкур атама шартли характерга эга эканлиги, аслида қонунлар коллизияси, яъни улар ўртасида қўлланиши зарур бўлган қонунлар танлаш ҳақида гап юритилади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ назариясида мазкур атаманинг мазмуни тўғрисидаги масала кўп мартаба таҳлил объекти сифатида кун тартибига қўйилган ва таҳлил этилган. Жумладан, тадқиқотчиларнинг фикрича “Қонунлар коллизияси ёки тўқнашув фақат соф техник ҳамда шартли аҳамиятга эгадир. Қонунлар коллизияси қонунлари “тўқнашаётган” давлатларнинг органлари ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилиши мумкин бўлган халқаро-ҳуқуқий тусдаги “тўқнашув” ҳисобланмайди. ...Қонунлар коллизияси давлат органлари олдида юзага келади ва улар бир ёки бир нечта қонунчиликларни қўллаш имконияти билан боғлиқ масалани ҳал қилишлари талаб этилади”<sup>3</sup>.

Замонавий халқаро хусусий ҳуқуқдаги “коллизия” тушунчаси халқаро хусусий ҳуқуқнинг миллий табиати билан белгиланиши барчага бирдек аён дидир. Коллизия боғловчиларни бирхиллаштириш ва уйғунлаштириш борасида жиддий ютуқларга эришилганига қарамай, коллизия нормаларнинг барча давлатлар учун мажбурий ҳисобланган ягона тизими ҳанузгача мавжуд эмас. Биз “ҳуқуқ коллизияси” атамасининг халқаро хусусий ҳуқуққа доир илмий адабиётларда қабул қилинган қуйидаги таърифидан келиб чиқамиз. Яъни, “ҳуқуқ коллизияси” – бу мазкур муносабатга икки ёки ундан ортиқ давлат хусусий ҳуқуқини қўллашнинг чет элементи билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий муносабат хусусияти билан белгиланадиган, турли натижаларга ва юзага келувчи масалаларнинг турлича ечимларига олиб келиши мумкин бўлган объектив имкониятидир<sup>4</sup>. Қайд этиш лозимки, коллизиялар халқаро ҳуқуқдан бошқа ҳуқуқ соҳаларида ҳам учрайди, бироқ бунда улар, илмий адабиётларда таъкидланганидек, давлат ички ҳуқуқдаги коллизиялардан бутунлай фарқ қилади<sup>5</sup>. Одатда ички муносабатларни тартибга солишда миллий қонунчиликдаги айрим нормалар тўқнашса, халқаро хусусий ҳуқуқда эса миллий ҳуқуқий тизимлар

тўқнашуви юз беради. Фикримизча, тегишли муносабатларни тартибга солиш жараёнида миллий ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқ коллизия нормаларининг амал қилиш хусусияти намоён бўлади. Чунки, миллий ҳуқуқ нормалари чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларни тартибга солиш имкониятига эга эмас. Бундан ташқари ўзи мансуб бўлган ҳуқуқ тизими таркибидаги ҳуқуқ нормаси қўйилган саволга тўлиқ жавоб бера олмайди.

Халқаро хусусий ҳуқуқдаги коллизияларнинг ечими улар ўртасидаги келишув йўли билан эмас, балки ушбу ҳуқуқий тизимда етарли коллизия боғловчиларнинг мавжудлиги ва уларнинг ўзаро алоқаси зарурати билан белгиланади. Х.Рахмонқуловнинг ёзишича, “суд ёки бошқа орган томонидан турли давлатлар қонунларини ўрганиш, изоҳлаш ва қиёслаш йўли билан чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатга нисбатан тегишли ҳуқуқ нормасини қўллаш тўғрисидаги масаланинг ҳал қилиниши, халқаро мулкӣ ва шахсий муносабатни тўғри тартибга солиш учун муҳим аҳамиятга эга...коллизия нормалар бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларига нисбатан иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Лекин, улар халқаро хусусий ҳуқуқнинг мазмунини ташкил қилади ва моддий-ҳуқуқ соҳаларидаги тўқнашувларни бартараф қилишда асосий вазифани бажаради”<sup>6</sup>.

Шу ўринда халқаро хусусий ҳуқуқдаги коллизиялар ва ички қонунчиликдаги коллизиялар уларни бартараф этиш усулларига кўра ҳам бир-биридан бутунлай фарқ қилишини таъкидлаб ўтиш лозим. Халқаро хусусий ҳуқуқда тарихан унинг асосини ташкил этган коллизия боғловчилар “ҳуқуқ коллизияси” муаммосини ечимини топишга қаратилган. Ҳозирги вақтда халқаро хусусий ҳуқуқда коллизия норма тушунчаси нисбатан барқарор тушунча ҳисобланади. Миллий халқаро хусусий ҳуқуқ фанида коллизия норма тушунчасининг қуйидаги таърифи кенг эътироф этилган: коллизия норма – бу чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий-ҳуқуқий муносабатга нисбатан қайси давлат ҳуқуқи қўлланилиши лозимлигини белгилаб берувчи ҳуқуқ нормасидир.

Коллизия нормаларга оид юридик адабиётларда мазкур масала юзасидан билдирилган бир неча нуқтаи назарлар ҳам илгари сурилган. Жумладан, М.Н.Кузнецовнинг фикрича, “ҳозирги замон халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларининг мазмуни ва уларни тартибга солиш манбалари коллизия норма тушунчаси яратилган даврга қараганда сезиларли ўзгаришга учраган. Аксарият ҳолларда коллизия норма мавжуд масалани ечимини ҳал этишни давлатнинг ички ҳуқуқий тизимига ҳавола қилади. Бироқ, халқаро хусусий ҳуқуқ айрим институтлари, хусусан интеллектуал фаолият натижаларини муҳофаза қилиш институтининг ривожланиши ҳозирги вақтга келиб амалиётни сезиларли даражада бойитди. Коллизия нормани мазкур ҳуқуқий муносабатга нисбатан қайси мамлакат ҳуқуқи ёки қайси халқаро битим қўлланилиши лозимлигини кўрсатувчи (миллий ёки халқаро) ҳуқуқ нормаси сифатида таърифлаш, бизнингча, тўғрироқ бўлади”<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т., 2009. – 496-б.

<sup>2</sup> Халқаро хусусий ҳуқуқ Дарслик. – Т., 2002. – 51-б.

<sup>3</sup> Перетерский И.С., Крылов С.Б. Международное частное право. – М., 1959. – С.43.

<sup>4</sup> Международное частное право. Учебник // Под ред. Г.К. Дмитриевой - 3-е изд., перераб. и доп. – М., 2010. – С.16.

<sup>5</sup> Кичигина И.Л. Коллизии и материально-правовые методы регулирования в международном частном праве. Автореф... канд. юр. наук. – М., 1987. – С.15.

<sup>6</sup> Халқаро хусусий ҳуқуқ. Дарслик. – Т., 2002. – 51-б.

<sup>7</sup> Кузнецов М.Н. Некоторые особенности развития международного частного права // Международного права. – 1991.

– №1. – С.27.

Бизнинг фикримизча, қуйидаги асосларга кўра мазкур илгари сурилган нуқтаи назар баъзи камчиликлардан холи эмас. Яъни, у ёки бу халқаро шартнома қоидаларига ҳавола қилувчи ҳуқуқ нормалари халқаро хусусий ҳуқуқда амал қилувчи коллизия боғловчилар сифатида эътироф этилиши мумкин эмас. Халқаро хусусиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола бундай ҳужжат қоидаларини тан олиш сифатида баҳолашни мумкин. Бундай халқаро шартнома нормаларига ҳавола этишдан юзага келувчи коллизия масала давлат ички ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг ўзаро тамойилларининг нисбатидан келиб чиқиб ҳал этилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси коллизия қонунчилигида халқаро ҳуқуқ манбасини қўлланиладиган ҳуқуқ сифатида танлаш имконияти назарда тутилмаган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мавжуд коллизия нормаларда қўлланилиши лозим бўлган муайян мамлакат ҳуқуқи тўғридан-тўғри кўрсатилган<sup>1</sup>. Айнан шу сабабли М.Н.Кузнецов томонидан таърифланган нормаларни халқаро хусусий ҳуқуқнинг коллизия нормалари жумласига эмас, балки ҳаволаки ҳуқуқ нормалари жумласига киритиш ўринли бўлади.

Коллизия норма муайян фактик таркибларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган хулқ-атвор қоидаи ҳисобланади, деган нуқтаи назарга тўлиқ қўшилиш мумкин. Ушбу қоида чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларнинг турлари бўйича ваколатли ҳуқуқий тизимни танлашни белгилайди<sup>2</sup>. Ушбу турдаги ҳуқуқий муносабатлар бўйича ваколатли ҳуқуқий тизим ушбу муносабатлар турининг статуту ҳисобланади, тегишли давлатнинг алоҳида ҳуқуқий нормасини эмас, балки коллизия боғловчиларида қайси давлат ҳуқуқига ҳавола этилган бўлса, шу давлат ҳуқуқий тизимини ўзида ифода қилади.

Замонавий халқаро хусусий ҳуқуқ назариясида олиб борилган таҳлилларга назар ташлайдиган бўлсак, коллизия нормалар қиёсий ҳуқуқшуносликдан фойдаланилган ҳолда ҳам талқин қилинмоқда. Хусусан К.Қ.Рашидовнинг фикрича, “Коллизия нормада чет эл ҳуқуқини қўллаш кўрсатилган ёки бундан ҳуқуқ томонлар танланган (масалан, ташқи савдо битимида) ҳуқуққа кўра қўлланилиши лозим бўлган ҳолларда, қўлланилиши лозим бўлган чет эл ҳуқуқининг мазмунини аниқлаш масаласи юзага келади”<sup>3</sup>.

Чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳ муносабатлари доирасида тадқиқот олиб борган Н.Х.Раҳмонқуловнинг фикрича, “Коллизия норма чет эл элементи билан мураккаблашган ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини ўзига хос равишда тартибга соладиган қоидалардан иборат”<sup>4</sup>.

Ўз ўрнида коллизия боғловчилар йиғиндиси халқаро хусусий ҳуқуқнинг алоҳида тузилмаси –

коллизия ҳуқуқни ҳосил қилади. Ушбу нуқтаи назар бир неча муаллифларнинг халқаро хусусий ҳуқуққа доир қарашларида ўз ифодасини топган<sup>5</sup>.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, улар коллизия ҳуқуқни халқаро хусусий ҳуқуқ билан бирхиллаштирмайди, балки унга халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий таркибий элементи сифатида қарайди. МДХ халқаро хусусий ҳуқуқ мактабига қарама-қарши ўлароқ, АҚШ, Англия ва Германия ҳуқуқий қарашларида коллизия ҳуқуқни халқаро хусусий ҳуқуқ билан бирхиллаштиришда давом этмоқдалар. Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув ҳам жузъий камчиликлардан холи эмас. Шу ўринда халқаро хусусий ҳуқуқ амалда аллақачон коллизия тартибга солиш доирасидан четга чиққанлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Айни вақтда халқаро хусусий ҳуқуқ таркибига бирхиллаштирилган коллизия боғловчилар тизими шакллانган ва бу коллизия ҳуқуққа халқаро хусусий ҳуқуқнинг алоҳида тузилмаси сифатида ёндашиш имконини беради. В.П.Звеков коллизия боғловчиларнинг тизимлиги белгиларини тавсифлар экан, уни қуйидагилар билан боғлиқ деб ҳисоблайди:

– тартибга соладиган муносабатларнинг бир турдалиги (хусусан, чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар);

– коллизия боғловчилари вазифасининг бирхиллиги (коллизияни бартараф этиш);

– тартибга солиш предметига таъсир кўрсатиш усулининг ягоналиги (чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш коллизия-ҳуқуқий усули);

– бошқа ҳуқуқий нормалари тузилишидан фарқли ўлароқ, коллизия боғловчилар тузилишининг бирлиги<sup>6</sup>.

Ҳуқуқ коллизиясини бартараф этиш хусусияти коллизия боғловчиларнинг бошқа юридик нормалардан фарқловчи асосий жиҳати ҳисобланади. Халқаро хусусий ҳуқуқда коллизия боғловчилар орқали тартибга солиш функцияси, айнан, қўлланиладиган ҳуқуқни танлашни белгилайдиган моддий-ҳуқуқий норма билан бирга чет эл элементи билан мураккаблашган тегишли хусусий ҳуқуқий муносабат иштирокчилари учун хулқ-атвор қоидаи ҳисоб қилишда намоён бўлади.

И.С.Перетерскийнинг фикрича, “коллизия норма муайян масалани ечишни мустақил равишда эмас, балки ўзи ҳавола қилаётган ҳуқуқ манбаси билан бирга тартибга солади. ...Алоҳида олинган коллизия норма юзага келган юридик масалани моҳияти бўйича ҳал қилиш имконини бермайди, балки фақат судья ёки бошқа орган ўз олдига юзага келган масаланинг ечимини қайси ҳуқуқ тизимида топиши мумкинлигини кўрсатади”<sup>7</sup>. Коллизия нормаларнинг функцияларини тушунишга нисбатан шунга ўхшаш ёндашув чет эллик муаллифлар томонидан ҳам илгари сурилган.

Таъкидлаш лозимки, коллизия боғловчи янги моддий-ҳуқуқий нормаларни ҳосил қилмайди, балки

<sup>1</sup> Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1158, 1168, 1175, 1177, 1179, 1183, 1186, 1189, 1195-моддалари.

<sup>2</sup> Лунц Л.А. Курс международного частного права: в 3-х т. – М., 2002. – С.157.

<sup>3</sup> Рашидов К.Қ. Халқаро хусусий ҳуқуқда қиёсий ҳуқуқшуносликдан фойдаланиш масалалари. // “Халқаро хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т., 2010. –17-б.

<sup>4</sup> Раҳмонқулова Н.Х. Халқаро хусусий ҳуқуқда никоҳ муносабатларининг тартибга солиниши. Автореф... ю.ф.н. –Т., 2010. – 11-б.

<sup>5</sup> Ерпылева Н.Ю. Коллизияльные нормы в современном международном частном праве // Законодательство и экономика. – 1998. – №2. – С.59.; Звеков В.П. Коллизия законов в международном частном праве. – М., 2007. – С.160.

<sup>6</sup> Звеков В.П. Коллизия законов в международном частном праве. – М., 2007. – С.143.

<sup>7</sup> Крылов С.Б., Перетерский И.С. Международное частное право. Учебник. – М., 1959. – С. 11, 46.

мавжуд қоидалардан қайси бирини қўллаш лозимлигини белгилайди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги тадқиқотларнинг қўллиги қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни танлашга нисбатан таклиф қилинган ёндашувларнинг хилма-хиллигига олиб келади. Бунинг натижасида халқаро хусусий ҳуқуқнинг фундаментал масалалари, шу жумладан чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий муносабатдан келиб чиққан низони ҳал этишда хорижий ҳуқуқ нормаларини қўллаш зарурлиги ва уларни қўлланишини асослаш факти мазкур соҳада тадқиқотлар олиб борган олимлар ўртасида қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Ўз вақтида таниқли коллиззионист олим Б.Э.Нольде қуйидаги фикрларни билдириб ўтган эди, яъни: “Мажбуриятда турли жой қонунлари коллизиясини аниқ тартибга солишга қодир бўлган нормаларни танлаш айниқса ечимини кутаётган масалалардан бири ҳисобланади. Коллиззион ҳуқуқининг ўзига хос жиҳатлари шундаки бошқа соҳада бирон-бир масала шунча кўп назарий шубҳа ва низолар уйғотмайди”<sup>1</sup>.

Ҳозирги халқаро хусусий ҳуқуқ тенденцияларни тушуниш ва коллиззион нормаларини ривожлантириш имкониятларини аниқлаш мақсадида жаҳон амалиётида коллиззион нормаларнинг ҳозирги ҳолатига таъсир кўрсатган концепцияларнинг вужудга келиши ва такомиллашиш жараёнини ўзида акс эттирувчи халқаро хусусий ҳуқуқ таълимотининг тарихий ривожланиш босқичларига назар ташлаш лозим.

Коллиззион тартибга солиш масалалари бўйича халқаро хусусий ҳуқуқ доктринасига мурожаат этиш зарурияти унинг тарихий ривожланиш хусусиятлари билан ҳам изоҳланади. Трансчегаравий муносабатларни норматив тартибга солиш узоқ давр мобайнида мавжуд бўлмагани, юзага келувчи вазиятларнинг турли-туманлиги, ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги ўзгаришларга тез мослашиш зарурлиги халқаро хусусий ҳуқуқнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатди ва таъсир кўрсатишда давом этиб келмоқда.

Халқаро хусусий ҳуқуққа доир назарияларнинг аҳамияти ушбу соҳа олимлари томонидан ҳам кўп бора эътироф этилган. Лекин, улар орасида халқаро хусусий ҳуқуқ назарияси қаторида суд қарорларини мазкур ҳуқуқ соҳасининг манбаси сифатидаги хусусиятини рад этувчи қарашларнинг ҳам мавжудлигини кузатиш мумкин. Хусусан, Л.А.Лунц томонидан “суд қарорларида халқаро хусусий ҳуқуқ масалалари доирасидаги назарий ишларга ҳаволалар судлар томонидан бошқа ҳуқуқ соҳаларига оид масалаларни муҳокама қилишдагига қараганда кўпроқ учрайди. Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида айрим масалаларни ҳал этишдаги қийинчиликлар ва деярли барча мамлакатларнинг амалдаги қонунчилигида мавжуд бўшлиқларнинг мавжудлиги бу ерда қонун ва ҳуқуқ аналогиясини ҳуқуқнинг бошқа соҳаларига қараганда кўпроқ қўллашга ҳамда назарий ишлардан фойдаланишга тўғри келади. Ушбу муаммоларни ўрганиш нафақат назарий, балки амалий нуқтаи назардан ҳам муҳимдир”, деган фикр илгари

сурилган<sup>2</sup>.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг тарихий ривожланишининг барча даврларида тадқиқотчи олимлар асосий эътиборини чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда юзага келувчи ҳуқуқ коллизиясини бартараф этишнинг универсал тамойилларни ишлаб чиқишга қаратган. Мазкур универсал тамойил ушбу муносабатни у ёки бу миллий ҳуқуқ тизими билан объектив алоқасига асосланиши лозим бўлган. Коллиззион ҳуқуқ соҳасини атрофлича ва батафсил тадқиқ этиш ушбу жараёни ўта мураккаб бўлган, деб таъкидлаш имконини беради.

Халқаро хусусий ҳуқуқ доктринасини, шу жумладан коллиззион ҳуқуқ назариясининг ривожланиш жараёни коллиззион нормалар ҳамда улар ифодаланиши лозим бўлган тамойиллар ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши ва тадрижий ривожланишини акс эттиради. Ушбу динамика ҳуқуқий ғояларнинг муайян даражада тарқоқлиги ва изчиллик билан тартибга солилмаганлиги билан тавсифланади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ доктринасининг шаклланиш жараёни жадал кечган ва бир вақтнинг ўзида бир нечта масалани атрофлича қамраб олиши мумкин бўлган. Жуда кам сонли тадқиқотларни ҳисобга олмаганда коллиззион масалаларга оид илмий изланишлар XVIII асрга қадар мустақил тадқиқ этилмаган. Ўша даврларда асосан моддий ва процессуал ҳуқуқларга берилган шарҳлар доирасида коллиззион масалалар ёритиб берилган. Мазкур жараённинг ижобий натижаси сифатида замонавий халқаро хусусий ҳуқуқнинг турли институтлари пайдо бўлган ва ривожланган.

Бугунги кунда коллиззион ҳуқуқ соҳасидаги назарияларни бирон-бир битта мезонга кўра таснифлаш мумкин эмас. Халқаро хусусий ҳуқуққа оид илмий ишлар билан танишиш жараёнида турли давр ва мамлакатларда вужудга келган назарияларнинг узун силсиласига дуч келасиз. “Турли иқтисодий-сиёсий муносабатлар таъсирида пайдо бўлган бу нуқтаи назарлар уларга лозим даражада тарихий-танқидий баҳо бермасдан жамланади. Шу заминда ўрганилаётган ҳуқуқ соҳасининг вазифасини бажариш – қарорларни иқтисодий-сиёсий талабларига мослаштириш имконини берадиган мантиқий бирикмалар хилма-хиллиги вужудга келади”, деб таъкидлайди тадқиқотчи В.М.Корецкий<sup>3</sup>.

Ҳозирда халқаро хусусий ҳуқуқ назариясини тадқиқ этиш коллиззион ҳуқуқ доирасида илгари сурилаётган янгича ёндашувлар жараёнларни тушунтириш ҳамда мазкур соҳани ривожлантириш истиқболларини белгилаш имконини беради. Коллиззион ҳуқуқ институти тарихини синчковлик билан ўрганган ҳолда замонавий талабларга жавоб берадиган эгилувчан коллиззион нормаларнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳаси ва унинг коллиззион нормаларини янада ривожлантириш учун тартибга солишнинг энг қулай усулини топиш муаммоси айниқса долзарб аҳамият касб этади. Замонавий талабларга жавоб берадиган коллиззион нормаларни ишлаб чиқишда тарихан шаклланган асосий классик ёндашувларга таянилади ва шу тариқа халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини янада такомиллаштириш

<sup>1</sup> Нольде Б.Э. Очерк международного частного права // В книге: Лист Ф. Международное право в систематическом изложении. – Юрьев, 1909. – С.515. Ушбу иқтибос қуйидаги адабиётдан олинган. Мережко А.А. Наука международного частного права: история и современность. – Киев, 2006. – С.163.

<sup>2</sup> Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3-х томах. – М., 2002. – С.68.

<sup>3</sup> Международное частное право. – Киев, 1982. – С. 13.

концепциялари ишлаб чиқилади.

Бугунги кунда коллизия масалаларни келиб чиқиши ва уларга нисбатан коллизия нормаларни қўллашга доир муаммолар ечимини қўтаётган вазибалардан ҳисобланади. Амалий жиҳатдан чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва масалани адолатли ечимини топиш йўлида коллизия нормаларни мукамал ишлаб чиқиш чораларини кўришни талаб этади.

**Аннотация:** мақолада халқаро хусусий ҳуқуқда қўлланиладиган ҳуқуқ ва коллизия боғловчиларни қўллашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилган. Муаллиф кўрсатилган масалаларнинг илмий ва амалий таҳлилин амалга оширган ҳолда коллизия нормаларни такомиллаштириш бўйича ўзининг хулосаларини баён қилган.

**Калит сўзлар:** коллизия, коллизия норма, коллизия боғловчи, қўлланиладиган ҳуқуқ, чет эл элементи, халқаро хусусий ҳуқуқ.

**Аннотация:** в статье рассматриваются актуальные вопросы применимого права и применения коллизионных привязок в международном частном праве. Автор проводит научный и практический анализ, указанных вопросов, и дает свои выводы по совершенствованию коллизионных норм.

**Ключевые слова:** коллизия, коллизионная норма, коллизионная привязка, применимое право, иностранный элемент, международное частное право.

**Summary:** Authors considers topical issues of an applicable law and application of conflict bindings in the international private law. The author carries out the scientific and practical analysis of the specified questions and gives the conclusions on improvement of conflict norms.

**Key words:** collision, conflict norm, conflict binding, primarily right, foreign element, international private law.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2010. 6-б.

2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т., 2009. – 496-б.

3. Халқаро хусусий ҳуқуқ, Дарслик. – Т., 2002. – 51-б.

4. Перетерский И.С., Крылов С.Б. Международное частное право. – М., 1959. – С.43.

5. Международное частное право. Учебник // Под ред. Г.К. Дмитриевой - 3-е изд., перераб. и доп. – М., 2010. – С.16.

6. Кичигина И.Л. Коллизионный и материально-правовой методы регулирования в международном частном праве. Автореф... канд. юр. наук. – М., 1987. – С.15.

7. Кузнецов М.Н. Некоторые особенности развития международного частного права // Международного права. – 1991. – №1. – С.27.

8. Лунц Л.А. Курс международного частного права: в 3-х т. – М., 2002. – С.157.

9. Рашидов К.Қ. Халқаро хусусий ҳуқуқда қиёсий ҳуқуқшуносликдан фойдаланиш масалалари. // “Халқаро хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2010. – 17-б.

10. Раҳмонқуллова Н.Ҳ. Халқаро хусусий ҳуқуқда никоҳ муносабатларининг тартибга солиниши. Автореф... ю.ф.н. – Т., 2010. – 11-б.

11. Ерпылева Н.Ю. Коллизионные нормы в современном международном частном праве // Законодательство и экономика. – 1998. – №2. – С.59.; Звекон В.П. Коллизия законов в международном частном праве. – М., 2007. – С.160.

12. Звекон В.П. Коллизия законов в международном частном праве. – М., 2007. – С.143.

13. Крылов С.Б., Перетерский И.С. Международное частное право. Учебник. – М., 1959. – С. 11, 46.

14. Нольде Б.Э. Очерк международного частного права // В книге: Лист Ф. Международное право в систематическом изложении. – Юрьев, 1909. – С.515.

15. Мережко А.А. Наука международного частного права: история и современность. – Киев, 2006. – С.163.

Н.Рахмонқулова  
юридик фанлар номзоди

### ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ КОДИФИКАЦИЯСИ БЎЙИЧА ЧЕТ ЭЛ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчиликни кодификациялаш аксарият чет эл давлатлари ҳуқуқ тизимида долзарблилиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда кодификация жараёни глобаллашув ва интернационаллашув йўлидан бормоқда. Учинчи минг йиллик бошида дунёнинг кўпчилиги мамлакатларида, жумладан, Озарбайжон, Литва, Жанубий Корея, Монголия, Эстония, Бельгия, Болгария, Украина, Македония, Тунис, Туркия, Хитой, Польша ва Нидерландия каби давлатларда халқаро хусусий ҳуқуқнинг янги кодификацияси амалга оширилди. Шу билан бирга, ушбу кодификацияларнинг учтаси (Бельгия, Болгария, Туркия) кодекс деб номланган бўлса, олтинчиси эса (Жанубий Корея, Болгария, Бельгия, Украина, Македония, Туркия) нафақат халқаро хусусий ҳуқуқ, балки халқаро фуқаролик процесси масалалари ҳам акс эттирилган. Соҳаларо кодификация Литва (2001-2003), Монголия (2002), Россия (1996-2003), Нидерландия (2002-2012) ва Ўзбекистонда (1996-1998) амалга оширилган<sup>1</sup>.

Умуман олганда халқаро хусусий ҳуқуқ миллий кодификациялари жараёни тарихида учта босқични ажратиш мумкин:

1. **XIX асрнинг 90 - XX асрнинг 60-йиллари.** Мазкур босқич айрим мамлакатларда (Швейцария (1891), Япония (1898), Польша (1926) илк халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги алоҳида қонунларнинг қабул қилиниши ва Фуқаролик кодексларига (Германия (1896), Италия (1942), Миср (1948), Ливия (1954) алоҳида коллизия тартибга солиш тўғрисидаги махсус бўлимларни назарда тутилиши билан тавсифланади.

2. **1960-1978 йиллар.** Иккинчи босқич Чехословакияда халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик процесси тўғрисидаги биринчи махсус комплекс қонунни (1963) қабул қилиниши ҳамда автоном (Польша (1965), ГДР (1975) ва соҳаларо (Португалия (1966) ва Испания ФКнинг (1974) бўлимлари) кодификацияларнинг ривожланиши билан характерланади. АҚШда Бирхиллаштирилган савдо кодекси (1962) ва иккинчи “Қонунлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунлар тўплами” (1971) қабул қилинди. Кодификация жараёнига собиқ иттифоқ ва иттифоқдош республикалар фуқаролик қонунчилиги Асослари (1961), фуқаролик суд юритуви Асослари (1961), никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунчилиги Асосларига (1968) халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини киритган ҳолда СССР ҳам қўшилди. Иккинчи босқич энг узвий алоқа тамойилини халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий асоси сифатида мустаҳкамлаган Австрия халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунининг (1978) қабул қилиниши билан аяқланди.

<sup>1</sup> Международное частное право: Иностранное законодательство / Предисл. А.Л.Маковского; сост. и научн. ред. А.Н.Жильцов, А.И.Муранов. – М., 2000. Тадқиқот давомида чет эл давлатларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилигига барча ҳаволалар айнан ушбу тўпламдан олинади.

3. **1979-1998 йиллар.** Мазкур давр оралиғида халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилигини кодификациясини амалга оширган мамлакатларда (Венгрия (1979), Югославия (1982), Туркия (1982), Швейцария (1987), Руминия (1992), Италия (1995), Венесуэла (1998), Грузия (1998) мазкур жараён комплекс автоном кодификация усулининг таъсири остида кечди. Жумладан, Швейцариянинг 1987 йилги халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуни 201 та моддадан иборат бўлиб, шу кунга қадар ҳам халқаро хусусий ҳуқуқнинг энг батафсил кодификацион ҳужжати ҳисобланади. 1992 йилда Австралияда халқаро хусусий ҳуқуқ масалаларининг бутун мажмуасига бағишланган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Кодификация жараёнида Фуқаролик кодексларига тегишли бўлимларни киритган ҳолда Квебек ва Луизиана (1991) ҳамда “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонун (турли қоидалар)”ни қабул қилган ҳолда Буюк Британия ҳам иштирок этди. Ўзбекистон халқаро хусусий ҳуқуқи норматив-ҳуқуқий асосини шаклланиши ҳам айнан шу даврга тўғри келди. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996), Оила кодекси (1998), Фуқаролик процессуал кодекси (1997), Хўжалик процессуал кодексларида (1997) чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларни тартибга солувчи тегишли бўлимларини назарда тутиш орқали соҳавий кодификация амалга оширилди.

4. **1998-1999 йиллар – ҳозирги давр.** Тўртинчи босқич халқаро хусусий ҳуқуқ кодификация билан ҳужжатининг юридик мақомини кўтарилиши билан характерланади. Бу ҳолат ушбу ҳужжатларни “кодекс” деб номлаш тенденциясида акс этади (Тунис (1998), Бельгия (2004), Туркия (2007). Туниснинг 1998 йилда қабул қилинган ва 1999 йил кучга кирган халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги кодекси энг мукамал кодификацион ҳужжат ҳисобланади. XXI асрда халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилигининг кодификациясини амалга оширган 15 та мамлакатдан 11 тасида алоҳида халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган (Озарбайжон, Жанубий Корея, Эстония, Бельгия, Болгария, Украина, Македония, Туркия, Хитой, Польша, Тайвань) бўлса, шулардан 6 таси комплекс автоном кодификация натижасидир, яъни ўз ичига халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик процесси масалаларини қамраб олади (Жанубий Корея, Бельгия, Болгария, Украина, Македония, Туркия). Соҳаларо кодификацион ҳужжатлар Литва (2001-2003), Мўғулистон (2002), Россия (1999-2003) ва Нидерландияда (2002-2012) амалга оширилди.

Мазкур босқич миллий халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацион жараёнининг жадаллиги билан характерланади. Бинобарин, ушбу босқичда қонун чиқарувчи соҳаларо кодификациядан воз кечди. Бу эса халқаро хусусий ҳуқуқни миллий ҳуқуқ тизимининг ўзига хос кичик тизим сифатида ажралиб чиққанлигини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, айрим мамлакатларда халқаро хусусий ҳуқуқнинг махсус масалаларининг алоҳида ҳуқуқий ҳужжатларда тартибга солиш амалиёти сақланиб қолганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Масалан, Болгарияда “Халқаро савдо арбитражи тўғрисида”ги қонун (1988), Оила кодекси VIII бобининг “Халқаро фарзандликка олиш бўйича алоҳида қоидалар” номли V бўлими (2009), Украинада “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонун (1991), Оила

кодекснинг “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги фарзандликка олиш хусусиятлари” номли VI бўлими (2002) мавжуд.

XXI аср халқро хусусий ҳуқуқ кодификацияси жараёнида кодификациянинг қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин:

- “Босқичма-босқич” (step-by-step codification) кодификация – ягона ҳуқуқ ижодкорлиги, яъни халқро хусусий ҳуқуқ алоҳида нормаларининг шаклланиши ва алоҳида институтларининг қисман кодификацияси тизимли характердаги ягона ҳужжатнинг қабул қилиниши билан яқунланишини кўзда тутувчи кодификация туридир;

- Жипслаштирувчи кодификация – халқро хусусий ҳуқуқнинг алоҳида институтларига бағишланган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни дастлабки ҳуқуқий материалга муайян янгиликни киритиш йўли билан ягона мувофиқлаштирилган ҳужжат шаклига келтиришни кўзда тутувчи кодификация туридир. Қоидага кўра, “жипслаштирувчи” кодификация “босқичма-босқич” кодификациянинг иккинчи босқичида амалга оширилади;

- Бланкет кодификация асосида унга тўғридан-тўғри ҳавола қилиш йўли билан муайян чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи халқро бирхиллаштирилган ҳужжатнинг афзаллиги ётади.

Халқро хусусий ҳуқуқ миллий кодификацияларида энг самарали усул сифатида жипслаштирувчи ва бланкет кодификация кенг қўлланилмоқда.

Шунингдек, ҳуқуқий нормалар мазмунини тизимлаштириш жараёнида амалга ошириладиган ўзгаришларга кўра, кодификация реформа (реал кодификация) ва кодификация компиляциялар (формал кодификация) ажратилади.

Кодификация реформа – кодификация жараёнида тўпланган ҳуқуқий нормаларга аҳамиятли ўзгаришлар киритиладиган кодификациядир. Кодификация қилинаётган ҳуқуқий норма кодекс моддасига интеграция қилган ҳолда, унинг дастлабки манбасидан қатъи назар, яъни агар бунга қадар норматив табиатга эга бўлмаган бўлса-да (масалан, суд амалиётида туриб қолган қоида) қонун кучига эга бўлади. Ундан олдинги ҳуқуқнинг мазмунини тубдан ўзгартирувчи кодификация реформа “кодификация-модификация” номини олди<sup>1</sup>.

Кодификация компиляция – амалдаги ҳуқуқий нормаларнинг оддий тўпланиши, нормаларнинг ҳуқуқий табиатига муҳим ўзгартириш киритмаган ҳолда уларни кодекс шаклига бирлаштириш ҳисобланади. Замонавий доктринада кодификациянинг мазкур турида қайта тузиш элементи реформа кодификацияга қараганда энгилроқ бўлса-да, мавжудлиги таъкидланади: “Компилятор кодификациячилар ҳеч қандай иккиланишсиз ёки кодификация қилинаётган ҳуқуқ нормаларига ўзгартириш киритиш ёхуд улардан айримларини бекор қилиш, ёнки ҳатто янги нормаларни киритишга мурожаат қиладилар”<sup>2</sup>.

Кодификация компиляциянинг кодификация реформадан афзаллиги шундаки, у кам вақт талаб қилади. Реформа кодификациясининг афзаллиги эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг янги шарт-шароитларга энг юқори мосланувчанлигида, суд

амалиётида ишлаб чиқилган нормаларни қонуний мустаҳкамлаш имкониятида намоён бўлади.

Замонавий миллий кодификациялар, аввал амалда бўлган халқро хусусий ҳуқуққа доир миллий қонунчиликка аҳамиятли ўзгартириш киритганлиги сабабли, уларнинг барчаси реформа кодификация ҳисобланади.

Янги миллий кодификацияларни тизимлаштирилган шакл ҳамда ибораларни бир хилда қўллаш нуқтаи назаридан кўриб чиқадиган бўлсак, замонавий халқро хусусий ҳуқуқ автоном қонунларининг етарлилик ва тўлиқлилик даражаси турличадир.

Масалан, Озарбайжоннинг халқро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуни 30 тагина моддадан иборат бўлиб, қонун халқро хусусий ҳуқуқнинг умумий қоидалари ҳамда шахсий мақом, ашёвий ҳуқуқлар, шартномавий ва шартномадан ташқари мажбуриятлар мақоми, ворислик муносабатларини тартибга солувчи коллизия нормалардан иборат.

Эстониянинг халқро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Қонуни кенгроқ бўлиб, 67 та моддадан иборат. Эстония қонунчилигида ҳуқуқни қўллаш масалалари Озарбайжон қонунчилигига нисбатан батафсилроқ тартибга солинган. Эстон қонунчилигида оила ва меҳнат муносабатлари, транспорт воситаларига нисбатан ашёвий ҳуқуқлар, истеъмолчилик шартномалари, суғурта шартномаси, интеллектуал мулк ҳуқуқи масалалари коллизия ҳуқуқий тартибга солинган. Аммо, Эстония қонунчилигида халқро фуқаролик процесси ва халқро тижорат арбитражи масалалари ўз ифодасини топмаган. Ушбу ҳолат 1978 йилги Австриянинг халқро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилигида ҳам кузатилади. 80-йилларнинг бошларидан эса дунёда халқро хусусий ҳуқуқ ва халқро фуқаролик процесси тўғрисида комплекс қонунлар қабул қилиш борасидаги бир хилдаги ёндашув кўзга ташланди.

Халқро хусусий ҳуқуқ ва халқро фуқаролик процесси борасидаги Туркия кодекси 66 та моддадан иборат бўлса-да, юридик техника нуқтаи назаридан Озарбайжон ва Эстония қонунидан ҳам ниҳоятда устун туради. Кодекс деб номланишнинг ўзи халқро хусусий ҳуқуқ ҳамда халқро фуқаролик процесси масалаларининг комплекс ва яхлит тартибга солинганлигидан дарак беради. Бундай тартибга солиш Туркия учун аънавий бўлиб, у ерда 1982-2006 йилларда халқро хусусий ҳуқуқ ва халқро фуқаролик процесси тўғрисидаги (1982 йил 22 ноябрда кучга кирган) Қонун амалда эди<sup>3</sup>.

Украинанинг халқро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуни 82 та моддадан иборат бўлиб, фикримизча, бугунги кунда МДҲ давлатларлари орасида қабул қилинган яхши кодификацион ҳужжат ҳисобланади. Украинанинг халқро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунининг биринчи моддасида қисқа юридик глоссарийдан (атамаларнинг изоҳи) келтирилган.

Болгария ҳамда Македониянинг халқро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги кодекслари ҳажм жиҳатдан бир хилдир (124 та модда). Болгария кодекси максимал даражадаги тўлиқлиги ва батафсиллиги, халқро хусусий ҳуқуқ предмети ва тушунчасига нисбатан замонавий ёндашув, қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ ва ваколатли юрисдикцияни белгилашдаги жаҳон амалиётининг энг сўнгги тенденциялари ҳисобга олинганлиги билан ажралиб туради.

<sup>1</sup> Кабрияк Р. Кўрс. асар. 289, 398, 147-б.

<sup>2</sup> Кабрияк Р. Кўрс. асар. 298-б.

<sup>3</sup> Муранов А.И., Жильцов А.Н. Кўрс. асар.

Энди мазкур кодификацион ҳужжатларнинг мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, юқорида қайд этилган барча кодификациялар “Умумий қоидалар” деб номланувчи махсус бобдан (бўлим) иборат. Аввало қонун чиқарувчи тегишли қонуннинг предметли амал қилиш доирасини белгилайди. “Чет эл (халқаро) элементи” тушунчаси Озарбайжон, Болгария, Македония, Туркия, Украинанинг кодификацияларида қўлланилган. Украинанинг қонунида чет эл элементи “шакллари” кўрсатилган: “ҳуқуқий муносабат иштирокчиларидан ҳеч бўлмаса биттаси чет эллик, фуқаролиги бўлмаган шахс ёки чет эл юридик шахси; ҳуқуқий муносабат объекти чет мамлакат ҳудудида жойлашган; ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки тугатилишига таъсир этувчи юридик факт чет мамлакат ҳудудида содир бўлган ёки содир бўлмоқда” (1-модда). Бошқа кодификацияларда ушбу қоида кўрсатилмаган. Болгария кодекси ушбу тушунча мазмунини қуйидагича таҳлил қилади: “Халқаро элементли хусусий ҳуқуқий муносабатлар – бу икки ёки бир неча давлатлар билан боғлиқ муносабатдир” (1-модда). Мазкур ёндашув кўп ҳолатларда замонавий қонун чиқарувчи “чет эл элементи” мазмунини янада кенгроқ тушунилиши мақсадида эгилувчан терминологик конструкцияни қўллашни афзал қўрган ҳолда ушбу тушунчанинг аниқ вариантларини санаб ўтишдан бош тортишини таъкидлашни тақозо этади.

Озарбайжон қонунида “фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар”, Украина қонунида “чет эл элементи иштирок этган хусусий ҳуқуқий муносабатлар” иборалари қўлланилган. Тартибга солинаётган муносабатларнинг хусусий ҳуқуқий табиати Туркия ҳамда Болгариянинг кодексларида таъкидланган. Халқаро хусусий ҳуқуқ предметини “кенг” тушуниш концепцияси Македониянинг қонунида белгиланган бўлиб, унинг 1-моддасида “халқаро элемент иштирок этган шахсий (шахслар мақоми), оилавий, меҳнат, мулкӣ ва бошқа моддий-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан”, деб белгиланган. Эстония қонун чиқарувчисининг қарори, фикримизча, оптималдир. Эстония қонунчилигига кўра, тартибга солиш предмети бўлиб – “биттадан кўпроқ давлат ҳуқуқи билан” боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади (1-модда).

Барча кодификацияларда, мазкур қонунларни қўллашнинг асосий объекти бўлиб – ваколатли ҳуқуқ тизимни (қўлланувчи ҳуқуқ) белгилаш масалалари эканлиги таъкидланган. Озарбайжон (1-модда) ва Украинанинг (1-модда) қонунларида “чет мамлакат ҳуқуқ нормасини қўллаш ушбу норма оммавий ҳуқуққа алоқадор бўлганлиги учунгина чекланиши мумкин эмас”лиги тўғридан-тўғри белгиланган. Иккинчи ўринда халқаро фуқаролик процесси – ҳуқуқни қўлловчи миллий органларнинг халқаро ваколати, чет эл суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш ва тан олиш кўрсатилади. Шу тариқа, миллий коллизия ҳуқуқда “хусусий ҳуқуқий ва оммавий ҳуқуқий асосларнинг ўзаро алоқаси тизими” ўзига хос тарзда ифодаланади<sup>1</sup>.

Фақатгина Эстония қонунчилиги халқаро шартномалар нормалари устунлиги тамойилини мустаҳкамлашдан воз кечди. Қолган барча кодификацияларда халқаро ҳуқуқни қўллашнинг бирламчилиги тўғридан-тўғри белгиланган (Туркия кодексининг 1-моддаси, Озарбайжон қонунининг 1-

моддаси). Бельгия кодексида нафақат умумий, балки минтақавий халқаро ҳуқуқнинг, яъни ЕИ ҳуқуқи нормаларининг устунлиги мустаҳкамланган (2-модда). Бельгия (2-модда), Болгария (3-модда) ва Македония (2-модда) қонунларида мазкур кодификацион ҳужжатларнинг умумий характери расмийлаштирилган, улар халқаро хусусий ҳуқуқнинг алоҳида масалалари махсус тартибга солинган тақдирда қўлланилмайди.

Миллий халқаро хусусий ҳуқуқ манбаларининг рўйхати Украина (4-модда) ва Озарбайжон (1-модда) қонунларида белгиланган бўлиб, улар миллий қонунчилик, халқаро шартномалар ва ушбу давлатларда тан олинган халқаро одатлардир (“умум эътироф этилган халқаро одатлар”). Озарбайжон қонунида ушбу рўйхатни тарафларнинг келишуви билан танланган ҳуқуқ билан тўлдирилган. Эстония қонуни эса, манбалар сифатида миллий қонун, халқаро шартнома ва тарафлар эркини белгилайди (2-модда).

Барча кодификацияларга чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаш; қайта ҳавола ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола; ҳуқуқ тизими кўп бўлган мамлакат ҳуқуқини қўллаш; реторсия ва ўзаролик; қонунни четлаб ўтиш; позитив ва негатив вариантларда оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ (императив нормалар институти) борасидаги нормалар киритилган. Ушбу нормалар таҳлили халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги миллий қонунчилик бугунги кунда интернационаллашув жараёнини бошидан кечираётганлигини кўрсатади. Аксарият давлатларда деярли бир хилдаги қоидалар белгиланган. Хусусан, барча давлатларда қўлланиши лозим бўлган чет эл ҳуқуқининг мазмуни ех officio судьяси томонидан белгиланади. Тарафлар судга кўмаклашиш ҳуқуқига эгадирлар, аммо бунга мажбур эмаслар. Масалан, Бельгия кодексининг 15-моддасида “ўз вақтида” чет эл ҳуқуқининг мазмуни аниқланган тақдирда суд мамлақати қонунини қўллаш мумкин эмаслиги белгиланган. Муайян ҳолатларда суд тарафларга чет эл ҳуқуқининг мазмунини аниқлашда кўмак бериш мажбуриятини юклаши мумкин (Туркия кодексининг 2-моддаси). Чет эл ҳуқуқини қўллаш ўзароликка боғлиқ эмас. Агар норматив ҳужжат ўзароликнинг мавжуд бўлишини талаб қилса, у расмийлаштирилади (Болгария кодексининг 47-моддаси). Бир неча ҳуқуқ тизими амалда бўлган мамлакат ҳуқуқини қўллашда, мазкур мамлакат ҳуқуқи ушбу ҳуқуқ тизимларидан қай бири ваколатли эканлигини белгилайди (Озарбайжон қонунининг 6-моддаси).

Мамлакатларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилиги ўртасидаги асосий фарқлар қайта ҳавола (“renvoi”) институтига доир нормаларда намоён бўлади. Аксарият мамлакатларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилигида фақатгина қайта ҳавола қабул қилинган (Эстония, Украина), аммо барча масалаларда эмас. Учунчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола чекланган ҳажмда қабул қилинади (Македония, Болгария, Озарбайжон). Шуни таъкидлаш жоизки, деярли барча кодификацияларда ҳаволаларни қўлламаслик тўғрисидаги қоидалар диспозитив характерга эга. Масалан, Бельгия кодексининг 16-моддасида “агар махсус ҳолатлар белгиланмаган бўлса” деб кўрсатилган.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг махсус қисми қоидалари орасида барча кодификацияларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг мақомини, мажбурият мақомини, оила-никоҳ ва ворислик мақомини

<sup>1</sup> Звекон В.П. Коллизии законов в международном частном праве. – М., 2007. – С. 59

белгилловчи коллизияларнинг нормаларнинг гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин. Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунларнинг қайд этилган бўлимида барча кодификацияларда мавжуд бўлмаса-да, анъанавий ҳисобланади.

Украинанинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуни ворислик муносабатларини тартибга солишга нисбатан ўзига хос коллизияларни боғловчиларни белгилайди. Ушбу қонунга кўра, ворислик муносабатлари, агар васиятномада мерос қолдирувчи томонидан унинг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат қонуни танланмаган бўлса, унинг охири яшаш жойи қонуни қўлланади; аммо, агар васиятнома тузилгандан сўнг мерос қолдирувчининг фуқаролиги ўзгарган бўлса, у томонидан танланган ҳуқуқ ҳақиқий ҳисобланмайди.

Юқорида қайд этилганидек, XXI асда амалга оширилган кодификацияларида халқаро хусусий ҳуқуқ ҳамда халқаро фуқаролик процесси масалалари комплекс тартибга солинган. Шу билан бирга, кўпгина кодификацияларда асосий эътибор халқаро фуқаролик процесси кодификациясига қаратилганлиги кўзга ташланади. Масалан, бу ҳолат Украинанинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунида яққол кўзга ташланади. Ушбу қонуннинг 2-моддасида: “Мазкур қонун чет эл элементи иштирок этган хусусий ҳуқуқий муносабатлар доирасида вужудга келувчи қуйидаги масалаларга нисбатан қўлланади:

- 1) қўлланувчи ҳуқуқни аниқлаш;
- 2) чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл юридик шахсларининг процессуал ҳуқуқ ва муомала лаёқати;
- 3) чет эл элементи иштирок этган ишларнинг Украина судларига тааллуқлилиги;
- 4) суд топшириқларини ижро этиш;
- 5) чет эл суд қарорларини Украинада тан олиш ва ижро этиш”.<sup>1</sup>

Россия ҳуқуқ доктринасида халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик процесси масалаларини битта ҳужжатда тартибга солиниши танқид остига олинади, чунки “гап нафақат турли соҳалар, балки тизимлар – хусусий ҳамда оммавий ҳуқуққа тааллуқли нормалар массивлари (гуруҳлари) тўғрисида бормоқда... Коллизияларнинг халқаро фуқаролик процесси нормалари билан аҳамиятли юридик алоқалари деярли мавжуд эмас...”<sup>2</sup>.

Бизнинг фикримизча, қўлланувчи ҳуқуқни белгилашдан олдин ҳар доим процессуал масалалар ҳал қилиниши назарда тутилади. Шу билан бирга, бир турдаги муносабатларни тартибга солувчи нормаларни яхлит ҳужжатда акс эттириш ҳам қулай, ҳам мантқан тўғри ҳисобланади.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг автоном кодификациясига эга давлатлардан фақат Бельгия ҳамда Швейцариянинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилигида трансмиллий банкротлик тўғрисидаги қоидалар мавжуд. Бельгия кодексининг XI бўлими “Банкротлик ҳолатида мулкни тақсимлаш бўйича фаолият” (116-121 моддалар) деб номланган бўлиб, у трансчегаравий банкротликни халқаро хусусий ҳуқуқнинг мустақил институти сифатида норматив тасдиқлайди.

<sup>1</sup> Муранов А.И., Жильцов А.Н. Кўрс. асар.

<sup>2</sup> Маковский А.Л. Кодификация гражданского права и развитие отечественного международного частного права // Кодификация российского частного права. / Под ред. Д.А. Медведева. – М., 2008. – С. 48.

Замонавий кодификациялар таркибига кирувчи масалалар доирасининг қийсий таҳлили давомида халқаро хусусий ҳуқуқнинг умумий ва махсус қоидалари ҳамда халқаро фуқаролик процесси масалаларининг максимал даражада батафсил тартибга солиш тенденцияси яққол кўзга ташланади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ замонавий кодификацияларининг асосий тамойилларидан бири сифатида энг узвий алоқа ҳамда ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг эрк мухторияти тамойилини кўрсатиш мумкин.

Энг узвий алоқа тамойили чет эл элементи билан мураккаблашган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан ушбу муносабатлар муайян ҳолатлар мажмуи бўйича энг узвий боғлиқ бўлган мамлакат қонунини қўллашни назарда тутати. Ушбу тамойил энг мос ҳуқуқий нормаларни аниқлаш имконини беради ҳамда муайян низони адолатли тартибга солишга кўмаклашади. Шунингдек, мазкур тамойил инглиз-америка конфликт ҳуқуқида вужудга келган бўлиб, коллизиялар норма билан ташқи ўхшашликни сақлаган ҳолда қўлланувчи ҳуқуқни белгилаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда коллизиялар ёндашувдан аста-секин воз кечишни назарда тутати.<sup>3</sup>

В.Ҳошимовнинг фикрича “... “энг узвий алоқа” мезони икки хил табиатга эга – бир тарафдан у икки томонлама коллизиялар норма боғловчиси сифатида қўлланиши мумкин, бошқа тарафдан эса – коллизиялар нормаларни шакллантириш тамойили бўлиб ҳисобланади”<sup>4</sup>. Унинг фикрига қўшилган ҳолда шуни айтиш мумкинки, икки томонлама коллизиялар нормаларда қўлланувчи барча коллизиялар боғловчилар “энг узвий алоқа” тамойилидан келиб чиқади, аммо айрим ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда аниқ бир мамлакатни кўрсатиши мумкин бўлган коллизиялар боғловчини қўллаш қийинчиликлар туғдирган ҳолларда, судьянинг ҳар тарафлама вазиятни ўрганган ҳолда қарор қабул қилишга замин яратадиган коллизиялар боғловчи сифатида қўллаш ҳам ушбу мезонга хос ҳисобланади.

Болгария кодексига энг узвий алоқа тамойили чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг барчасига нисбатан қўлланувчи ҳамда бошқарувчи сифатида белгиланади. Кодекснинг 2-моддасига кўра, халқаро элементли хусусий ҳуқуқий муносабатлар улар энг узвий алоқада бўлган мамлакат қонуни билан тартибга солинади; кодекснинг қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқни аниқлашга мўлжалланган барча қоидалари ушбу тамойилни акс эттиради. Украинанинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунида мазкур тамойил барча битим турларига нисбатан қўлланувчи умумий боғловчи формула сифатида кўрсатилган<sup>5</sup>.

Ҳуқуқий муносабат “узвий алоқаси”ни белгилаш асосан мажбуриятни бажаришнинг одатий (характерли) жойини белгилаш йўли билан амалга

<sup>3</sup> Звекос В., Марышева Н. Новая кодификация норм международного частного права // Хозяйство и право. – 2002. – № 4. – С. 28.

<sup>4</sup> Ҳошимов В.Н. Теоретический аспект понятия “наиболее тесной связи” в международном частном праве / “Халқаро хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2010. – 104-116 б.

<sup>5</sup> Ерпылева Н.Ю. Коллизияльное регулирование в международном частном праве России и Украины // Законодательство и экономика. – 2006. – № 9. – С. 36.

оширилади (Эстония қонунининг 33-моддаси, Украина Қонунининг 32, 44-моддалари). Эстония Қонунига кўра, шартнома у тузилаётган пайтда шартномага хос бўлган мажбуриятларни бажараётган тараф органининг яшаш ёки турар жойи жойлашган мамлакат билан узвий боғлиқлиги кўзда тутилади. Агар ҳуқуқий муносабатлар шартнома тарафининг хўжалик ёки касбий фаолият доирасида вужудга келаётган бўлса, шартнома мазкур тарафнинг асосий фаолият жойи жойлашган мамлакат билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқлар тўғрисидаги шартномалар ушбу мулк жойлашган мамлакат, ташиш шартномалари – шартнома тузилаётган пайтда ташувчининг, агар жўнатиш жойи ҳам, тайинланган жой ҳам ушбу мамлакатда бўлса, асосий фаолият жойи бўлган мамлакат ҳуқуқи қўлланиши кўзда тутилади (33-модда).

Бельгия кодексининг 98-моддаси энг узвий алоқа тамойили ривожланишида Европа ҳуқуқининг янги тенденциясини акс эттиради. Ушбу тамойил, авваламбор, шартномага нисбатан қўлланаётган ҳуқуқни одатий амалга ошириш концепцияси асосида аниқлаб бўлмаса, қўлланади. Таъкидлаш жоизки, энг узвий алоқа тамойили ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқларни тўлдириш учун умумий восита функциясини бажаришга мўлжалланган. Украина қонунининг 4-моддасида: агар қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқни аниқлашнинг иложи бўлмаса, ушбу муносабат билан энг узвий алоқада бўлган ҳуқуқ қўлланади. Энг узвий алоқа тамойили билан хориж доктринасидаги “*escape clause*” формуласи билан ифодаланадиган механизм боғлиқдир. Ушбу механизмнинг мақсади – коллизия муаммони ҳал этишда бир хил, намунага асосланган ёндашувлардан воз кечишдир.

Тарафларнинг эрк мухторияти тамойили ҳуқуқий муносабатни тарафлар томонидан танланган ҳуқуқий тизимга бўйсундириши ўзида акс эттиради. Украина қонунининг 1-моддасида эрк мухторияти чет эл элементи билан мураккабланган ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ҳуқуқни танлаб олишлари, яъни тегишли элемент иштирок этган ҳуқуқий муносабатга нисбатан қайси мамлакат ҳуқуқи қўлланилиши лозимлигини белгилаб олишлари мумкин бўлган тамойил сифатида белгиланади. Украина қонуни эрк мухторияти тўғрисидаги нормани қуйидаги қоида билан тугатиши эътибор жалб этади: “Агар ҳуқуқий муносабатларда чет эл элементи мавжуд бўлмаса, ҳуқуқни танлаш амалга оширилмайди” (5-модда).

Замонавий кодификацияларда халқаро хусусий ҳуқуқ доираси эрк мухторияти тамойилини қўлланишининг кенгайиши ва унинг нафақат шартномавий, балки оилавий, ашёвий, ворислик, шартномадан ташқари муносабатларга нисбатан ҳам тадбиқ этилиши кузатилмоқда. Болгария кодексининг 79-моддасига мувофиқ, эр-хотинлар ўзларининг мулк муносабатларини тартибга солишга нисбатан қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқни ўзлари танлашлари мумкин. Бельгия кодекси эр-хотинларга никоҳдан ажрашиш ва алоҳида яшаш масалаларида қонунчиликни (чекланган) танлаб олиш ҳуқуқини беради (49,55-моддалар).

Бир қатор кодификациялар (Украина, Болгария, Эстония, Озарбайжон) эрк мухторияти тамойилини битимнинг ўзига ҳам, унинг алоҳида қисмига ҳам қўллашни назарда тутди. Е.В.Кабатованинг фикрича, бу ҳолат “битимнинг мажбурий статутига салбий

таъсир кўрсатади”<sup>1</sup>. Қоида тариқасида, барча кодификацияларда эрк мухторияти тамойили истеъмолчилик шартномалари асосида вужудга келадиган муносабатларда чекланади. Бундай танлов натижасида, истеъмолчи, қонунда кўрсатилган шартларга риоя этган ҳолда унинг яшаш жойи жойлашган мамлакат қатъий нормалари билан кафолатланган ҳимоядан маҳрум этилмаслиги лозим (Эстония қонунининг 34-моддаси, Украина қонунининг 45-моддаси).

Халқаро хусусий ҳуқуқ замонавий кодификациялари эрк мухторияти тамойилини ҳуқуқий муносабат энг узвий алоқада бўлган ҳуқуқий тизим қатъий нормаларининг мажбурий қўлланилиши тўғрисидаги қоидалар билан чеклайдилар (Болгария кодексининг 46-моддаси, Туркия кодексининг 6-моддаси).

Тузилиши нуқтаи назаридан замонавий кодификацион ҳужжатлар асосан пандект тизимига асосланади. Учта муҳим бўлимларни алоҳида кўрсатиш мумкин: 1) умумий қоидалар (тартибга солиш предмети, асосий тамойиллар, ҳуқуқий баҳо бериш, чет эл ҳуқуқи нормаси мазмунини аниқлаш, қайта ҳавола, қонунни четлаб ўтиш, оммавий тартиб тўғрисидаги изох); 2) махсус муносабатларни коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш (ашёвий-ҳуқуқий, мажбурият, оилавий, меҳнат, ворислик, деликт); 3) халқаро фуқаролик процесси масалалари (суд ва бошқа давлат органларининг ваколатлилиги, низо иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқлари, исботлаш, чет эл суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш).

Замонавий кодификацияларнинг норматив таркиби икки томонлама “эгиловчан” коллизия нормалар ҳамда оз сонли моддий-ҳуқуқий нормалар билан тавсифланади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича қонунчилик ҳужжатларини қонун эмас, кодекс деб номланувчи тенденциясига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Дунёдаги биринчи Халқаро хусусий ҳуқуқ кодекси 1998 йил Тунисда қабул қилинган. Ушбу қонунчилик ҳужжати дарҳол ўзига эътибор қаратди ҳамда ҳуқуқ доктринасида ниҳоятда юқори баҳоланди: “Тунис қонун чиқарувчиси Европадаги миллий кодификацияларнинг энг яхши намуналарига асосланди. Кодекс нафақат қизиқли норматив ҳужжат, балки ХХ асрнинг охириги ўн йиллигидаги миллий кодификацияларнинг энг яхши намуналаридан бири бўлиб ҳисобланади”<sup>2</sup>. ХХI асрда Бельгия, Болгария ҳамда Туркияда халқаро хусусий ҳуқуқ кодекси қабул қилинди. Шу тариқа, 2000-2007 йиллар мобайнида қабул қилинган 7 та автоном кодификациялардан 3 тасига кодекс шакли берилди. Ҳозирча халқаро хусусий ҳуқуқ кодексларининг қабул қилиниши умумий тенденцияга айланмаган бўлса-да, ушбу соҳадаги қонунчиликнинг мақоми ошаётганлигини кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги яхлит қонунчиликка эга мамлакатлардан фарқли равишда мамлакатимизнинг амалдаги халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда – ФК), Оила кодекси (кейинги ўринларда – ОК), Фуқаролик процессуали кодекси (кейинги

<sup>1</sup> Кабатова Е.В. Новый этап развития российского международного частного права // Российский ежегодник международного права. – 2003. – № 5. – С. 53.

<sup>2</sup> Муранов А.И., Жильцов А.Н. Курс. асар

ўринларда – ФПК), Хўжалик процессуал кодексидagi (кейинги ўринларда – ХПК) мавжуд коллизия нормалардан иборатдир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг икки ва кўп томонлама халқаро шартномаларида ҳам халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи коллизия ва бирхиллаштирилган моддий-ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини топган.

Бугунги кунда халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими дифференциация қилинганлик билан тавсифланади. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг ўзига хос бошланғич норматив асосини Ўзбекистон Республикаси ФК таъминлайди: унда “Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш” деб номланган VI бўлим таркибий жиҳатдан алоҳида ажратилган. Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, айна шу ҳол кўпинча халқаро хусусий ҳуқуққа фуқаролик ҳуқуқининг бўлими сифатида қарашнинг ўринлигини асослашда далиллардан бири сифатида келтирилади. Ўз навбатида, ушбу бўлим ҳам 70–71-бобларга ажратилади.

